


МАЙ 5 1988



ЁШ КУЧ





Намангандаги 1 ва 21-билим юртлири халқ хўжалигимиз учун ошпазлар, тикувчи-мотористлар, слесарлар етиштириб беради.

А. КУДРЯШОВ фотолари.





# Ёш куч



## Молодая смена

Ижтимоий-сиёсий, адабий бадиий  
безакли журнал

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 5 (23) 1988. МАЙ.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти.

**Бош редактор**  
**Худойберди ТУХТАБОЕВ**

**Редколлегия**  
**Шохруҳ АКБАРОВ**  
**Владимир ВОЛОТКО**  
(бош редактор ўринбосари)  
**Евгений ГРЕВЦОВ**  
**Хуршид ДУСТМУҲАММАД**  
**Мирза КЕНЖАБОЕВ**  
**Эркин МАЛИКОВ**  
(масъул секретарь)  
**Салоҳиддин МАМАЖОНОВ**  
**Латиф МАҲМУДОВ**  
**Мирвосил ОДИЛОВ**  
**Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ**  
**Йўлдошали ТОЖИБОЕВ**  
**Александр ФАЙНБЕРГ**  
**Александр ФРОЛОВ**  
**Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ**

**Рассом Маҳкам АБДУЛЛАЕВ**  
**Техредактор: Ғайбулла БАРИМОВ**

«Ёш куч («Молодая смена») — ежемесячный общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке  
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП.  
«Правда» газетаси кўчаси, 60.

Телефонлар:

78-94-67, 78-75-94, 78-94-73,  
78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена»  
5 май, 1988

© «Ёш гвардия» нашриёти.

Босмаҳонага туширилди 14.03.88 й. Босишга рухсат этилди 14.04.88 й. Офсет усулида чоп этилди. Р—11660. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Қоғоз ҳажми — 4 лист. Шартли босма листи 5,6. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 200852. Буюртма № 2993. Баҳоси 35 тийин.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.

# ДЎСТЛИК КЎПРИКЛАРИ

Ҳамиша ҳадик ва хавотир остида яшашдан ёмони йўқ. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз бир-бирларига тинчлик, хотиржамлик тилашган. Зеро, тарих саҳифаларида осойишта дамлардан таҳликали, сунли кунлар тасвири кўпроқ.

70—80-йилларнинг бошларига келиб жаҳон халқларида ўринли хавотир пайдо бўлди. Қуролланиш пойгаси шу тарзда давом этаверса, охири нима бўлади? Ер юзиде ҳал қилиниши лозим бўлган юзлаб муаммолар мавжуд бўлгани ҳолда наҳотки миллионлаб маблағни елга совурсак? Чиндан ҳам вазият ниҳоятда мураккаблашган эди. Жаҳонда тўпланган ядро қуроллари билан ердаги ҳаётни бир неча марта йўқотиш мумкинлиги ҳаммамизга маълум. Арзиманганиз низо ана шу ядро воситаларининг ишга солинишига сабаб бўлмайди деб ким қафолат бера олади? Хўш, бу хатарли доирадан чиқиб кетишнинг йўли борми? Партияимизнинг XXVII съезди бу масалага ижобий жавоб берди. Унда ялпи Тинчлик программаси илгари сурилди. Инсониятни ҳалокатдан халос этишнинг ягона йўли қуролланиш пойгасини жиловлаш, мамлакатлар ўртасида нормал муносабатларни йўлга қўйиш эканлиги айтилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 1986 йил 15 январдаги Баёнотида асримиз охиригача ер юзини ядро қуролидан халос этишнинг аниқ ва реал программасини ўртага ташлади. Буларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи тинчлик кўрғони эканлигини яна бир қарра намоиш этди.

Совет раҳбарининг АҚШ президенти Р. Рейган билан Женева ва Рейкьявикдаги учрашувлари Халқаро кескинликни юмшатиш йўлидаги муҳим қадамлар бўлди. Ниҳоят ўтган йил 8 декабрда Вашингтонда имзоланган Совет—Америка битими халқаро миқёсда катта мамнуният билан қаршиланди. Чунки ядро қуроли яратилганидан буён биринчи марта унинг икки турини тамомила йўқотиш ҳақида битим тузилди. Ана шу битимга кўра Совет Иттифоқи 1752 та ўртача ва камроқ олислик ракетасини, Қўшма Штатлар эса 859 та шундай ракетани йўқотади. Шу тариқа СССР ва АҚШнинг ердаги базаларда жойлаштирилладиган 500 километрдан 5500 километргача олисликка учирладиган ядровий ракеталари тугатилади. Албатта, бу муҳим битим эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Қурол-яроғлар ва қуролли кучлар ниҳоятда зич жойлашган ва шу сабабли уруш чиқиши хавфи ниҳоятда кучли бўлган Европада ана шу ракеталар йўқотилмоқда. Нега биз кўпроқ ракетамизни йўқотишга рози бўлдик? Бу бизнинг мудофаа қудратимизга таъсир қилмайди, деган саволлар тўғилиши табиий. Биз Европадаги НАТО кучларининг энг замонавий ракеталари ва стратегик самолётларига жавобан ана шундай ракеталарни ўрнатишга мажбур бўлган эдик. Аммо эндиликда тинчлик манфаатлари учун улардан воз кечмоқдамиз. Қолаверса, Европадаги АҚШ ракеталари мамлакатимиз территориясига 5—8 минут ичида етиб келиши мумкин. Битим тўғайли ана шу хавф ҳам бартараф этилади. Мудофаа қудратимиз эса деярли зарар кўрмайди.

Қисқартирилаётган ядро ракеталари АҚШ ва СССР ядровий кучларининг бор-йўғи 4 процентини ташкил этади. Ҳали бу борада қилинадиган ишлар кўплиги ўз-ўзидан равшан. Эндиги босқич стратегик қуролларни тенг ярмига қисқартиришдир. АҚШ президентининг мамлакатимизга яқинда қиладиган визити чоғида бу борадаги битимни имзолаш кўзда тутилган. Шунингдек, кимёвий қуролларни ишлаб чиқаришни таъқиқлаш, ядро синовларини тўхтатиш, оддий қурол-яроғларни ва қуролли кучларни чеклаш

сингари долзарб муаммолар ҳам ҳал қилиниши зарур.

Лекин айрим урушқоқ доиралар Совет—Америка битими Ғарбни ҳимоясиз қилиб қўйди, қисқартирилган ракеталар ўрнини тезда бошқа йўллар билан тўлдириш керак, демоқдалар. Бунинг учун кемалардаги ва узоққа учадиган самолётлардаги ракеталарни кўпайтиришни тақлиф қилмоқдалар. Ўз-ўзидан равшанки, бундай қадамлар эришилган натижаларни йўққа чиқарган бўлур эди.

М. С. Горбачёвнинг Афғонистон юзасидан берган Баёноти жаҳонда ялпи тинчлик ўрнатишга бўлган интилиш самарасидир. Маълумки, маҳаллий можаролар халқаро кескинликни ниҳоятда кучайтириб турибди. Баёнотда айтилганидек, «агар қуролланиш пойгаси инсониятнинг жаҳаннам сари телбаларча югуриши бўлса, маҳаллий можаролар — инсоният танасини ирита оладиган қонли жароҳатдир». Афғонистонга қарши эълон қилинмаган уруш халқнинг тинчасини қуритди. Инқилоб душманлари чет эллардан ҳарбий ва иқтисодий мадад олиб, ўз ватандошларини қийратмоқдалар. Нажибулло бошчилигидаги Афғонистон республикаси ҳукумати ана шу можарони сиёсий йўл билан, адолатли ҳал этишга кўп куч сарфламоқда. Ҳозирги пайтда миллий ярашув сиёсати яхши самаралар бераяпти. Кўплаб душманлар халқ ҳокимиятига қарши курашиш бефойда эканлигини ҳис этиб тинч меҳнатга қайтмоқдалар. Покистон билан битимнинг имзоланиши ва душманларга чет эл ҳарбий ёрдами тўхталиши Афғонистон тупроғига узоқ кутилган тинчликни олиб келади деб умид қиламиз. Совет ҳукуматининг бу борадаги сиёсати маҳаллий можароларни сиёсий йўл билан ҳал этишнинг ёрқин мисолидир. Марказий Америка, Яқин Шарқ, Жанубий Африка, Кампучиядаги, Эрон ва Ироқ ўртасидаги можаролар ҳам қанча тез бартараф этилса, шунчалик яхши. Чунки уларни ҳал қилмай туриб, ялпи тинчликка эришиб бўлмаслиги ўз-ўзидан равшан.

Мамлакатимиздаги қайта қуриш жараёни чет элларда синчковлик билан кузатиб турилибди. Ғарбда Совет Иттифоқи билан алоқадор ҳамма нарса қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Хабарларга қараганда, АҚШда В. И. Ленин, Уроқ ва Болға тасвири туширилган кийимлар ва нишонлар ишлаб чиқарилмоқда. М. С. Горбачёвнинг «Қайта қуриш» деб номланган мақолалар тўплами энг оммабоп китоблардан бирига айланди. Рус тили курсларига қатнайди-ганлар миқдори ошиб бормоқда. СССРга сафар қилишни истаган кишилар ҳам тобора кўпаяпти. Бир пайтлар Совет Иттифоқи қиёфасида фақатгина душманни кўрадиган кишилар ҳам эндиликда ўз фикрларини ўзгартирмоқдалар. Кенг халқ оммасининг ўзаро мулоқотга, ҳамкорликка бўлган интилиши бунга сабаб бўляпти. Жамоат фикрини ўрнатиш натижаларига қараганда, АҚШ аҳолисининг катта қисми Совет—Америка мулоқотлари давом эттирилишини, икки ўртадаги душманлик ўрнини ишонч ва самимият эгаллашини ёқламоқдалар.

Дунёда тинчликни истамайдиган халқ йўқ. Чунки инсон ҳамиша эртанги кунга умид билан яшайди. Ана шу орзуларнинг амалга ошиши, фарзандларнинг истиқболи эса тинч ва осойишта кунлар билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам жаҳонда урушга қарши кучлар сафи тобора кўпаймоқда, уларнинг овози қитъалар оша янграмоқда. Мен ер қуррасининг бахтли келажигига нурли умид билан шундай дегим келади:

Вақт келар, етарми шундай замонга,  
Биродарлик бўлар ягона йўриқ.  
Улим қуролларин ташлаб уммонга  
Қитъадан қитъага ясармиз кўприк.

Бу сонда:

Ўқувчилар билан юзма-юз  
Сен айтмасанг, кимдир айтади  
Шахс фожиаси — давр фожиаси  
Аниқ фанлар академияси  
Матбуот сўзи



«Бизга халқ маорифини демократик бошқаришнинг замонавий концепцияси керак, бошқаришнинг консерватив методларидан демократик, қисман иқтисодий методларига ўтиш зарур. Гап аввало мактабларни ва олий ўқув юрларини ўзини-ўзи бошқаришга ўтишни мумкин қадар кенг авж олдириш ҳақида бораётир».

(КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми материалларидан).

Ижтимоий турмушимизнинг барча соҳасида бўлганидек, олий мактабда ҳам қайта қуриш бормоқда. Энди талабалар ўқув жараёнини ташкил этишда фаолроқ иштирок этмоқдалар. Энг муҳими, улар кўп масалаларни мустақил ҳал этишга ўрганмоқдалар. «Талабалар ўз-ўзини бошқара оладими?» деган муаммага ТошДУ ўқитувчи ва студентлари қандай жавоб берадилар?

тори Е. Н. Гусева мурожаат қилдик, бироқ фойдаси бўлмапти.

Студентлар ётоқхонага кириваришда яшаётганлиги тўғрисидаги ҳужжатни кўрсатиб кўриши керак, аммо бу ҳужжат учун буюртма берилганига ҳам анча вақт бўлди. Ҳанузгача бу масала очик қолмоқда. Ётоқхонада биз танимаган, ёки яшашга ҳуқуқи бўлмаган ёт кишилар тунаб қоляпти. Факультетимиз катта. Ётоқхонасида 400 га

**Ҳаким ТУХТАЕВ, 93-ётоқхона студсоветининг раиси, фалсафа-иқтисод факультетининг 5-курс студенти, КПСС аъзоси:**

— Ўз-ўзини бошқаришга ўтар эканмиз, энг аввало, дуррадгорлар, сантехниклар, фаррошлар ва бошқа вазифаларни бажараётган кишилар ўрнига студентлардан қўйилаётгани қувончли ҳолдир, албатта. Қоровуллик вазифасини ҳам студентлар ихтиёрига

ган ёшлар афсуски, топилади. Мана шу тоифадаги студентлар буни тўғри тушунсалар, ўз-ўзини бошқариш системасига ўтиш бирмунча осонроқ кечади. Бу бир ёқадан бош чиқаришни тақозо этади.

Ўз-ўзини бошқариш иши барчага тааллуқли экан, бу тadbир ҳозирданоқ бошлангани маъқул.

# ТАЛАБАЛАР



**Абдушукур ҚОРАЕВ, физика факультетининг 5-курс талабаси, 86-ётоқхона студсоветининг раиси:**

Биз, физика факультетининг студентлари, ўз-ўзини бошқаришига ўтиш учун шу вақтгача истиқомат қилиб келган 85-ётоқхона шароити талаб даражасида эмаслигидан нолиб юрар эдик. Қандай қилиб ўз-ўзини бошқаришга ўтиш мумкин деган саволга кўп жавоб изладики. Анча вақт бошимиздан дўппимизни олиб, студсовет аъзолари билан биргаликда бу масала хусусида кўп фикрлашдик, баҳслашдик ҳам. Тўғриси, шундан кейин ётоқхонанинг кўпгина камчиликларини ўйлаб, бу ниятимиздан қайтмоқчи бўлган эдигу, тез орада физика факультетининг студентлари яқинда ремонтдан чиққан 86-ётоқхонага кўчиб ўтармиш, деган гапни эшитиб, хурсанд бўлиб кетдик. Афсуски, хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Не кўз билан кўрайликки, бу ётоқхона ундан ҳам бешбаттар бўлиб чиқди. Ётоқхона сифатли ремонтдан чиққан, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ахир, ўз-ўзини бошқаришга ўтишдан олдин ҳамма шарт-шароит мавжуд бўлиш керак-ку?! Бироқ аксинча бўлиб чиқди. Ошхонада жўмрақларнинг ўзи йўқ. Баъзи жойларда деворларнинг сувоғи кўчиб кетган. Душ, ванналар ишламайди, кир ювадиган, кийим қуритадиган махсус хоналар йўқ. Каттагина залимиз бўм-бўш ётибди, стул-столлари умуман йўқ, деразалар эса ойнасиз. Телевизор, холодильник, радиолар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бундай ачинарли аҳволдаги ётоқхонада қандай қилиб ўз-ўзини бошқаришга ўтиб оламиз. Бу тўғрида бир неча марта ТошДУ маъмурий-хўжалик ишлари бўйича прорек-

яқин талаба истиқомат қилади. Қоровуллар студентларни яхши танимайди. Айрим бетамиз, ёт кишилар «ҳали бизга пропуски берганича йўқ» қабилда иш тутиб бемалол ётоқхонага кириб кетаврадилар. Қоровуллар ёки навбатчи студентлар таниб қолган тақдирда ҳам улар биринчи қаватнинг деразасидан кириши мумкин. Чунки биринчи қаватнинг деразалари махсус панжаралар билан тўсилмаган.

Ётоқхонага кўчиб ўтганимиздан кейин кўпгина жойларни баҳоликдурат кучимиз етганича ремонт қилдик. Баъзи эшикларда ўрнатилган қулфларнинг ишламаётганларини тузатиб, айримларини алмаштирдик ва бошқа энгил ишларни қўлимиздан келганича бажардик, аммо ремонт қилиниши керак бўлган ишлар жуда кўп. Бу ишларни студентлар ўз-ўзини бошқаргани ҳолда бажариша олмайди. Мазкур ишларни профессионал мутахассислар амалга оширишлари керак эмасми?

Кўпчилик студентлар истиқомат қилаётган ётоқхонада ошхона ишламайди. Унинг ичи синиб кетган стол-стуллар, каравотлар билан лиқ тўла. Атроф антисанитария ҳолатига келиб қолган. Студентлар овқатланиш учун студентлар шаҳарчасига боришга мажбур бўлмоқдалар. Хоналарда каравотлар етишмайди. Айрим талабалар полда ётишибди. Кўпгина хоналарда стол-стулларнинг етишмаслиги натижасида ёзги сессияга тайёрланаётган талабалар қийналиб қолишяпти. Уларнинг ётиб дарс тайёрлаётганини кўргангизда эди... Бундан ташқари, ётоқхонада телефон йўқ, Бирор кўнгилсиз ҳодиса юз бергудек бўлса, шошиб қоламиз. Айтаверсам, камчиликлар тугамайдиганга ўхшайди. Бу ишларни студентлар бажариша олмайдилар-ку!

Биз ўз-ўзини бошқариш усулига ўтган Москва, Новосибирск Давлат университетларининг ётоқхоналарини «Комсомольская правда» газетасидан ўқидигу, аммо бизда шароитлар етишмаслигидан афсусландик. Улар ҳам бизга ўхшаган студентлар эмасми?

берсак бўлади. Бунинг ҳеч қийинчилиги йўқ. Бу вазифани бажарувчи студентлар университет проректорининг 1984 йилги рухсатига кўра, ойда бир кун дарсдан қолиши мумкин. Лекин бу ҳам студентларнинг ўзига боғлиқ. Чунки студент ўз навбатида принципиал бўлиши лозим. Маълумки, ўз-ўзини бошқарувига ўтиш анча мураккаб ишдир. Биз бу муаммони ҳал этишда актив иштирок этишимиз керак.



**Солижон ИБРОҲИМОВ, фалсафа-иқтисод факультетининг 5-курс студенти, ётоқхона студсоветининг аъзоси:**

— Мана, беш йилдирки 9-ётоқхонада истиқомат қилиб келаман.

# ЎЗ-ЎЗИНИ



**Ҳурматилла БҮРИЕВ, шарқшунослик факультетининг 5-курс студенти, Ленин стипендиати:**

— Ўз-ўзини бошқариш деганда мен аввало студентлик даврини мазмунли ўтказиш деб тушунаман. Ҳар бир комсомол аъзоси олтин даврдан оқилона фойдаланиши керак. Барча ёшлар талабалик йилларидаёқ ўз ишини пухта билиши, амалий ва практик машғулотларда шаклланиб бориши даркор. Студент ўз-ўзини бошқаришга киришдимиз, бунга қизиқишни янада ортттира бошлаши керак. Аммо ўзининг қимматли вақтини беҳуда сарфлаб, атрофда рўй бераётган катта ўзгаришлардан беҳабар юр-

Шароитлар ёмон эмас. Ётоқхонада студентлар ўз-ўзини бошқариши керак. Сабаби, ётоқхонада шовқин-сурон бўлиб турса, дарс тайёрлайдиганларга ҳалақит берилса, уларнинг мустақил ишларига путур етади. Ётоқхонада турли хил фойдали илмий ва назарий савол-жавоб кечалари уюштирилса ёки талабалар газета-журналлар ўқиб, ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар ва бошқа янгиликлар билан танишиб борсалар қандай яхши.

Ётоқхонада студент ўз-ўзини бошқариш учун яна қандай ишларни амалга ошириш керак? Бунда ҳар бир студент ўз устида ишлаши, «келгусида халқ манфаатига қандай хизмат қиламан», деган саволни ўзига ўзи бериб кўриши ва шу саволга жавоб топиши учун изланиши керак. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар бир талаба ўз-ўзини бошқаргани ҳолда ўзи яшайдиган хонани ёки қаватни тоза-озода тутиши, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиши, жиҳозларни асраб-авайлаши учун бош-қош бўлиши ҳам ётоқхонада ўз-ўзини бошқаришнинг яққол мисоли бўла олади. Чунки барча шароит етарли, талабга жавоб бера олади. Афсуски, ётоқхонада яшаш маданиятини билмайдиган талабалар ҳам кўп. Улар ўз-ўзини бошқариш нима эканини тушунмайдилар.





ихтиёрига берилиши мақсадга мувофиқ.

**Нигора НИЕЗОВА, журналистика факультетининг 5-курс студенти:**

— Ҳозир ўзини бошқариш деганда, мен аввало шуни айтишим керакки, барча имкониятлар студентлар ихтиёрида бўлиши керак. Нафақат ётоқхона ёки жамоат ишларидагина, балки ўқув жараёнида ҳам ўз-ўзимизни бошқаришимиз мумкин. Студент — ҳар бир соҳада фаол қатнашишга, бажарётган ишнинг устидан чиқишга қодир. Ҳозир ўзини бошқариш системасига ўтиш учун студентларни шакллантириш керак. Ана шундагина қилган ишимиз беҳуда кетмайди. Бундай ишларни амалга ошириш эканмиз, юқорида айтганимдек бажариладиган ишларнинг аксариятини талабалар ҳал қилсинлар. Масалан, ўқитувчилардан группа ёки курс раҳбари, студентлардан комсомол, касаба союз бюроси ва курсбоши сайлаш, кимга стипендия бериш ёки бермасликини ҳам талабалар ҳал қилишлари лозим.

Журналистика факультетининг биринчи курсига эндигина қабул қилиниб, лекцияларга қатнаша бошладик. Сентябрь ойининг ўрталари бўлишига қарамай ҳанузгача курсбоши сайланмаган эди. Студентлар бир овоздан хоразмлик бир йигитни курсбошиликка сайлашни маъқул, деб топдик. Ушанда группа раҳбаримиз, деканнинг буйруғи деб эндигина 10-синфни тугатган талабани курсбоши қилиб сайлашни тавсия этди. Бунга кўпчилик норози бўлди. Қанча уринмайлик деканнинг гапи гап бўлиб чиқди. Бу албатта ўз-ўзини бошқаришга зид ҳодиса эди.

Ҳозир давр бошқача. Демократиямиз кенгаётган бир пайтда мана шундай ишларни талабалар ихтиёрига беришимиз керак. Чунки факультет раҳбарларидан кўра талабалар кимнинг нимага қодирлигини, қайси талаба қандай қобилиятга эга эканини жуда яхши билишади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, ўз-ўзини бошқарувда тарафқашлик, юртдошчилик, ёки таниш-билишчилик кетмайди.

талабада ўзига ҳам, ўқитувчига ҳам масъулият билан қарашни тақозо этади. Группа ёки курс раҳбарлари ҳақида: раҳбарларни сайлаш масаласини ҳам талабалар ҳал этишлари керак, деган тушунчага қўшилмасликини тақлиф қиламан. Чунки курс ёки группаларда раҳбарлик қилишнинг ҳолати йўқ, деб ўйлайман. Масалан, 5 йилдан бери бизнинг курсга доцент С. Низомиддинова раҳбарлик қилиб келаяпти. Аммо шу пайтга қадар раҳбарнинг ролини сезмадик. Биз бу билан группамиз раҳбарини камситмоқчи эмасмиз. Балки бошқа курсларда ҳам шундай ҳол мавжуддир. Чунки мустақил шахс бўлган студентларнинг ўзлари бўлғуси раҳбарлар-ку?! Қачонгача биз раҳбарнинг сўзи билан иш юритамиз. Бу ерда мустақиллик қани? Биринчидан, раҳбарлик қиладиган шахснинг зарур вақтлари тежаллади. Иккинчидан, раҳбар ойлик маошидан ташқари маълум миқдорда процент қўшимча пул олади. Агар раҳбарлиги учун ҳеч бўлмаганда ойлик маошига 20 сўмдан қўшиб бериладиган бўлса, юз нафар ўқитувчига ҳар ойда 2 минг сўм маблағ сарф бўларкан. Бу озмунча пул эмас, иқтисодий томондан ҳам анча самара бериши табиий. Бунинг эҳтимол талабаларнинг маиший шароитини яхшилашга сарфлаш тўғриси бўлар?..

Бу жараённинг қай тариқа кечиши эса, бизга, яъни талабаларнинг ўзига боғлиқ эмас.



**Илҳом ҚОСИМОВ, 2-ётоқхона студентлар совети раиси, геология факультети 4-курс студенти:**

— Яқиндан бошлаб 2-ётоқхонамизда ўз-ўзини бошқариш системасига ўтиш бошланди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу осонлик билан кечмаяпти. Тўғриси, айрим студентлар учун бундай ўзгаришлар ғайритабиий, қўйилмаган воқеадек туюлмоқда. Чунки орамизда ҳали тўла шаклланмаган, мамлакатимизда рўй бераётган революцион ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар билан деярли қизиқмайдиган талабалар афсуски, йўқ эмас. Уйлаймизки, ўз-ўзини бошқарувга ўтишдан олдин барча студент-ёшларни маълум бир жойга тўплаб, тушунтириш йўли билан иш тутиш лозим. Биз шундай қилишга деярли эриша олдик, десак муболаға бўлмайди.

Ҳозир ётоқхонада химия, геология факультетларининг 400 га яқин студенти истиқомат қилади. Айни пайтда, ётоқхонамиздан 14 киши ойлик олади. Комендант 115 сўм, кастелянша 80 сўм, дурадгор 70 сўм, электрик ва сантехниклар 85 сўмдан, юкларни сақлаш камераси мудири 45 сўм, фаррошлар ва сменалар билан ишлайдиган қоровуллар (8 киши) 70 сўмдан, жами 560 сўм маош олишар экан. Буларнинг ҳаммаси бир ойда 1040 сўмни ташкил қилади.

Бу озмунча пул эмас. Ётоқхонада ишловчилар олган маошларига лойиқ ишляптилар, деб ҳам бўлмайди. Масалан, электрик, сантехник ва дурадгорларнинг нима иш билан шуғулланаётганини ҳам билмаймиз. Ваҳоланки, улар керакли пайтда (у ҳам бўлса ойда бир ёки икки марта) чақиртирилади. Шу билан улар бир ой ишлаган киши бўлиб қолаверадилар. Мана шуларни ҳисобга олиб ўз-ўзимизни бошқарув системасига ўтишга тайёргарлик кўра бошладик. Бу студентларга моддий жиҳатдан ёрдам бўлиб хизмат қилади. Бунинг яна бир энг муҳим томони шундаки, биз маълум миқдорда давлатнинг маблағини тежалашга эришамиз: айни вақтда электрик, сантехник, дурадгорлик вазифаларини геология факультетининг 2-курс студентлари Али Холмўминов, Уринбой Ражаббоев ва Ҳалим Норовлар бемалол бажаришяпти. Чунки улар бу соҳалар бўйича олдин ишлаган, мутахассислиги тўғрисида гувоҳномалари ҳам бор.

Комендантлик вазифасини геология факультетининг 4-курс студенти Абдутолиб Султонов ўз зиммасига олиб, бу ишга бўлган лаёқати, масъулиятини кўрсатди.

Энди фаррошлар масаласига келсак, бу вазифа ҳам студентлар учун унчалик қийинчилик туғдирмайди.

Ишлаётган студентларнинг ойлик маоши қандай бўлади, деган савол ҳам туғилиши табиий. Улар хоҳ электрик, хоҳ сантехник ёки комендант-кастелянша бўлсин, маош фақат қилган ишига қараб берилади. Бундай ишчи-студентларнинг маошидан қолган пулни ётоқхона фонди ташкил этиб сақланса айни муддао бўларди. Шунда театр, кино, концерт ва бошқа саёҳатлар учун фонддан пул олиб фойдаланишимиз мумкин. Чунки моддий жиҳатдан қийналаётган студентлар учун бу жуда қўлайдир. Базилар стипендия ололмайди, бунинг устига улар саёҳатларга бориш имконига эга бўлолмайдилар, уйдан олиб туриладиган моддий ёрдам кундалик эҳтиёжларига зўрға етадиган талабалар анчагина. Байрам кунлари ҳам талабалар курсдошларига совға улашиши мумкин. Уйлаймизки, бу ҳам қўлайликнинг бир тури.

Умуман, айтишим мумкинки, талабалар бемалол ўз-ўзини бошқара оладилар.

**Сўхбатни Азамат АВЛОҚУЛОВ олиб борди**

# БОШҚАРА

ҳам бор. Факультетларда ўқув-ўқитув ишлари бўйича студентлар комитетлари тузилиб, деканат ва бошқа жамоат ташкилотлари раҳбарлигида давомат ва интизомни назорат қилиш синон-имтиҳон сессияларини ташкил этиш, стипендия тақсимлаш ва бошқа шу каби ишларни амалга оширишга йўналтирилса, яхши натижалар берган бўлар эди. Бундан ташқари студентларнинг ижтимоий меҳнатини тўғри ташкил этиш (қурилиш отрядларидаги, пахта йиғим-теримидаги иштироки ва бошқалар), уларнинг турмуши, дам олишига доир масалалар, шунингдек ётоқхона, ўқув бинолари ва кутубхоналарда тартибни сақлаш ишлари батамом студент ташкилотлари

Бундан ташқари, таълим бераётган ўқитувчиларнинг билими қай савияда эканини талабалар бир ёки икки пара лекция ўқишидаёқ билиб олиши табиий. Агар ўқитувчининг лекцияси студентларни қониқтирмаса, у семинар, практик машғулотларни уюштиришда оғирлик қилса, студентлар ўқитувчининг лаёқатсизлигини, қобилияти сустлигини жиддий баҳолаши даркор. Бу ўқитувчиларга нисбатан юзхотирликни эмас, балки ҳар

# ОЛАДИМИ?





Республикамизда Бонс Эргашевнинг номи маълум ва машҳур. Улуғ Ватан уруши йилларида қўлга қўриқ олиб фронтга отланган йигитлар орасида у ҳам бор эди. Қонли жангларда жон олиб жон берди, кўрсатган жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Бонс Ҳамидови СССР Қурулди Кучлари сафида кўп йиллар хизмат қилди. У бир неча йиллардан бундан СССР Уруш Ветеранлари Комитетининг Тошкент секцияси-га бошчилик қилиб келмоқда.

— Бонс ака! Сиз Улуғ Ватан уруши бошланган пайтни қандай эслайсиз!  
— Нима десам экан. Эрталаб нонушта қилдик. Энди ишга кетмоқчи бўлиб турганим бирдан ҳовли эшигимизни кимдир тақиллатиб қолди. Бориб эшикни очдим. Дарвоза олдида Восихон акам турган экан. Юзида қон йўқ. Ҳайрон бўлдим. «Тинчликми, ака?» — сўрадим. «Укажон, иш чатоқ, уруш бошлангани», — деди у. Бирдан бу сўзни эшитиб қотиб қолибман. «Нима гап, нима бўлди?» — деб уйдагилар сўрай бошлади.

Уруш... Бу совуқ сўз хонадонимизга шундай кириб келди. Тез орада акам — Восихон, куёвимиз — Ваҳобжон, амакиларим — Облоқул ва Равшан кўнгиллилардан бўлиб жангга кетдилар. Мен ҳам ҳарбий комиссариатга бориб урушга юборишларини сўрадим. Бироқ, ижозат беришмади. Бўш келмадим. Охири 1942 йилнинг январь ойида менга ҳам навбат келди.

— Ушанда душманининг ҳарбий қудрати кучли эканлигини билармидингиз!

— Тўғриси айтсам Германия бизга уруш эълон қилишнинг хаёлимга ҳам келтирган эмасман. Чунки мамлакатимиз билан тинч яшаш ҳақида узоқ муддатли битим имзоланган эди. Лекин гитлерчилар хиёнаткорона, кўқисдан уруш бошлади. Герман фашистлари Европада кетма-кет эришган ғалабаларидан талтайиб кетиб, «Яшин тезлигида СССРни босиб оламиз!» деб ўйлади. Шу ёмон ниятига мувофиқ душман Оқ денгиздан Қора денгизгача чўзилган чегараларимиз бўйлаб 5 миллион 500 минг кишилик 190 та дивизиясини ҳужумга ташлади. Бу пайтда гитлерчилар 3712 танк, 4950 жанговар самолёт, 47260 тўп ва миномёт, 193 жанговар кемага эга эди. Ҳа, фашистлар 14 кун ичида мамлакатимизни тиз чўқтироқчи эди. Бироқ, Гитлер қаттиқ янглишди. Узи қазиган чоққа ўзи қулаб тушди.

— Совет халқи ва Қурулди Кучларининг матонати ҳақида ҳам тўхталсангиз...

— Совет халқи ва унинг Қурулди Кучлари ўз она-Ватанини душмандан мардларча ҳимоя қилди. Фашистлар Улуғ Ватан урушининг дастлабки соатларидан бошлаб қаттиқ қаршиликларга дуч келди. Жасур совет кишилари Брест қалъаси мудофааси ва Одесса, Севастополь, Киев шаҳарлари мудофааси, Смоленск ва Ленинград бўсағаларида олиб борилган қонли жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Душман қўшинларига даҳшатли талофатлар етказилди. 1944 йил август ойида Совет халқи ва кучларининг баҳодир лочинлари Берлинни бомбардирмон қилди. Улуғ Ватан уруши 20 миллион кишининг ёстигини қуритди. 670 минг ўзбекистонликлар ҳам она-Ватан учун бўлган жангларда ҳалок бўлди-

лар. Қалбида яратувчилик ишқи мавж ураётган ажойиб ўғил-қизлар мангуликка кетдилар. Собир Раҳимов, Мамадали Топиболдиев, Абдусалом Деҳқонов, Тўйчи Назаров, Тўйчи Эргашитов, Қосим Ёқубов, Муҳиддин Умурдинов ва Тожиали Бобоев каби ўнлаб-юзлаб жасурлар фронтда мардона жанг қилдилар... Улар ҳозир орамизда йўқ. Кўплари фронтда ҳалок бўлган бўлса, кўпларини уруш жароҳатлари кейин олиб кетди. Аммо уларнинг хотиралари дилимизда яшапти. Ёшларимиз ҳам унутмасликларни, уларнинг номларини эъзолашлари, ҳаёт йўлини ўрганишлари керак. Қизил изтопарлар отряди аъзолари ўз ишларини янада жонлантиради, деб умид қиламан.

— Жасорат, қаҳрамонлик... Улар ҳозирги ёшларни ҳам қизиқтиради. Айтинг-чи, бунга қандай эришиш мумкин!

— Жуда кўплаб учрашув ва суҳбатларда мендан «Сиз қандай қилиб қаҳрамон бўлгансиз?» деб сўрашади. Бундай пайтда ўнғайсиз бир ҳолатга тушиб қоламан. Жангга ҳеч ким ном чиқарман, қаҳрамон бўламан деб кирмайдик-ку! Унинг қалбида Ватан туйғуси бўлади. Юртини мудофаа қилишни ҳамма нарсадан юқори қўяди. Ҳа, шундай! Тўғриси айтсам, душман билан

митети, республика ДОСААФ комитети, «Билим» жамияти ташкилотлари, ҳарбий комиссариатлар, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг сиёсий бошқармаси, халқ маорифи органлари, олий ўқув юртлари, ҳарбий қисмлар билан ўрнатилган мустақкам алоқа ижобий таъсир кўрсатмоқда. Маълумки, бу ташкилотларнинг асосий мақсади ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни армия ва флотдаги хизматга пухта тайёрлашдан иборатдир. Демак, бу муқаддас ишда секция ҳам бевосита иштирок этипти деб айтишимиз мумкин.

Уруш ветеранларининг «Қаҳрамонлар кунлари», «Жанговар байроқ байрами», «Хотира вахтаси», жансартларидан иштирок этишлари аъёнага айланиб қолди.

Мактаблардаги ҳарбий кабинетлар, жанговар шон-шухрат хоналари, музейлар ҳақиқий маънода ҳарбий-ватанпарварлик ишларининг маркази ҳисобланади. Ҳозир Тошкентдаги мактабларда 68 дан зиёд музей мавжуд. Музейда ўтказилаётган машғулотларга ўқувчиларнинг барчаси жалб қилинмоқда. Уларнинг экспозицияларидан уруш ветеранлари ўқувчилар билан учрашувларда, синфдан ташқари ўтказилаётган жасорат дарсларида самарали фойдаланишмоқда.

# УРИНБОСАРЛАР БЎЛИНИ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони  
Бонс ЭРГАШЕВ  
билан суҳбат

юзма-юз туриб жанг қилганларнинг ҳаммасини ҳам қаҳрамонлар деб айтгим келади.

Мен 3-Украина fronti 12-армиясининг 60-ўқчи дивизияси, 132-артиллерия полкида разведкачи эдим. 1943 йил 25 октябрда командиримиз топшириғига кўра Днепр ГЭС бекатидан Днепр дарёси бўйлаб Хортиқ кўлигидан душман таянч нуқтасини барбод қилиш ва душманини олға силжитмай ушлаб туриш вазифаси топширилди. Шу ерда душманининг 8 та қаттиқ ҳужумини қайтардик. Узимизникиларга душман мудофааси ҳақида тегишли маълумотларни етказиб турдик ва қўшинларимизни Хортиқ бекати районидан, яъни Днепрдан ўтказиб юборишга ҳисса қўшдик. Ана шу топшириқни муваффақиятли ҳал этишда активлик кўрсатганим учун 1944 йил 22 февраль СССР Олий Советининг фармонига мувофиқ Ватанимизнинг олий мукофоти — Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдим. Ўзбекистонликлардан 280 дан ортиқ киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Уттиздан ортиқ киши эса Шухрат орденининг тўла кавалери бўлишди.

— СССР Уруш Ветеранлари Комитетининг Тошкент секциясининг фаолияти ҳақида ҳам икки оғиз...

— Секциямиз ташкил топганига 30 йилдан ортиқ вақт ўтди. СССР Уруш Ветеранларининг Тошкент Секцияси ҳузурида тўққиз жамоатчи комиссия ташкил этилиб, улар актив фаолият кўрсатишмоқда. Бу секцияларга профессор Х. Ф. Саримсоқов, профессор В. Ш. Богдасаров, Ф. Н. Нарзуллаев, Ҳ. Х. Усмонхўжаев, А. А. Ҳабибуллин, профессор С. А. Аъзамхўжаев, Р. А. Иброҳимова, Н. Т. Молдаванов, С. Д. Коротков, тарих фанлари кандидати К. Ш. Зайнуллин сингари Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари раҳбарлик қилишмоқда.

Тошкент секцияси маҳаллий партия ва совет органларининг доимий ҳам-хўрлиги туфайли маълум ютуқларни қўлга киритди. Ишининг самарали бўлишига Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Ко-

Тошкент секцияси президиуми ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни ҳарбий хизматга тайёрлашда иштирок этишининг янги самарали тадбирларини белгилади. Бу тадбирларни амалга оширишда барча жамоатчи комиссиялар, айниқса чақирилув ёшигача бўлган ўсмирлар билан ишлаш жамоатчи комиссиялари актив иштирок этишмоқда.

— Бонс ака, суҳбатимиз бевосита ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш мавзусига бориб тақалди. Бу борадаги сизнинг фикрларингизни билмоқчи эдим.

— КПССнинг XXVII съездида ҳисобот докладада «Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш янада яхшилаш соҳасида партияга ёрдам бериш комсомолнинг масъулиятли вазифасидир. Бизда ана шундай иш олиб борилишининг ажойиб аъёналари мавжуд. Бу ишда революция ветеранлари, уруш ва меҳнат ветеранлари ҳамisha бебаҳо роль ўйнаб келмоқдалар» — дейилган сўзлар бор. Бизнинг вазифамиз СССР Қурулди Кучлари сафида йил сайин яхши тайёрланган ёшларни тайёрлаб беришдан иборат. Армия ва флот ғавий ва жисмоний жиҳатдан чиққан, жуда қисқа муддатда мураккаб ҳарбий техникани ва қурулди эгаллаб олишга қобилиятли, коммунизм ишига чексиз содиқ йигитларни кутмоқда. Ёшларимиз учун она-Ватан ҳимояси бўлиш катта шарафдир. Шу боисдан ҳам ўзининг муқаддас бурчини ўтишга ҳозирлик кўраётган ёшларимиз қўлларига қандай техника топширилишини олдиндан билишлари шарт! Ҳарбий меҳнат — оғир меҳнат. Йигит кишини армияда тунги маршлар, олис юришлар, тактик ва кундалик ҳаётдаги турли ишлар кутади. Ёшларни ана шундай ҳарбий ҳолатга чидамли, бақувват қилиб тарбиялашни бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшилаб бормоқ керак. Республика ҳарбий комиссариатлари, комсомол ва оммавий муассаса ташкилотлари ҳамкорликда умумтаълим ва ҳунар мактабларда

бошланғич ҳарбий таълим ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига боғлиқ ишларнинг сифатини ва таъсирчанлигини янада ошишига муваффақ бўлишмоқда. Бироқ, шу билан бу ишлар ҳамма жойларда ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бир мактаб ёки бир билим юртида бу иш яхши йўлга қўйилгани билан бошқа бирида эса эътибордан четда қоляпти.

Болани ёшидан деганидек, албатта соғлом ва бақувват бўлишни ана шу ёшлиқдан бошласа яхши бўлади. Бунинг учун ҳамма жойда ҳам имкониятлар мавжудми? Афсуски, кўпгина қишлоқлар ва мактабларда бассейнлар йўқ. Ёшларнинг кўпчилиги сузишни билмайди. Е бўлмаса курашга тушишининг оддий усулларини ҳам эплай олмайди-ган ёшлар бор. Хуллас бундай эътиборсизликка барҳам бериш керак. Мактабларда, маҳалла ва қишлоқларда спорт чинакамига оммавийлашмас экан, ёшларда бу қусурлар мавжуд бўлиб қолаверади.

«Известия» газетасида босилган «Кузги чақирув» сарлавҳали танқидий мақола ҳали-ҳали эсимда. Унда Ўзбекистон ҳарбий комиссариатининг ўқув юртларида ҳарбий-тайёргарликка эътибори суст эканлиги таъкидлаб ўтилган. Мен жуда кўп мактабларда, олий ва ўрта махсус ҳунар таълими билим юрт-

ларида бўлишимга тўғри келади. Бир қатор мактабларда ёшларга ҳарбий тайёргарлик бериш учун шарт-шароитлар деярли йўқ. ПТО нормативларига тайёргарлик ишлари номигагина олиб борилаётган жойлар ҳам оз эмас. Курашга тушиш, от спорти, мерганлик, узоққа чопиш каби спорт турлари баъзи жойларда йўқолиб борапти. Бунинг сабаби нимада? Бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган бу спорт турларини янада ривож топиши учун ким қайғуради? Яна бир гап. Ҳозирги кунда фан-техника ҳамма жойга кириб борган. Аммо, кўпгина жойларда техникага ҳавасни ортириш жуда орқада қолиб кетган. Нега? Ана шу негага жавобни ким айта олади? Ёш ватанпарвар техникани билмасдан, қандай қилиб Ватанини ҳимоя қилувчи бўлиши мумкин. Яна бир ачинарли ҳол шундаки, қишлоқ мактабларида, ҳатто баъзи бир шаҳарлардаги мактабларда ҳам ёшлар рус тилини яхши билмайдилар. Ахир, иккинчи она тилимиз бўлган рус тилини билмасдан туриб хизмат қилиш ҳам мумкинми? Йўқ! Демак, бу борада ҳали қиладиган ишларимиз кўп экан. Бу камчиликларни қанча тез бартараф этсак, шунча яхши. Аммо юқорида айтилган танқидий фикрлардан ҳарбий хизматга отланган йигитларимиз армия ва флотда ёмон хизмат қилаяпти экан, деган хулосага келмаслик керак. Асло! Жуда кўп йигитларимиз ўзларининг она-Ватан олдидаги бурчинини шараф билан адо этишмоқда. Мен фурсатдан фойдаланиб уларга Улуғ Ватан уруши ветеранлари номидан миннатдорчилик изҳор этмоқчиман.

— Мен эса ҳурматли Бонс ака, Сизни ва Сизнинг сиймонгизда барча қадрли уруш ветеранларини «Ёш куч» журналининг кўп сонли ўқувчилари номидан улуғ байрам — Ғалаба кuni байрами билан қизғин табриклайман.

— Раҳмат.

Суҳбатни  
Ҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ  
олиб борди



# КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?



Унинг синфни битириш олдида турибсиз. «Етуқлик аттестати» ни олишингиз ва мустақил ҳаётни бошлашингизга санокли кунлар қолган. Сизни катта истиқбол йўли кутмоқда.

Хўш, катта ҳаёт йўлини нимадан бошлаш керак — ўқишданми ёки ишданми? Бу жуда мураккаб масала, шунинг учун ҳаёт бўсағасида турган йигит-қизлар бу масалани ҳал қилишда, у ёки бу касб-корни танлашда қийналадилар, адашишларга йўл қўядилар. Ёшларга хос романтик ҳаёллар, шошма-шошарлик, бировларга эргашиш, тажрибасизлик ҳаёт йўлини танлашда уларга панд бериши мумкин. Бу йўлда адашиш эса жамият учун ҳам, шахснинг ўзи учун ҳам маънавий жиҳатдан ҳам моддий жиҳатдан қимматга тушади: ишдаги қўнимсизлик, турли жиноятлар, ичкиликбозлик, иш вақтидаги тан жароҳатлари, коллективда ахлоқий-психологик аҳволнинг бузилиши ва шу каби қўнгилсиз ҳолатлар ёшларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши даврида, яъни келажак ҳаёт йўлини белгиловчи касб танлашларида шошма-шошарлик қилишнинг, танишбиллишга суяниш ва ота-онанинг раъйига қараб иш тутишнинг салбий оқибатларидир.

Икан ўз қизиқиши ва қобилиятдан келиб чиқиб касб танласа, у қаерда ва қайси мутахассислик бўйича ишласин, ўзининг иши билан гурунланади, меҳнатидан мамнун бўлади. Бу ҳақда доҳиймиз В. И. Лениннинг сафдоши ва умр йўлдоши Н. К. Крупская шундай деб ёзган эди: «Инсоннинг касби унинг истагига мос тушган, унда қилаётган ишига иштиёқ бўлган, ўз ишини жон-дилидан севган тақдирдагина, у ўз меҳнатидан қувонади, шундагина у чарчамаган ҳолда меҳнат қизғинлигини оширади, фақат шундагина у ўз меҳнати соҳасида қимматли маҳсулот бера олади».

Ҳаёт йўлларини тўғри топиб олишда, умр бўйи уларга ҳамроҳ бўла оладиган хунар танлашда ёшларга ёрдам бериш ва уларни катталарнинг билим ва тажрибалари билан куруллантиришда, айниқса ўрта мактаб ўқитувчиларининг роли жуда катта.

Ўрта ва олий мактабни қайта қуришнинг бориши масалаларини муҳакама қилган КПСС Марказий Комитетининг шу йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган Пленуми малакали ишчи ва мутахассис кадрлар, ҳар томонлама ривожланган шахсни тайёрлашда умумий таълим мактаблари асосий звено (бўғин) бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаши ҳам бежиз эмас.

Чиндан ҳам ёш авлодни меҳнатга ўргатиш, касб танлашда тўғри йўлга солиш, ҳаётга тайёрлаш умумий таълим мактабининг бевосита муҳим вазифасидир. Афсуски, умумий ва хунар таълим мактабини ислоҳ қилиш бўйича партия ва ҳукумат белгилаган кўрсатмалар, хусусан, меҳнат таълими масаласи, ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш вазифалари мактабларда кўнгилдагидек борапти деб бўлмайди. Ваҳоланки, мактаб, маориф ва тарбияга тааллуқли ҳамма ишлар, КПСС Марказий Комитети-

нинг февраль (1988 й.) Пленумида таъкидлангандек, социализмни ривожлантириш билан, қайта қуриш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлибгина қолмай, унинг энг муҳим йўналиши ҳам эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, чунки мактаб ва жамиятни бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Винобарин қайта қуришнинг яқин келажакдаги актив иштирокчилари, экономикамиз тараққиётини янги босқичларга кўтарувчилар бугунги кунда мактаб парталарида шаклланоқдалар. Халқ хўжалигининг ҳар бир соҳасида ўртоқ М. С. Горбачев Пленумда кўрсатиб ўтганидек, «инсоннинг ўзи, унинг сиёсий қиёфаси ва ақл-заковати, унинг маҳорати, унинг ватанпарварлиги ва интернационализи, унинг ижод қилиш қобилияти, унинг гражданлик позицияси ва активлиги ҳаминша ҳал қилувчи омил бўлар экан, бу ҳислатларни шакллантириш энг аввало мактабдан бошланади».

Шу боис ўқитувчи қайта қуришда қатнашувчи муҳим шахсдир. У бизни эътиқод, билимдонлик ва эҳтирос билан қўллаб-қувватласа, қайта қуришнинг кўпдан-кўп янги астойдил тарафдорлари ва курашчилари, революцион социалистик ишнинг давомчилари майдонга келаверади!» (Горбачев М. С.)

Бироқ ҳозир маориф системасида бошқа ишлар қатори ёш авлодни касбга йўналтириш борасида ҳам анчагина камчиликлар бор. Фикримизни исботлаш учун ўзини синфни битирувчи йигит-қизларнинг мустақил ҳаёт бўсағасидаги режалари ва мактабни тугатгандан кейинги ҳақиқий ҳаёт йўллари тўғрисидаги айрим фактларни анализ қилиб кўрайлик.

Аввало шуни айтиш керакки, ёшлардаги оптимистик руҳ, келажакка ишонч, ўқишга бўлган интилиш кишини қувонтиради. Иттифоқимизнинг турли районларида ўтказилган социологик тадқиқотларнинг натижалари (журналнинг навбатдаги сонларидан бирида социология ҳақида маълумот беришни планлаштирганмиз) йигит-қизларнинг жуда катта кўпчилиги (61 процентдан 90 процентгача) танлаган касбини эгаллашга ва мақсадига эришишга қомил ишонч билан қараганини кўрсатди. Шундай экан, умумий таълим мактабини тугаллаш олдида ёшларнинг режалари ва кейинчалик реал ҳаёт йўллари қандай бўлган, деган савол сизни қизиқтириш табиий.

Республикамиз йигит-қизларининг (10-синф битирувчилари назарда тутилади) асосий қисми иттифоқимизнинг бошқа районларидаги каби, мактабдан кейин ҳам олий ва ўрта маҳсус таълимнинг турли бўғинларида ўқишни давом эттириш ниятида эканлигини изҳор қилган, ишлашга жазм этганлар эса озчиликни ташкил этган. Масалан, Тошкент областида мактабни битирувчи йигитларнинг 82,9 проценти, қизларнинг эса 80,4 проценти ўқиш истаги борлигини билдиргани ҳолда новосибирсклик йигитларнинг 77,4 проценти мактабдан кейин ҳам ўқишни олдида мақсад қилиб қўйган.

Тошкент области мактабларида анкета тўлдирган йигитларнинг 5,7 проценти ва қизларнинг 4,7 проценти ҳаёт йўлини халқ хўжалигининг бирон бир тармоғида ишлаш билан бошламоқчи бўлган. Новосибирскда ишламоқчи бўлган йигитлар тадқиқот қилинганлар ичида 15,8 проценти, қизлар эа 2,8 проценти ташкил этишган. Қолганлар эса иш билан ўқишни қўшиб олиб боришни афзал кўришган. Рақамлардан кўриниб турибдики, ёшлар ишдан кўра кўпроқ ўқишга интилоқдалар. Бу тасодифий бўлмай, балки маълум барқарор жараёндир.

Биринчидан, тарихий тараққиёт ва ҳаёт тақозоси билан биринчи планга чиққан ва узоқ йиллар давомида кишилар онгига сингиб кетган ўқиш гоёси тўғрисидаги таълим-тарбия ишлари, КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 й.) Пленумида таъкидланганидек, асосан ўқувчиларни қўллашга тайёрлашга қаратилган эди.

Иккинчидан, кўп йиллар давомида ҳукм суриб келган инсон мавқеини касб-корига қараб белгилашдек нотўғри фикр ҳозирда ҳам тез-тез учраб турибди. Афсуски, айрим ота-оналар, ҳатто баъзи ўқитувчилар ҳам ўқишга яхши қизиқмаган болаларга «ёмон ўқисанг, фалончига ўхшаб заводда ишлайсан» ёки «пистончига ўхшаб кетмон чопасан» (гарчи ҳозир кетмон ишлатилмас-да), деб танбех берадилар ва ёшларни ишчи касбларига қизиқтириш ўрнига уларда бу касбларга нисбатан ёмон тасаввур уйғотдилар.

Учинчидан, турли хил касблар тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи справочникларнинг йўқлиги, мутахассисликлар ҳақида ҳиқоа қилувчи телеэшиттиришлар ва матбуот саҳифаларидаги материалларнинг юзакилиги йигит-қизларнинг у ёки бу касбга бўлган қизиқишининг шаклланиши ва касб танлашига салбий таъсир этмоқда.

Тўртинчидан, ва ота-оналар, ва мактаб ўқитувчилари халқ хўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжидан хабардор эмаслар. Шунинг учун мактабни битираётган йигит-қизлар қайси соҳада қандай касбга талаб борлигини билишмайди ва халқ хўжалигининг эҳтиёжи борми-йўқми, ўзлари яхшироқ билган касбини танлашади.

Бешинчидан, ёшларнинг бир қисми қизиқиши ва қобилиятдан келиб чиқиб эмас, балки танлаётган касби орқали келажакда мол-дунё орттириш ниятида ўқишга кирмоқчи бўлади. Хусусан, 60-йилларгача ҳуқуқшунослик ва шарқ тиллари бўйича мутахассис бўлишни орзу қилганлар жуда кам эди. 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб бу соҳалар бўйича ўқимоқчи бўлганлар сони йилдан-йилга охиб борди, гўё ўқишни битиради-ю, терговчи, судья ёки прокурор бўлиб, ёки чет элга чиқиб, мўмай пул топади.

Бир кун бир йигит шарқ факультетида ўқимоқчи эканлигини айтиб унга маслаҳат беришимни сўради.

«Агар, борди-ю, ўқишга қира олмасангиз нима қилмоқчисиз?», деган саволимга «унга қира олмасам, умумий овқатланиш технологияси факультетида бораман», деб жавоб қайтарди. Қаранг! Шарқшунослик билан умумий овқатланиш системаси ўртасида қандай ўхшашлик бор? Гап халққа хизмат қилиш йўлида касб танлашда эмас, балки текин пул топиш устида эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Афсуски, ёшлигидан шундай гоё билан заҳарланган йигит-қизлар анчагина топилади.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ёшлар кундалик ҳаётда учраб турадиган касблар билан яхшироқ танишлар, шунинг учун бу касбларни кўпроқ танлаганлар ва аксинча. Аммо халқ хўжалигининг турли кадрларга бўлган реал эҳтиёжи ёшларнинг дастлабки планларини анча-мунча ўзгартириб юборди, натижада тадқиқот қилинган йигитларнинг 38,3 проценти ва қизларнинг 42,7 проценти ўқишга қиранишга маълумат бўлибди. Йигитларнинг 41,7 процентига ва қизларнинг 40,5 процентига мустақил ҳаётга илк қадамни ишдан бошлашга тўғри келди.

Ўқимоқчи бўлган ёшларнинг деярли ярми ўқишга қира олмаганлигини ва аксинча, ишга жойлашганлар шу йўлни танлаганлардан 8 баробар охиб кетганлигини рақамлар кўрсатиб турибди. Режаларининг бундай ости-устин бўлиши табиийки, уларда норозилик аломатларини тўғдиради, ўз хоҳиш-истагига қарши ноилоҳ ишлайётганларнинг кўпчилиги номига, кейинги йили ўқишга киргунча бир босқич сифатида вақтинча, кун кўриш учун меҳнат қилади, натижада меҳнат унумдорлиги пасаяди, маҳсулот сифати бузилади, ишда қўнимсизлик кучаяди, коллективда атмосфера ёмонлашади.

\* \* \*

Ёшларнинг касбларга бўлган қизиқишлари ва реал ҳаёт йўллари, турли касбларга бўлган муносабатлари, касб танлашга таъсир этган омиллар ва касб танлаш билан боғлиқ бошқа бир қатор материаллар таҳлили бу борада турли зиддиятлар борлигини ва уларни ўз вақтида ҳал этиш зарурлигини кўрсатди.

Социологик тадқиқотлар, шунингдек, келажакда оптимистик руҳда қараш, билим даражаси ва малакасини ошириш, ижодий иш учун интилиш совет ёшларининг характерли хусусиятлари эканлигидан далolat бермоқдаки, йигит-қизларнинг илмий ва маданий савиясини, профессионали маҳоратини ошириш орқали уларни мамлакатнинг социал ва иқтисодий масалаларини ҳал этишга, давлат ва жамоат ишларини бажаришга жалб қилишда бу имкониятлардан унумли фойдаланиш зарур.

Зафар САИДОВ,  
философия фанлари кандидати.





Журнал ходимларининг Фарғона область Богдод районидagi муштарийлар билан учрашуви.

ликнинг диққат марказида турган муаммолар айтилса аҳолиси зич жойлашган Фарғона водийсидай ўлкада халқнинг дардига айланыпти. Биз бу мавзунини албатта ёритамиз. Ўз йўналишимиздан бироз четга чиқсакда жамоатчиликнинг талабини эътиборга оламиз.

**САВОЛ:** — Областлар ҳаётини ёритиш журналингизда қай тарзда амалга оширилади?

**Жавоб:** — Журнал саҳифалари областларнинг катта-кичиклиги, аҳолисининг оз ёки кўплигига қараб бўлинган эмас. Биз халқ ҳаётидаги зарур муаммоларни ёритамиз, камчилик ва нуқсонларни очиб ташлаймиз, одамларнинг кўнглидаги озу-умидларини, истакларини диққатингизга ҳавола этамиз. Булар ҳаммамизнинг ташвишларимизга кирди.

Биз журналнинг бир қанча номерларини махсус областлар ҳаётига бағишладик. Булар қанчалик муваффақиятли чиқди, қандай камчиликларга йўл қўйдик, буни сиз ўқувчиларнинг одил ҳукми ҳал этади. Бундан кейин ҳам бу иш тажрибамизни давом эттириш ниятимиз бор. Уларда ҳозир сизлар таъкидлаётган муаммоларни, ҳар бир областнинг деярлик барча соҳаларида қўлга киритган муваффақиятлари билан бирга, қийинчиликларини ҳам ёритамиз. Ишда йўл қўйган камчиликлар, халқ талаби ва илтимосларига, имкониятларига лоқайдлик билан қараётган шахслар фаолия-

# ЎҚУВЧИЛАР

# БИЛАН

Бу йил «Ёш куч» обуначиларининг сони 200 мингдан ошиб кетди. Албатта бу рақам жамоатчиликнинг журналга бўлган қизиқиши кун сайин ортиб бораётганини кўрсатади. Яна бу рақам иккинчи томондан журнал ижодий коллективи зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Биз ана шу катта масъулиятни чуқур ҳис этганимиз ҳолда журналда саҳифаларида бугуннинг долзарб масалалари, ёшлар турмуши, мактаб ҳаётининг муаммолари, табиат муҳофазаси билан боғлиқ зарур проблемаларни ёритишга алоҳида аҳамият берганмиз. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари машғулотларига кўмаклашиш мақсадида «Тўқишни ўрганамиз», «Жонажон табиат», «От суриб, фил ўнатиб» каби бир қанча рубрикалар ташкил этганмиз. Қолаверса журнал коллективи 1988 йил бошидан эътиборан журналхонлар билан учрашиб, улар билан юзма-юз очиқ мулоқотда бўлишни ҳам режалаштирган эди. Шу ниятда журнал бош редактори Х. Тўхтабоев, масъул секретарь Э. Маликов, адабий редактор Е. Яқвалхўжаевлар Фарғона область Богдод райониди бўлиб, колхоз меҳнатқашлари, мактаб ўқувчилари, адабиёт-санъат мухлислари билан учрашдилар.

Журнал ижодий коллективи мазкур учрашуларда жамоатчиликнинг бир қатор саволларига жавоб бердилар. Қуйида шулардан айримларини сиз ҳурматли «Ёш куч» мухлислари диққатига ҳавола этамиз.



\* \* \*

**САВОЛ:** — Бугун Орол мавзуси Иттифоқ жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Гарчи бу борада қанча таклифлар ўртага ташланаётганига ҳамда «Орол фонди» ташкил этилганига қарамай, денгизни сақлаб қолиш масаласи ҳануз муаммолигича турибди. Ваҳоланки Оролнинг «чеккиниши» бирданига пайдо бўлмаган эди. Унинг «дарди» бошланган пайтда жамоатчилик эътиборидан четга тортилган, ошқора мулоҳаза юритишга йўл қўйилмаган эди. Бугун биз мана шу аччиқ ҳақиқатдан хулоса чиқариб айтмоқчимизки, бизнинг воҳамизда ҳам ҳозирдан зарур тадбирлар белгиланмаса, охири ниҳоятда ачинарли ҳолга тушиб қоладиган — табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммолар бор. Булар, масалан ернинг табиий ҳолатини яхшилаш, атроф-муҳитни зарарли химиявий моддалар таъсиридан асрашдан иборатдир. Шу ҳақда таниқли мутахассислар иштирокида зарур чиқишларни уюштириш планлаштириляптими?

**ЖАВОБ:** — Журналимиз йўналиши ва характерида кўра ўрта мактабларнинг юқори синфлари, ҳунар-техника билим юрлари, студентлар ҳаётининг илк босқичидаги ҳаётини муаммоларни кенг ёритиши керак. Лекин, бу деган сўз журнал кундалик турмушимизда долзарб бўлиб турган катта масалалардан ўзини четга олади деган мулоҳазага олиб келмайди. Биз ёш авлод руҳига она-юртга бўлган муҳаббат уруғини жуда эрта сепмоғимиз керак. Бу ҳодиса сизлар таъкидлаётган табиатни муҳофаза қилиш билан бевосита боғлиқ. Еримиз мелиорация ҳолатини яхшилаш, табиатни зарарли химиявий моддалардан асраш каби жамоатчи-

тига, хилма-хил ҳуруфий сарқитларга қарши мурасиз чиқишлар қилишга интиламиз.

**САВОЛ:** — Ҳар қачонгидай анъанавий саволимиз бор. Бу ўқувчиларнинг пахтага, умуман қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ меҳнатга жалб қилиш масаласи. Бу ҳақда журналнинг позицияси қандай?


**ЖАВОБ:** — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX Пленумида бу ҳақда очиқ-ойдин айтилди. Бу борада ҳар йили йўл қўйилаётган камчиликлар рўйи-рост ўртага ташланди. Журналимиз мактаб ўқувчиларини пахтага, қишлоқ хўжалик меҳнатига руҳсат этилган муддатдан ҳам камроқ, умуман мутлоқ жалб этмаслигининг тарафдори.

**САВОЛ:** — Бизда ёшларнинг ишга жалб этилиши, аниқроғи уларни иш билан таъминлаш масаласи жиддий муаммога айланиб қолди. Ҳозир армия хизматидан бўшаб, уйга қайтган ёшлар ҳам бу борада қийинчиликларга дуч келяпти. Ҳатто ҳунар-техника билим ёртларини тамомлаган ёшларнинг иш билан таъминланиши ҳам кўнгилдагидай эмас. Районимизда Қўқон пойафзал фабрикасининг филиали ишга тушган бўлса-да, бу ёшларнинг эҳтиёжини қондира олмаяпти. Нима қилиш керак? Агар бу ҳолат шу тарзда давом этаверса ёшларнинг «ишсизлик» муаммоси майдонга келмайдами?

**ЖАВОБ:** — Бу муаммо сизнинг районингиз, областингиздагина эмас, бошқа областларда, ҳатто Тошкент шаҳрининг ўзида ҳам кўтариляпти. Бу ёшларнинг «ишсизлиги» ҳолатини шакллантирмаса ҳам, ҳар қалай ноҳуш кайфият тўғдиради. Биз журналимизнинг шу йилги номерларининг бирида социолог олимларнинг тадқиқотлари асосида бу мавзунини ёритиш лозимлигини режалаштириб қўйдик. Бу иш социологик тадқиқот характерида бўлгани туфайли маълум муддат талаб қилади.

Бу мавзунини янада кенгроқ ёритишда, муаммоларнинг ечимини ҳал этишда жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари шубҳасиз муҳим роль ўйнайди.

**САВОЛ:** — Мактабларимизнинг аҳволи, ўқувчиларимизнинг савияси сизларда қандай таассурот қолдирди. Умуман мактабимиз ҳаётдан қониқиш ҳосил қилдингларми?



10-мактабнинг битирувчиси Шаҳринисо Ҳаққулова...





... ва унинг синфдоши Абдурозиқ Ҳамидовнинг журнал ҳақидаги фикрлари кўпчиликлари манзур бўлди.

**ЖАВОБ:** Ошкоралик бизни ўз камчиликлари- миз, етишмовчиликларимиз, хатоларимиз ҳақида рўйи-рост гапиришга даъват этапти. Тўғриси айтсак, овқат пишгунча қориннинг очлигига сабр қилиб ўтириш мумкиндир, аммо янги мактаб бит- гунча эски мактабнинг азобига чидаб, тоқат қилиб ўтиришнинг иложи йўқ, ўртоқлар.

Мактабларда бўлди, синфларга кириб дарс кў- рдик, ва бу қисқагина жараёнда «қониқш» деган сўз ҳали ишимиз ва савиямиздан жуда узоқлигига ишондик.

Ўқувчилар савиясининг кўнгилдагидай эмас- лигига бир қанча объектив сабабларни кўрсатиш мумкин. Бу шубҳасиз уларнинг пахтага, бошқа қишлоқ хўжалик меҳнатига жалб этилиши билан боғлиқ. Бу албатта дарсларнинг савияси ҳамда ўқув программасига салбий таъсир этади. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ҳали вақт келар, ўқувчилар бутунлай қишлоқ хўжалик меҳ-

натидан озод бўлар, дарсларни тўла, программада талаб этганидай давом эттириш имкониятлари тикланар. Лекин ўша пайтда ҳам ўқувчи савияси масаласи муаммолигача қолади.

Мактабларни «ислоҳ» қилиш тўғрисидаги КПСС МКнинг 1984 йил апрель пленуми қарорларида ўқувчи савиясини юксалтириш учун ўқитувчи ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мактаб ўқувчилари- дан тушган жуда кўп саволларнинг ўзидаёқ, улар- нинг савияси масаласи жуда равшан сезилиб ту- рибди. Юқори синф ўқувчиларининг мушоҳадаси сизлардагина эмас, республикамиздаги жуда кўп мактабларда ҳам қониқарли деб бўлмайди. Бунинг асосий қисми педагогнинг савиясига, фидойили- гига бориб тақалади. Ўқитувчи ўқувчим деб ён- маса, ўз ишига росмана фидойи бўлмаса, савиясини қорғозлар, дипломлар билан эмас, ҳақиқий маъно- да интилиш, ўқиб ўрганиш, мутолаа, хуллас, илм билан ошириб бойитиб бормаса, мактаб ислоҳотида кўрсатилган талабларни юзага чиқариб бўлмайди.

**САВОЛ:** — Журнал саҳифаларида мактаб ўқув- чиларининг, умуман ёшларнинг ижодини ёритиш- га кам эътибор берилмапти. Яна ўзимизга таниш бўлган шоирлар, ёзувчиларнинг асарлари эълон қилинмапти. Еки биз адабиёт-санъат асарларининг ёритилишига тўғри тушунмаёмизми?

**ЖАВОБ:** — Адабиёт ва санъатга алоқадор бўл- ган ижод намуналарини эълон қилишнинг бир- мунча ўзига хос томонлари бор. Албатта ҳамма ёшлар шеър ёзишга қизиқади, ҳикоялар машқ қилишади. Лекин мактаб ўқувчилари, ёшлар ижо- дига эътибор бериш дегани мана шу машқларни журнал саҳифаларида ёритиш керак деган маъ- нони билдирмайди.

Биз истеъдодли, талантли шоир ва ёзувчилар ижодидан намуналар эълон қиламиз. Булар чуқур изланиш, машаққатли меҳнат натижасида май- донга келган, ўқувчида кайфият уйғота оладиган ижод намуналаридир. Рауф Парфи, Хуршид Дав- рон, Мирпўлат Мирзаев, Йўлдош Эшбеков каби қатор ижодкорларимиз бугун адабий жамоатчи- лик томонидан тан олинган ёшларнинг севимли шоирларидир.

Журнал саҳифаларини кузатиб бораётган бўл- сангиз, биз келажакда яхши ижод намуналари яратишга қодир бўлган умидли ёшларнинг, мак- таб ўқувчиларининг асарларини мунтазам ёритиб бораёмиз. Сизларнинг ораларингизда ҳам шундай қобилиятли ёшлар бор экан. Иқбол Мирзаалиев- нинг шеърлари бизда яхши таассурот қолдирди. Биз бундай ёшларнинг ижод намуналарини албат- та жамоатчиликнинг диққатига ҳавола этамиз.

## Ким айбдор ўзи?

Мен Андижон область, Ленин районидаги 42-ўрта мактабнинг физика ўқитувчисиман. «Еш куч» журналининг ҳар сонини зўр қизиқиш билан ўқиб бораман. Журналингиз- нинг 1987 йилги сониде мактаб ўқувчиси судлангани ва қайта текшириш натижасида унга берилган жазо енгиллатилгани ҳақида ўқиб мен ҳам ёзишга қарор қилдим.

Менинг турмуш ўртоғим Муродил Холбў- таев 1986 йил 11 майда 73—07 АНК номерли «Запорожец» маркали енгил автомашина- сини ҳайдаб Ленинскдан Қува томонга қараб келаятганда қаршисидан келаятган моторли велосипед ҳайдовчиси Ботир Кимсанов билан тўқнашган. Воқеа қуйидагича бўлган. Иккала ҳайдовчи ҳам ўз йўлида келган. Тў- сатдан моторли велосипедчига дайди итлар ташланган. Ҳайдовчи итдан қочман деб, ўнг оёғи билан итларни тепган. Шунинг учун йўлнинг ўнг томонида оёқ кийими тушиб қолган. У кўрқиб, итлар билан овора бўлиб йўлга қарамасдан, тезликни ошириб юбор- ган ва машинага келиб урилган. Натигада Б. Кимсанов ҳалок бўлган. Шундан сўнг Муродил ака ЎзССР Жиноят Кодексининг 208-модда 2-қисми билан айбланиб, ЎзССР Жиноят Кодексининг 223—2 моддасини қўл- лаб, 5 йил мажбурий хизматга юборишга ҳукм чиқарилди. Шундан сўнг биз область судига ариза ёздик. Аризага қисман қаноат- лантирилсин деган мазмунда жавоб келди. 1987 йил 13 апрелда Комсомолобод район халқ суди жиноят ишини ЎзССР Жиноят Кодексининг 14—50—51 моддалари қўпол равишда бузилган деб, ишни қўшимча тер- говга қайтарди. Лекин терговчи бир қарра тергов қилиш ва қайта экспертиза билан че- гараланиб, ишни судга чиқарди. Ленин рай- он халқ суди мажбурий хизматни, 4 йилга туширди. Ҳар иккала судда ҳам бир-бирига зид келувчи мисолларни келтириш мумкин. Биринчидан воқеа содир бўлган жойда тез- ликни чегараловчи белги йўқ, шунга қара- май биринчи судда терговчи тезлигини 40 км. десанг яхши бўлади деб имзо чектириб олган. Аслида иккала ҳайдовчининг тезлиги ҳам катта бўлган. Шундай бўлмаганда эди, «За- порожец» багажи узилиб чиқиб кетмаган бўлар эди. Б. Кимсанов ҳам ўша вақтдаёқ ўлмаган бўларди.

Иккинчи суддан олдинги терговда ва қайта экспертизада авариядан олдинги тезлик соатига 16 километрни ташкил қилади деган. Биринчи терговда тезлик соатига 40 кило- метр, иккинчи терговда тезлик соатига 16 кило- метр бўлган дейилган. Нима учун тергов- чи бир ишда 2 хил хулоса берган? Унда ҳа- қиқий тезлик қанча бўлади? Иккинчидан, моторли велосипед техник жиҳатдан мукам- мал эканлиги текширилмаган. Унинг тезли- ги эса қайта экспертизада секин юргизилган. Учинчидан эса йўл тўғри, равон, аҳоли пунк- тидан ҳоли жойлашган. Тезлик чегаралан- маган. Менимча, ГАИ ходимларининг йўла- ри ҳам бу йўлда соатига 16 ёки 40 километр тезликларда юрмаса керак. 40 километр тез- ликда юрса ҳам, 16 километр тезликда юрилганда юз берган авариядан одам нобуд бўлмаслиги мумкин-ку? Шундай авариялар- дан бизнинг посёлкамизда бир нечтаси содир бўлди. Суд натижаларини кўрганимизда ўзи келиб урганга ҳам 4—5 йил, бориб уриб юборганга ҳам 4—5 йил жазо берилган.

Оиламиз катталигини, дадам, бувим қари- лигини ва 2 та фарзандимиз борлигини ай- тиб, берилган жазо муддатини республика- миз территориясида ўташини илтимос қил- ган эдик. Лекин республикамиз территория- сида махсус комендатура йўқ деб, уларни Томск областига ишга юборишди.

Сизлардан бу ишни текшириб адолатли ҳал қилишда ёрдам берасизлар, деб умид қиламан.

С. ХОЛБЎТАЕВА,  
Андижон область,  
Ленин райони Янгиобод  
қишлоғи.

# ЮЗМА-ЮЗ



У. ҚУШМОҚОВ фотолари



# ФАСЛЛАРГА САЁХАТ

## Кўклам

Кўкламни кўз олдингизга келтириб ўтиришингизнинг хожати йўқ. Унинг ўзи кўз олдингизда. Шундай бўлса-да, саёхатни кўкламдан бошлаймиз. Ҳам саёхат, ҳам тижорат... Фақат, биз савдо-сотиққа арлашмай, ҳар фаслда деҳқонни зиёрат этиб ўтамиз.

Ер уйғонди. Деҳқон заминга эшилди: ерга барака уруғи қадалди. Шунинг барбаринда уруғни бало-қазолардан сақламоқ учун уни чуқурроқ жойлади тупроққа. Кафтлар ҳароратини кўксига туйган уруғ қуёш сари сафарини бошлади.

Эрта кўклам. Қишлоқ хўрозлари — қишлоқ курантлари тонгдан дарак беришга улгуриб-улгурмай отам кетмонини елкасига ташлаб уйдан чиқиб кетарди. Далага. Даласига. Шу кетганича...

Менинг отам деҳқон ўтган. Кетмон отамнинг кўлидан ўсиб чиққандай тасаввур туғдирарди бир замоналар. Бугунга келиб ўша таассурот ўзгардимми? Билмадим. Бироқ, кетмон...

Кетмон! Тилимиздаги биргина шу сўзнинг ўзида улғуворлик ва хокисорлик шу қадар уйғунлашиб кетганки, дафъатан қай бир сифатловнинг тоши оғирроқ, деган савол қаршисида мум тишлаб қолсан.

*Дарвоқе, отам...  
Отамнинг юзларини  
ажин босган,  
қўллари қадоқ.  
Урушда ҳам бўлган,  
очлик ҳам,  
кўрган.  
Бугун-чи?  
Бугун: — Тўқчилик...  
садаганг кетай! —  
дейди-ю,  
Тўқчиликка тўймайди,  
кетмонини қўймайди.*

Гап кўклам ҳақида эди. Келинг, мен таъриф-таъсифга берилиб ўтирмайин. Чопиққа чиққансиз. Яганага. Деҳқоннинг кўкламни кўз олдингизга келтира оласиз. Тасаввурингиз сизни алдамайди, деган умиддан.

## Ёз

Гарчи ҳар фаслнинг ўз зийнати, ўз таровати бўлса-да, Деҳқоннинг баҳориди, ёзида, кузида оламжаҳон қора меҳнат бор. Шарафли меҳнат. Уни сўзга ситдирмоққа мен қодир эмасман. Деҳқон ер билан баб-баробар уйғонади, уйқуга кетади.

Эрта баҳордан то ерни қор қоплагунга қадар на шанба-якшанбани билдиган, шунча меҳнат эвазига на бирор саховат таъма қиладиган фидокор — деҳқон. Табиатнинг кескин шароитларида, қаттиқ қора совуқларда хизмат қиладиган меҳнаткашларга қўшимча имкониятлар яратилади. Рағбат. Қўшимча ҳақ. Мукофот ва ҳ. к.

Деҳқон ҳам худди шундай одам. Бироқ, иззатталаб эмас. Ўзбекистон саратони изоҳ талаб қилмаса керак. Ўзбекистон шароитида табиатнинг кескин даври — саратон. Серқуёш ўлканинг оташин саратони. Музқаймоққа навбат: талогум.

*Уч тийинлик «сувчи»лар ҳорир.  
Кўл бўйида «балиқлар» гавжум,*

*«Қурбақалар» кўлда:  
хавотир.  
Фавворалар — хоннинг қизи-да —  
Хўл қилади йиғлаб этагин.  
Асфальт йўлнинг ойдай юзига  
Иссиқликми тошиб кетади.  
Трамвайлар ташийди оташ,  
Узи юрар печдир  
таксилар.  
Хув олисда,  
қишлоқда эса  
Қийиқчасин тангиб бошига  
Отам кетмон чопар ҳансираб,  
Олтмиш бешми, етмиш ёшида.  
Қовоғидан қормас, ёғар тер,  
Оқ яктаги қорайиб кетган.  
Адир гўё каттакон тандир:  
Осмон мунча торайиб кетган.  
Сен эса...  
сен қайсидир толнинг  
Соясидан тургинг келмайди.  
Хат ёзишга келмайди ҳолинг,  
Бетон уйга киринг келмайди.*

Деҳқонни иззатталаб эмас дедик. У хушомадталаб ҳам эмас. У ҳавойи шухрат, қуруқ ва ёлгон сўзга эмас, кетмонига суяниб яшайди. Меҳнатига суяниб. Мадҳия бизга маъқул бўлар, бироқ Деҳқонга эмас. У ўзи учун ўзи жавоб беради.

*Агар бир кун  
бармоқларим қотиб қолса,  
қора терга ботиб қолсам,  
йқарикқа ётиб қолсам,  
қўлтигимдан олинлар-да  
кетмонимга суяб  
қўйинлар мени.  
Йигитсан,  
йигит денглар,  
эзилди чигит денглар.  
Миллион тоннага  
бир сендан умид денглар.  
Тур,  
ўзингни тут денглар.  
Қўлтигимдан олинлар-да  
кетмонимга суяб  
қўйинлар мени.  
Бешми,  
йўнми,  
Йигирма миллионми —  
Уша хирмонни уйиб беролмасам,  
Қаҳратонга чидаб.*

*саратонда куйиб беролмасам,  
қайта туролмасам агар,  
ўша кетмон билан,  
қўша армон билан  
устима тупроқ торгинг  
ўзим уйган  
хирмонлар қадар.*

Ез тунни. Пашшахоналар, айвонлар, болахоналар, балконлар, очиқ деразалар сохибларига ором, фароғат улашмоқда. Халқ уйқуда.

Фақат битта деразанинг рафига нур қўнган. Бу деразадан зиё таралмоқда. Тунга. Зулмат қўйнидаги дунёга. Бу — шоирнинг деразаси.

Фақат битта кетмоннинг юзи ой билан ўчакишган. У ҳам чакмоқ янглиғ тун бағрини ёриб эгатларга ёруғлик — ҳаёт тарамоқда. Бутун оламга жон бахш этмоқда. Бу — сувчининг кетмони.

«Бизлар ишлапмиз, бу меҳнат холос». Шоир ва деҳқон учрашадиган нуқта мана шу. Меҳнат. «Микрофонингни қўй, мухбир укажон».

*Унга раҳмат айтиб ўтирма  
Бехуда бир шеър билан мақтаб.  
Бир пиёла чой узат унга,  
Бир ёстиққа етарли пахта.  
Қўшиқ қўйиб бергин,  
эшитсин  
Комилжоннинг «Дугоҳ»ларини.  
Сўнг ёнига чўккин-да секин.  
Уқалаб қўй оёқларини.*

## Куз

*Фаслларнинг асли бу.  
Ҳосилларнинг фасли бу.  
Тўрт устунлик йилнинг юзи бу.  
Ўзбекистоннинг тўқин кузи бу.  
Неғматлар.  
Неғматлар.  
Неғматлар...*

Сабри баланд элнинг қадри баланд фасли — куз. Урим. Йигим. Терим. Сарҳисоб фасли бу.

*Бир кун  
байроқ бўлурмиз деб  
этаклар ҳилпирайди.  
Ул кун  
чаноқ бўлурмиз деб  
кўсаклар милтирайди.  
Ўзбекистон  
ҳар гўзада  
бахт топар, топар озор,  
боши узра  
кўкарса-да,  
оқарса-да пахтазор.  
Пахта ризқдир,  
пахта — насиба*

*Деҳқон мангалайига битилган.  
Пахта — тарих,  
ҳар шонасида  
Ўзбекистон зикр этилган.  
Этак — либос,  
кетмони — даста,  
Ҳар бир эгат ажини экан.  
Ўзбек деган эл учун асли  
Пахта тақдир,  
пахтазор — Ватан.*

Балки, бу қасида эмасдир. Балки шарафдир — «Деҳқонга шараф». Гарчи, айна дамда деҳқоннинг шаънига ўқилаётган шону шарафни, мадҳу санони тинглагани фурсати бўлмаса ҳам. У эрта кўкламда чигит қадаш учун эгилган қаддини ростлашига бир оз вақт бор. Токим, сўнгги чаноқда тилла порлаб турибди экан. У қаддини тикламайди.

Балки, бу ношуд мухбирнинг Деҳқон олдидаги — унинг бемисл меҳнати, қадоқ қўли, эгик қадди олдидаги ожиз узр-истиҳоласидир. Балки, ҳамдардликдир. Шунчаки ҳамдардлик. Ахир биламиз-ку, бизнинг қуруқ мақтовимиздан (гоҳи ноўрин танбеҳимиздан) У на энгил тортади, на меҳнати энгиллашади.

«Миллион эгатларга сочилган ўзбек» сўнгги чаноқдаги «тилла»ни йиғиштириб олиб, қаддини ростлайди. Еруғ юзини қуёшга тутаяди.

*Ўз вақтида  
худди билгандай  
Кўрсатилди шаҳардан ёрдам...  
Ҳашарга кечикиб келгандай  
Оралади  
пайкалга қор ҳам.  
Пахтакорнинг ботиқ кўзига  
Эндики қор  
солмас соялар.  
Унга содиқ қолди  
бу куз ҳам  
Фарзандидек гўзапоялар.*

## Қиш

Ҳали қишга бор. Қиш ҳақида кейинроқ... Насиб этса, қишда Деҳқон баҳор ҳақида, ўнгида томоша қилишга фурсати бўлмаган қалдирғочлар ҳақида ширин тушлар кўради. Унга-ча эса биз хирмонга барака тилаб қоламиз.



Гуллар рақси

В. ТУРАЕВ фотоэюди



## ЖИЛОСИ ҚАНИ?

Атлас кўйлак ўзбек қизларининг хуснига ҳусн кўшади. Давраларга байрамона кайфият, тантанавор руҳ бағишлайди. Шунинг учун ҳам миллий либосимизга доим эътибор бериб келганлар, эъзозлаганлар. «Ҳам хонлиги, ҳам беқлиги бор атласнинг» деб суюб кийган момоларимиз. «Ўзбеклигимизни кўз-кўзлайди» деб бошқа юртта борганларида олиб кетган ола-сингилларимиз. Наники бизда, балки чет элларда ҳам «бозори чаққон» бўлган атласнинг...

Аммо сўнгги пайтларда қадимий ва севимли атласимизнинг бозори касод бўлиб қолди. Буни магазин пештахталарида тахланиб қолганидан ҳам билиш қийин эмас. Иттифоқдаги республикалар, айниқса, чет элларда уни деярли харид қилмай қўйишди. Бунинг сабабларини билиш учун ипакшунос олим, техника фаълари доктори, профессор Латиф Юнусовга мурожаат қилдик.

Л. Юнусов: — Бу муаммо биз олимларини ҳам ўйлатиб қўйди. Аслида, илмий изланишларимиз муваффақиятли чиқмоқда. Лекин фандаги муваффақиятлар тезда ишлаб чиқаришга жорий қилинмапти. Ҳатто, 1973—1974 йилларда яратилган УМ—90 маркали ипак ўраш автоматлари ҳозирги кунларда — қарийб 14 йилдан сўнг синовдан ўтмапти. Ишни шундай юритаверсак, ҳар қандай «замонавий машина» давр талабига жавоб бермай қолади.

— Ипак ўрашда ишлатилаётган япон машиналарига қандай қарайсиз?

— Япониянинг иқлими, табиий шароити Ўзбекистондан кескин фарқ қилади. Биздаги қуруқ ҳаво, шунингдек, бемарид ёгингарчиликлар, кўёш нурининг ўзинга ҳос таъсири япон олимлари яратган машиналарга мослаша олмайди.

— Яқинда Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдим. Атласчиларнинг машаққатли меҳнатини кузатдим. Масалан, мато тўққиз рангда жилдоланса, тўқувчи тўққиз марта рангли сувга матони ботириб олар экан. Бу ишчининг иссиқ-совуқ сувга тўққиз марта қўл уриши демас... Бирлашмадаги кўпгина ёшлар шундан нолиб гапиришди. Авваллари атлас 20—25 кунда тайёрланса, эндиликда, техника тараққий қилган пайтда 10 кунда тайёр бўляпти. Лекин ҳамон асосий операциялар қўл кучи билан бажариляпти. Бу ҳақда нима дейсиз?

— Атлас қадим-қадимдан мураккаб, нозик йўллар билан, оғир меҳнат шароитида тайёрланган. Самарадорлик ортидан қувилса, фақат машинага суянилса сифатсиз маҳсулотлар ортиб боради, холос.

— Атласларимиз бир-икки кийилмаёқ хиралашётгани сир эмас. Бир ювиш ёки химчисткага тушиб чиқишда охори тўкилади — ўн гулдан бир гули очилмай сўлади-қолади.

— Бу ҳам рост... Биргина Марғилон «Атлас» бирлашмасида 84 нуҳада маҳсулот тайёрляпти. Аммо бирортаси ҳам чет элга чиқмапти. Бунга сабаб, шoir айтганидек, «эрта хазон гул каби сарғайиб, сўлиши» дир.

— Фалон пулга материални сотиб олсаг-у, камалакдек жилдолари бир-икки киймаёқ ўчса, ювиб бўлмаса, мато айниб кетса...

— Лекин «фалон пуллик» атлас давлатга бундан ҳам қимматга тушади. 1 килограмм пилладан 250—290 грамм атрофида ипак оляпмиз. 1 кило ипакнинг нархи 120 сўм атрофида туради. Илгари 1 кг пилладан 350—370 грамм ипак олгандик. Эндиликда 11—12 сўм зарар кўряпмиз. Японлар эса илгариги атласчилигимизга тенглашиб олишган.

— Нега бундай? Нега оқсапмиз? Еки тут кўчатларимизнинг ривожини, барглари сифати ўзгариб қолдими?

— Пилламизнинг сифатсизлиги энг аввало, айтганингиздек, тут дарахтларининг химиявий препаратлардан «тўйиниб» ривожланишига боғлиқ. Пахта плантациялари кенгайиб, тутзорларимиз кискариб борди. Заҳарли химикатлар таъсирида тутлар қуриб-қовжирётгани сир эмас. Бунинг устига, пахта пайкаллари четларидаги тутлар аёвсиз кесилди, чопилди.

— Балх тутларни кесишларини айтмайсизми? Қадимда балх тутини кесганлар энг оғир гуноҳга ботарканлар. Бу ҳақда халқ ўртасида турли ривоятлар тўқилган.

Ота-боболаримиз тут майиз, тут шиниларини тановул қилиб, очарчилик йилларидан омон қолганлар. Соясида нафас ростлаганлар. Энди эса пиллакорларимиз ҳатто хонадонлардаги балх тутларни ҳам қидириб топиб, кесиб кетмоқдалар.

— Бунга сабаб, шухрат кетидан қувишдир. Сўнгги йилларда эътибор берган бўлсангиз, матбуотда, радио-телевидениеда илгор пиллакорларни мадҳ этишиб: «Ҳар қути қурт уруғидан 80—100 килограммдан ошириб пилла топширди», деб боришди. Бу бўлмаган, ақлга сиғмайдиган гап. Нар бора 60 кундан 50—60 кундан пилла олиш мумкин. Бу «илгорлар» эса бир қути деб икки, уч қути қуртни олишади-да, ҳалигидек, килограммлар сонини оширишади. Ҳам ўзини, ҳам ўзгаларини алдаш ҳисобига тут дарахтларига гарот келтиришади.

— Атласчи, ота-боболаримиз пилладан чиқинди чиқармаган эканлар...

— Улар тезликда пилла қуртини ўлдириб, ипакнинг ажратиб олганлар. Қуритиш, ипак ўраш ишларига эрта киришганлар. Бизда эса тоғ-тоғ пиллалар ҳатто вақтида қурти ўлмай, маълум пайт туриб қоляпти. Пилла бир йил сақланса 3—4 процент ипак йўқотилади. Лекин шунини билла туриб, ишчи кучи ёки қуритиш хоналари етишмаслиги сабаб деймизми, тайёр маҳсулот икки-уч йиллар навбат қутиб қолади.

— Шунинг учун пилла тайёрлашни рағбатлантириш жоизми?

— Албатта, аммо режа билан. Харид нархининг оширилиши хўжаликларнинг илми маҳсулот тайёрлашни жадаллаштиради. Лекин бу ҳол пилла сифатини оширишга камроқ таъсир кўрсатди. Сизга қандай тушунтирсам экан?.. Ипак қурти уруғи етиштиришдан бошлаб пилла етиштириш ва унга дастлабки ишлов беришгача бўлган барча ишларга республика Агросоаноат бирлашмаси раҳбарлик қилса, ундан кейинги жараёнларнинг ҳаммаси билан республика энгил sanoat министрлиги шуғулланади...

Сиртдан қараганда иш жуда тўғри ва илмий асосда ташкил этилгандек. Аммо кўпгина расмийчилик ва бошбодокликлар парда тагида яшириниб ётибди. Республика Агросоаноат бирлашмаси етиштирилаётган пилла маҳсулотининг миқдори томонига кўпроқ эътибор қилади-да, ундан олиннадиган ипак толасининг сифати устида кўпинча ўйлаб ҳам кўрмайди. План бўлса бас, бошқаси билан иши йўқ.

Энгил sanoat министрлигига қарашли sanoat қорхоналари эса пилладан ипак толаси ўраб олиш, ҳар хил маҳсулотлар етиштиришдаги камчилик ва нуқсонларини ўз зиммаларидан гўё соқит қилиб, айбни Агросоаноат бирлашмаси устига юклашади. Сансалорлик туфайли пилладан олиннадиган ипак толасининг миқдори кескин камайиб, сифати пасайиб боради...

Запорожецда яратилаётган янги ипак ўраш автоматлари жаҳон миқёсда юқори даражада туради десак бўлади. Бу автомат пилладан ипак ўраш ва ундан кейинги босқичлардаги 10 та жараённи қисқартиради. Бундан ташқари, ўша ипак ўраш машинасида ўралган ипак толасининг сифати юқори бўлади. Бу янги машинани ҳам sanoatда қўллаш даврини чўзиб юбормасак эди!

— Марғилонда кеска атласчилар билан суҳбатлашдим. Улар ипакни ювишда ёпишқоқлигини сақлаб қолишга интилишган экан. Бунда қўл кучидан фойдаланишган. Ҳозир эса сода билан ювилади. Қадимда ачитқиди қотириб, охор беришда туҳумнинг оқини қўшишган. Ҳозир уксусдан фойдаланишяпти... Эҳтимол, ишлов беришдаги бу химиявий моддалар муваффақиятсизликнинг «гарови» бўлаётгандир?

— Бундай деб бўлмас. Ҳозир ипак ўрашда кечадиган химиявий ва физикавий хоссаларга алоҳида аҳамият берилади. Лекин барибир, ота-боболаримиз қўллаб келган усулларга қайта-қайта

мурожаат қилсак, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ачинарли аҳвол, республикамизда, қолаверса бутун Иттифоқимизда пиллани қайта ишлаш ва қуритиш бўйича мутахассислар тайёрлайдиган институт ёки бўлим йўқ. Бу ҳам майлику-я, шу соҳада фундаментал тадқиқотлар олиб борадиган институт ёки лабораториялар ҳам йўқ ҳисоби.

Ўтган йили республика халқ хўжалигида 210 миллион сўмдан зиёд бекор сарф-харажатларга йўл қўйилибди. Бунинг сабабини ипак ўраш машиналарига ағдариш тўғрими?

— Бу фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Ахир бундан 25—30 йиллар илгари етиштирилган пилладан 35 процент ва ундан ортиқ миқдорда ипак толасини ана шу ипак ўраш машиналари воситасида олишганди-ку! Мавжуд илмий ўраш машиналари ўрнида унга нисбатан янги сифат билан ипак ўраб кўрилганда ҳам ўралган ипакнинг миқдори олдингисига нисбатан афзаллиги унчалик сезилмади.

Сабаб, менимча, бошқа ёқда!

Кейинги 25—30 йиллар давомида бизда пилладан ипак толаси олиш ортиб бориш ўрнига, аксинча, тўхтовсиз камайиб бормоқда. Қутилган даражада ипак толаси ўраб ололмаётганимизнинг бир қатор муаммолари борки, булар ҳақида ошкор айтиш, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида ўйлаб кўриш пайти келди! Ҳозирги туб бурилиш, қайта қуриш ва жадаллаштириш даври бунинг олим ва мутахассислар, раҳбарлар, илмий муассаса ва ташкилотлар олдида долзарб муаммо тариқасида ўртага қўйди.

— Халқда йилган тажрибаларни оммалаштириш мақсадида пилла тутиш анъаналари жамланган китоблар чиқарилганми? Бир вақтлар илгор пиллакорлардан қахрамонлар етишиб чиққанди.

— Тўплам ҳақида бирон нарса деёлмайман. Қахрамонликка номзодлар эса ҳали айтганимдек, бир қути ўрнига 2—3 қути тутиб олиннадиган шухрат ҳисобига бўлгач, бу ёғи ўзингизга маълум.

— Қишлоқ хўжалигида илгор сут соғувчилар, механизаторлар, чўпон ёки сувчиларнинг кўрик конкурслари тез-тез ўтказилади. Илгорлари, чаққон ва маҳоратлилари сараланди. Бундай конкурс пиллакорлар орасида ҳам бўлганми?

— Йўқ.

— Халқ орасида тажрибали пиллакор онахонларимиз, момоларимиз борки, уларнинг мактабини ўташ ёшлар учун фойдадан ҳоли эмас. Биргина республикамизда юздан ортиқ билим юртлари бор. Уларда тажрибали пиллакорларнинг дарс соатларини ўташи керакмикин?

— Қанийди! Яна, айтиб ўтганимдек, бу билим юртларида ипакчиликни ўрганадиган гуруҳларни жонлантириш керак. Республикада пахтачилик бригадалари тузилган. Комсомол ёшлардан ипакчилик бригадалари тузиш мумкинмасми? Албатта мумкин. Тут кўчати парвариши, барг сифатидан бошлаб, пиллани қуритиш, ипак ажратиб олиш, тўқингача бўлган даврда ёшларнинг ўз ҳиссалари, бевосита иштироклари бўлиши керак. Шундай қилинса, ипакчилик анъаналаримиз йўқолиб кетмайди. Илгариги мавқени тиклаб, авлодларга маълум тажриба ва маҳорат кўникмаларини қолдиради.

— Раҳмат. Ўйлаймизки, мактабни ислоҳ қилиш амалга ошаётган, қайта қуриш, жадаллаштириш даврида меҳнат дарслари яна бир — ипакчиликни ўргатиш дарс соати билан бойийди. Атласларимиз жиллоси сержозибалилиги учун курашга интилиш мактаблардаёқ сингдирилиб борилади. Ўқувчиларнинг бу борадаги билимлари ота-боболарининг тажрибаларини ҳам бир вақтда ўрганиш билан тақомиллашади. Чунки пахтакор диёримизнинг ўғил-қизлари пиллакор ҳамдир.

Суҳбатни Умида АБДУАЗИМОВА олиб борди.





## Олдиндан тайёрланган мажлис

Ҳақиқатни, одамийликни  
Тан олмоқлик шарт эди, ахир.  
Ҳар ким фақат ўзини суйгач,  
Тошдек қотди меҳрсиз бағр.

Сўнги йилни тутди бир томон,  
Эшикни жим ёнди юзларга.  
Жавоб эди жимликнинг ўзи:  
«Тенг келмадим, э-э, мен сизларга...»

Кўзлар кўзга тушмасин учун  
Тарқалдилар «ғолиб»лар ҳам жим.  
Ким қасд олар чекишдан энди,  
Бир бурчакда ўзин қарғар ким.

Искандардай кўнгул ёрмоққа  
Ким сир очар энг содиқ дўстга:  
— Бажардим-да бошлиқ истагин,  
Нетай, чорам йўқ эди ўзга.

Лабин ялаб, ноҳақ қилмишининг  
Илк инъоми тушгач қорнига  
Виждонини ютар беорлар  
Жиғилдон деб жиғилдонига.

Босармиди ҳисларни қорлар!  
Бир юракда битмас жароҳат.  
Ҳар покликка лой сочиб юрар  
Бугун яшаб қолган қабоҳат.

Йўқ!  
Ҳей, қутлуғ қадамли ҳакам,  
Йитсин, битсин тўймаклар бари!  
Мен сенга, сен менга қудрат бўл  
ҚАЙТА қуриш одилликлари.

## Қадрдонимга

Бахтлилардан эдик бизлар ҳам,  
Дунё ичра дунёларимиз —  
Бор эди бу — яхши одамлар.  
Орзуларим алданган дамлар.

Ишончларим берганда пандлар,  
Юраккинам исинган шамлар —  
Сўзларингиз эди, азизим.  
Оқ, қорани тилга олмай жим,  
Кўзда ёшу кўзда кулгу ним:  
«Тўқис эмас дунёда ҳеч ким,» —  
Тушунардик бир-биримизни.  
Жонга қўйиб жон сиримизни,  
Бирга яшаб тақдиримизни,  
Мени сизга, мен учун сизни  
Яратгандай эди табиат.  
Оҳ, бизнинг кўз ўнгимиздайди.  
Дўст бошини дўстлари еди,  
Елгон ростни порага берди  
Гувоҳ бўлдиқ иккимиз фақат.  
Юзсизларга бердигу навбат,  
Ҳиссизларга бердигу навбат,  
Ожизлару беорлар, қалби —  
Кўзсизларга бердигу навбат...  
Портламади биздаги тоқат.  
Элитдими иссиқ жойимиз?  
Насиб этмасмиди чойимиз?  
Биздан кечармиди «Ойи» миз?  
Кўру кардек кузатдик карахт.  
Қаҳр хазон этди бир боғни,  
Қаро қилди кўнгул — чироқни,  
«Бу — қоп-қора!» дедилар оқни,  
Ноёбгина, мўъжизагина  
Умр узра тўқидилар доғни...  
Энди... бахтли бўламиз қандоқ?

## Унутма

Сен айтмасанг, кимдир айтади,  
Ҳақгўй бўлсин ўша айтгувчи.  
Сен ўтмасанг, кимдир ўтади,  
Пок юз бўлсин ўша ўтгувчи.

Сен сўрашга ийманиб турган  
Ҳотамликка кимдир чўзар қўл.  
Саховатни илдизи билан —  
Сугурмасин, орли бўлсин ул.

Эзгуликни юзга айтишга  
Сен тортинсанг «Ялтоқ бўлмай» — деб,  
Бу дил иши бир таъмагирга  
Қолмасин-да, охир, ишқилиб.

Туғилмоғи шарт ҳар яхшилик  
Сенинг тилинг, дилингда қолиб,  
Эзгуликни кутган қалбларга  
Кириб келса ёмонлик ғолиб,  
Унутма: сен сотқин, беорсан,  
Садоқати йўқ гуноҳкорсан.

Бармоқларинг қўнар оҳиста  
Асабингга жўр титроқларга.

Ғамдек қотган қорачиқларинг  
Упқаламас қайтмас қувончдан.  
Юзларинг ҳам ачишмай қўяр  
Кўзларингдан оққан оҳларга.

Кириб келиб егим боладек  
Ҳеч шарпасиз ўқиниб юриб —  
Кунлар кетар хотирангга ҳам —  
Сира қайтиб келмас ёқларга.

## Фидоийлик қиймати

Ҳеч бўлмаса, вақтинчаликка  
Аламидан чиқади тилинг  
Толиққунча захрини сочиб  
Гуноҳқору бегуноҳларга.

Муштаринг ҳам ёзилар охир  
Ерни уриб, осмонга зорлаб,

Фақат

Юрак қисаверади,  
Гунг, нафратли тасаллиларга,  
Ғижимлайди ўзин бетоқат!  
Ноқобил жон, яшайсан-да —  
Бошлигингга садоқат учун  
Юрагингга қилиб хиёнат.



## Иқбол МИРЗААЛИЕВ



Элимизнинг ардоқли шоирларидан бири бугунги ижодкорнинг зарур фазилатлари ҳақида тўхталиб шуларни таъкидлабди: «Менга қолса, ҳозирги замон шоирига дарвишликдан кўра ўқтамлик кўпроқ ярашади. Тўғрироғи, шундай хислат керак, зарур. Мамлакатимиз буюк, шоир кўп. Бу улкан муҳитда ажралиб кўриниш учун, демакки, халқни кўрсата билиш учун шоир дарвиш эмас, ўқтам, сўзи кескир, ўзи шижоатли бўлиши лозим». Шубҳасиз юқоридаги мулоҳазалар бугуннинг зарурияти туфайли баён этилган ҳақиқатнинг ўзи.

Биз Иқбол Мирзаалиев табиатида, унинг шеърга бўлган муҳабати ва муносабатидан, яна унинг шеър ўқиётганларини тинглаб туриб ана шу ўқтамликни сездик. Бу ўқтамлик шубҳасиз унинг машқларига, ўқувчининг қалбига йўл топиб бораётган шеърларига ҳам кўчган.

Иқбол Мирзаалиев Фарғона область Богдод районидagi 19-ўрта мактабда таълим олаётган кезларида шеърлар машқ қила бошлаган эди. Илк шеъри — «Мусяча» матбуотда эълон қилинганида у учинчи синфда ўқирди. Эндиликда Иқбол Мирзаалиевнинг «Қадимги кўшиқ» номли халқ оҳангларида ёзилган достони, туркум лирик шеърлари район, область газеталарида, «Шарқ юлдузи» журналарида эълон қилинапти.

Иқбол Мирзаалиев ҳозир Фарғона Педагогика институтини, тил-адабиёт факультетининг II курс талабаси. У худди шу студентлик йилларида жўшиб, ёниб машқ қилипти, ўқиб-ўрганаяпти. Уйлаймизки унинг жисмидаги ўқтамлик, жўшқинлик, қалбадаги ёниқ орзулар сўнмаса у шеърят муҳлисларининг қалбига ҳарорат бахш этгувчи ижод намуналари яратади, иқтидори юксалиб, камол топиб боради.

## Қирқилган сочлар ҳақида

«Кокилларинг бўлсин дор...» деб ичмас бўлсам гар қасам  
Садоқатли эканимга шубҳа қилмагин асло.  
Мабодо мен ўз сўзимнинг уддасидан чиқмасам  
Қай соч бирлан осгунг мени, ўйлармисан дилоро?

Сочларингни тунларга ҳам этмас бўлсамда қиёс  
Ранжимагил, камситди, деб дилинг босмасин қайғу.  
Соч тусига зулмат кеча нисбат эканику рост,  
Лекин сенинг сочинг мисол тун — бир қарич эмас-ку.

Сиёҳ сочлар — ошиқларнинг азалий куй-қўшиғи,  
Сунбул сочлар — Вомиқ учун, Юсуф учун бани бахт.  
Ҳайҳот! Бугун Узроларнинг қирқ кокили, очиги —  
Музаҳҳибу Веҳзодларнинг сўвратиндадир, фақат!

Қизлар, қизлар, Отабегин йўлларида зор қизлар,  
Гоҳ нолийсиз «Отабеклар... қолмаган...» дея, э воҳ,  
Балки келган сизни излаб, учрашгансиз ҳам сизлар  
Аммо Кумуш сифотини топмаган сиздан мутлоқ.

...Сочлар эса қирқилмоқда, қирқилмоқда беомон,  
Қирқилмоқда яна недир бу сунбул сочлар билан.  
Нима ўша? Билмайман мен. Лекин шул сабаб, аён —  
Отабеклар кетиб борар кўзларда ёшлар билан...

## Искандарнинг саргарошини ўйлаганим

Давра қизигандан борарди қизиб,  
Елғиз мен пойгакда чўккандим хафа.  
Қизарган кўзларин мастона сузиб  
Ўзича сўқирди ҳар ким фалсафа.



## Сўз ҳақида

«Зару зўрим йўқ», — деган отам,  
Сиздан менга эзтиқод тортиқ,  
Қудратим йўқ, имконим ҳам йўқ  
Ҳақлигимга ишончдан ортиқ.  
Тўғри сўзим сўнгги армону  
Пушаймонга беҳато ўқидир.  
Шундан — қалбнинг қай бурчагида  
Ўз-ўзимга нафратим йўқидир.  
Сўзлар бўлсам дўст ҳам душманга  
Ўтган умрим бирдек хотира.  
Ҳатто мени ёмон кўрганлар  
«Ноҳақсан», — деб айтолмас сира.  
Кечиб қопқон — илтифотлардан  
Бошларимни тутдим у тошга  
Елгон сукут, ёлгон сўзлардан  
Шамсиялар тутмадим бошга.  
Дардсизларга бу ҳам бир эрмак:  
Исёнларда синиқди рангим.  
Лек босмади қалбим кўзини  
Нур ўтказмас лоқайдлик чанги.  
Ҳар калиманг ўзинг, ўзлигинг,  
Гоҳ тақдирлар бир сўз билан ҳал.  
Ев қочганда ботир бўлмоқдан  
Ўз ўрнида холислик афзал.  
Кунлар ювмас виждон гуноҳин.  
Сўзмас, қалб мард ё номард бўлар.  
Ўз вақтида айта олмаган —  
Сўзим жонда кетар, дард бўлар.

## Яхшиликни билмас у дўстинг

Кечираверасан,  
Аввал бошингдан  
Ювинди ағдариб, сўнгга панада  
Уриниб, куюниб ўз-ўзларини  
Ойдиндан оқ қилиб оқлаганларни.

Ачина бошлайди содда юрагинг  
Ўзингдан ҳам кўпроқ унинг ғамин еб:  
— Тушунми керак у бечорани, — деб,  
Тез-тез йўқламоқни қиласан одат  
Фойдасиз ҳақиқат ёқмаганларни.

Сочлар оврупоча қирқилган, кўркам,  
Ажнабий либосга танни ўрашиб.  
Ҳатто сўзлардилар тилларига ҳам  
Хорижий, нотаниш сўзларни қўшиб.

Менинг ҳам кўп эди айтар сўзларим.  
Ҳайқирмоқчи бўлдим: «Севаман, Ватан!»  
Ҳайқирмоқчи бўлдим қолди — дўстларим  
Сўзлашар эдилар сўнгги моладан.

«Монтана», «Адида»... — Ҳар хил фирмалар...  
Япон автосининг янги маркази...  
Мен оғиз жуфтладим: «Моҳирўй дилбар...»  
Навбат бермадилар, ютдим нафасим.

Оппоқ билаларга бирма-бир боқиб  
Шивирламоқчи бўлдим: «Куз. Ўзбек. Пахта».  
Афсус, тинглардилар бари ютоқиб  
Голливуднинг янги «юлдуз»и ҳақда.

Кипригим намланди, титради лабим:  
«Орол жон бермоқда, жон бермоқда...» лек  
Ярадор қуш каби қулади гапим  
Баландроқ янгарди «Вони М», «Брейк»...

Кимдир «Чўлпон» деди. Енгил хўрсиндим:  
Вақт етди сўзлашга қониб, ҳайрият.  
Ҳайҳот! Баҳслашдилар — хушторлари ким,  
Бир чеккада қолиб шоир, шеърият.

Энди чидолмадим. Ва англаб етдим —  
Бечора Саргарош қанчалар ғариб.  
Мен, моладан қолган бўлса-да, кетдим  
Эски қудуқларни ахтариб.

Кунлар оқаверар, кунлардан олдин  
Бегубор гўдакка термулавериб  
Гўдак бўлиб қолган ҳис-туйғуларинг  
Ювиб ташлар унинг юзсизликларин,  
— Эсламайлик, — дейсан, — нохуш  
дамларни.

У-чи?  
На ҳижолат, на бурчли сенга.  
Фаришта мисоли учиб қўнади.  
Ўзини рози қилиб кўзини ўяди —  
Яна сенга ўхшаш кўп одамларни.

## Иккиюзламачилар

Баъзилар бор: жуда қизиқ, дўстини ҳам  
Мақташмайди юраклари жўшиб, тошиб.  
Ўзгаларни олқишлаган, ўзларини —  
Камситишдек ўтирарлар сўздан қочиб.  
Бу одамлар жуда қизиқ: ёлғизликда  
Сиғинарлар: «Ўстозим, — деб,

паноҳим», — деб.  
Фойда чиқса, ўша они қақшайдилар  
«Фалончига яқинлигим — гуноҳим», — деб.  
Бу одамлар яхшиликнинг таърифини  
Сувдек ичган — ўргатишар ўзгаларга.  
Яхшиликни ерга кўмар — тушлик чоғи  
Емишига бир сўм тўланг сиз уларга.  
Бу одамлар бечоранинг айни оғриқ —  
Дардларини тишлаб-тишлаб кулиб юрар.  
Худбинликни, ноқасликни, ялтоқликни  
Бошдан оёқ ялтиратиб кийган улар.  
Бу одамлар соддаларнинг тўйхонасин  
Босмай туриб кетмоқликка сўрар изн.  
Нафи тегса — товон ялар, тўрткўз бўлар,  
Тўйлаб ичар «улуг»ларин ювиндисин.  
Бу одамлар нодонларнинг борлигидан —  
Қувонишиб, яхшиларни зимдан қолиб —  
Яшайдилар қоринлари ёмонликка  
Ҳеч тўймамасдан кунгайгина жойлар топиб.  
Бу одамлар юрагининг кирларини  
Беркитмоққа тилларини асал қилган  
Ва уларга қасдма қасди, шукур, отам —  
Зарур жойда забонимни заҳар қилган.

## Энг буюк қўшиқ

Болаликда сув билан хаёлан суҳбат қуриб  
Саркаш Қўнғиротсойнинг қирғоғини бўйлардим,  
Гар тушсам оқизгудек унинг шиддатин кўриб  
Қўнғиротсой — энг улкан дарё, дея ййлардим.

Эсимда уйимизнинг ёнида ўсган шотут —  
Устига чиқолмасдан овора эдим ҳар вақт,  
Гўё унинг шоҳлари юксак эди беҳудуд,  
У — менинг назаримда энг забардаст, чўнг дарахт.

Қўнғиротсой ортида, яйловнинг қўноғида  
Қадимий бир тепалик ростлаб турар ҳамон қад,  
Мен унинг атрофида пода боққан чоғимда  
Салобати, ҳайбати уйғотар эди ҳайрат.

О, шаффоф болалигим нурафшон кечалари!  
Тасаввур этмак маҳол онамнинг алласисиз —  
Оҳанг мени юлдузлар сайрига етакларди,  
Қарашимда энг буюк қўшиқ эди у ёлғиз.

Мана, йиллар ўтдилар,  
болалик хаёллари  
Ҳаётнинг тахриридан ўзгарди сўнгги қадар:  
Учратдим йўлларимда чинакам дарёларни,  
Дуч келди осмонўпар чўққилару дарахтлар.

Энди мени тепалик ҳайратга солмас асло,  
Қўнғиротсой ҳам гўё зўрга кўмар тўпикни.  
Аммо Онам алласи ҳамон мен учун танҳо —  
Мен асло учратмадим ундай буюк қўшиқни.

Ушбу мақола

## Сўнгги сўз

«Алдадилар бизни ўн йиллар...»  
Ериламиз бугун дардкашга.  
Демакки, ўн йилларимизни  
Ўзгаларга бердик яшашга.  
Зеро, ёнмас, чўкмас имондек  
Яшадилар ёнма-ён ҳақлар.  
Меҳнати, баҳато сўзидан —  
Ўзга «нуқсу гуноҳи» йўқлар.  
Кўнғилнинг жон жойида доим  
Айтдик улар адолатлигин.  
Ўзгаларни қуёш атадик  
Ўзгаларнинг тилида лекни.  
Рўйхатларда гарчи ўзимиз,  
Ўзганики эди жону тан.  
Ҳатто: «Тўйдим, шукур», — ҳам дедик  
Бегоналар еган луқмадан.  
Етар! Таскин йўқдир нолишу  
Инкор, иқрор, сўлиш, хитобдан,  
Бағир оғир оғир турибди  
Бўшлиқ деган оғир азобдан.  
Ҳаётсевар заъфар бемордек  
Умидланар ҳеч ўлмас виждон.  
Фақат ҳамон увишган қўлу —  
Оёқларин уқалар имкон.  
Фурсат ўтар тилга тиш босиб  
Умр деган қийматлар билан.  
Яшаймиз ҳатони шарҳлаб  
Қолган-қутган иллатлар билан.  
Қолбуки, ор ётибди қақшаб,  
«МЕН» лигимиз, наҳотки, эрмак?!  
Қолбуки, кўз очиқлигида  
Бўшлиқларни тўлдирмоқ керак.



## Кутуш

Мен сени зор кутдим,  
интизор кутдим,  
Ҳатто, қиёфангни аниқ билмасдан.  
Ҳар қадам товшига қулоғим тутдим,  
Сен эса келмасан,  
ҳамон келмасан.

Ҳар бир ўткинчини сен деб ўйладим,  
Кўзларим йўл қараб толиб кетдилар,  
Саломга чўзилган титроқ қўлларим  
Самода муаллақ қолиб кетдилар.



# САЙЗОҚНИНГ УЛИМИ

— Вугунги суҳбатимиз, — деди Николай Дроздов одатдаги сокинлик билан «Ҳайвонот оламида» эшиттиришини бошлай туриб, — табиатнинг яшаш учун кураш, деб аталадиган буюк ва бешафқат қонуни хусусида бўлади. Ҳар бир тирик мавжудот яшашга, зурриёт қолдиришга ҳаракат қилишини яхши биласиз. Бу қонун жониворларнинг бардошли, тадбиркор, курашчан бўлишини тақозо этади. Бугун сутэмизувчи ҳайвонлар ва умуртқасизларнинг айрим вакиллари мисолида бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Экранда аввал дарёга туташ тўқайзор кўринди. Кўп ўтмай унинг ўрнини атрофни виқор билан кузатаётган баҳайбат бўри эгаллади. Дроздов шарҳлашда довом этди.

— Бу йиртқич сизга таниш. Дарҳақиқат, у итга ўхшаш. Гоҳида бўрини айрим немис овчаркаларидан фарқлаш қийин бўлади. Ит билан бўрини думига қараб фарқлаш осонроқ. Жамики ит зотлари думларини маълум даражада кўтариб юришади. Бўрининг эса думи қисилган бўлади. Фақат тез югургандагина танасига параллел ҳолда тикланиши мумкин. Чунки бундай пайтда дум мувозанатни сақлашга ёрдам беради.

Мен бўрининг кўзларига тикилдим. Жониворнинг нигоҳлари андай ўксиган, аразлаган боланинг қарашларини эслатди менга. Дроздов давом этди.

— Ҳа, унинг кўзларида надомату афсус-

лар бор. Эҳтимолки, уни йиртқич деганим қаттиқроқ ботгандир. Бу каломни ёмон ниятда ишлатганим йўқ. Зоологияда шундай атама бор. Тирик ўлжа билан озикланадиганлар йиртқичлар туркумига киради. Биз, жумладан бургутни ҳам йиртқич қуш деб ҳисоблаймиз. Чунки унинг емиши қуён, тулки сингари жониворлар. Йиртқичлар ҳашоратлар орасида ҳам бир талай: бешиктерватар, ниначилар...

Оператор қаҳрамонимизнинг кенг ўмровли, йўғон тўпиқларини намойиш қилди. Сўнг эътиборимизни унинг саросар юрган шерикларига қаратди.

— Бўрилар кўп ҳолларда гала-гала бўлиб юришади. Энг тадбиркор қашқир тўда сардори, яъни ҳокими мутлақ ҳисобланади. Сиз кўриб турган йиртқич шу тўданинг раҳнамоси. У барча шериклари тақдирига ҳам масъул. Яшаш учун курашнинг қаттол қонуни улардан бирлашиб курашишни ёки ҳимояланишни тақозо этади.

Шунда бўрилардан бири олачалпоқ қорни бот-бот ҳидлаб кўриб, безовталана бошлади.

устидан аллақандай ўлжалар ўтиб кетган лигидан далолат берарди.

Буғи чиқиб турган луқма. Қаерда у? Медалари ҳувиллаб ётган бу очофатларнинг сўлаклари оқиб, баднафс иштаҳалари ошқозонларини баттарроқ таталай бошлади. Сардор эса хотиржамдай эди. Шериклари унинг атрофида айланиб, аллақандай даъваткор имо-ишоралар қилишса ҳамки эътибор бермас, вазмин сукут сақларди.

— Бу хотиржамлик ёки лоқайдлик эмас, — изоҳ берди Дроздов, — балки сардорнинг ўзига хос тактикасидир. Дарҳақиқат, ҳовлиқиш чикора?! Узоқ йиллик машаққатли умри давомида кекса қашқир бунақа изларнинг озмунчасини кўрмаган, озмунчасининг ортидан тушмаган. Лекин не-не умидлар саробга айланган; тўдани ҳолдан тойдиргани, иштаҳаларни исён қилгани қолган хо-



Рассом: Баҳром ТУХТАБОВ

Қолганлари ҳам беихтиёр унинг атрофини ўраб, ўз тилларида алланималар дегандай бўлишди. Бу ногаҳоний саросималик қор

лос. Луқмаи ҳалолга етиш учун мавҳум изларнинг ўзи кифоя қилмайди. Умидбахш асослар, аниқ ҳисоб-китоблар, кўз етадиган режаларга эга бўлмай йўлга тушиш меровлиқдан бошқа нарса эмас!

Сардор бошини осмонга кўтариб, ҳавони



хуморона ҳидлаб кўрди. Шарқдан эсаётган элас-элас шабада узиб-узиб бўлса ҳамки сайғоқ ҳидларини олиб келди. Улар бир неча соат муқаддам сахрога қараб йўл олишган — сув ичгани, тўқайларда ўтлагани келишган бўлишса ажаб эмас.

Хуллас, қароқчилар йўлбошчиси изларни ҳидлаб-ҳидлаб олдинга тушди. Тўда итоат-корона унга эргашди. Демак, маршрут аниқ, энди эса ҳаракат, аниқроғи, марафонча пойга керак!

— Бу сўқмоқ бағоят олис, машаққатли ва мавҳум, — давом этарди Дроздов амаки, — сайғоқлар изини ёки ҳидини йўқотиб қўйиш ҳеч гап эмас. Кутилмаган фалокатларни айтмай қўяқолайлик. Сайғоқ деган маҳлук дарё-ю кўллардан шитоб билан сузиб ўтаверади. Бўрилар бундай қалтисликдан чўчишади. Йўлдан лоп этиб милтиқ тутган жохил овчи ҳам чиқиб қолиши мумкин. Лекин ноумид — шайтон. Қапишиб кетган қоринларини тўйдириш иштиёқи умид билан оёқларга зўр беришни тақозо этади.

Ниҳоят, уфқларга туташ жойларда гимир-

ташланишди. Ҳадемай бояги манзилгоҳлар ортда қолиб кетди.

Баднафас йиртқичлар андак ёйилиб олган ҳолда йўлнинг танобини тортишар, чунки ҳар бир дақиқанинг ҳар бир сонияси ганиматдан ганимат эди.

Баландликда турган соқчи сайғоқ оёғини шиддат билан ерга урди ва ўқ теккандек сапчиди. Қолганлар қуюндек унинг ортидан эргашдилар. Олдинда сарҳадсиз уфқлар, ортда эса совуқ ўлим. Ҳаёт-мамот жанги. Кимнинг мускуллари бақувват, кўзлари тийрак бўлса, омад ўшанга ёр бўлиши муқаррар!

Шавқовар, аммо қалтис пойга давом этарди. Хуркак сайғоқлар ягона вужудга айлангандай жипс бўлиб югуришар, ажал деб



аталган машғум қора кучдан мумкин қадар тезроқ йироқлашишдан ўзгасини ўйламасдан, сарҳадсиз саҳрони ўқдек кесиб кетишарди. Чўл калтакесаклари, тўрғайлар жон талвасасида ўзларини базўр четга олиб улгуришарди.

Бўрилар ҳам ер бағирлаб учиб бораётган қалхатларни эслатишарди. Думлари андек кўтарилгани учун таналари узайиб кетгандай бўлиб туюлар, ритми бузмай бир маромда саҳронинг танобини тортишарди. Ҳар гал орқа оёқларнинг мушаклари пружинадай сиқилар, пайлар пўлат симдай букилар ва зилдай оғир гавдани олдинга итқитарди. Олдинги икки оёқ панжалари қумга ботар-ботмас гавда яна ва яна зарб билан отиларди.

Олдинда кўзни ўйнатадиган мазали луқма, ортда эса ажалга ўхшаш очлик таъқиб этиб келаётгандай эди уларни.

— Нақадар гўзал ва мардона кураш, — давом этди Дроздов, — сахро сарҳадсиз, яшаш учун кураш беаёв бўлгани учун биз бу тенгсиз пойгани томоша қилиш имконига эгамиз. Урмонда кучлилар яшайди, деган гапда жон бор. Табиатда кучлилар ва эпчиллар ҳаминша голиб бўлиб келишган. Зотан ҳаётнинг ўзи ҳам мана шу саҳродаги боқий курашга ўхшаб кетади. Сайғоқлар бу қаттол қумликларда қорин тўйгазолмай, сув тополмай дарё томон энишган. Ризқ-рўз излаб бориб, ажални эргаштириб келишларини қаердан билишин бояқишлар?! Албатта, бўриларнинг ҳам душманлари йўқ эмас. Бу жониворлар бир умр овчилардан чўчиб яшайди. Фақатгина инсон голиб! Уни ҳеч ким таъқиб эта олмайди.

Орадаги масофа биров қисқаргандай бўлди. Шунда гўж бўлиб чопаётган сайғоқлар биров ёйилиб олишди. Чунки бу алфозда орқадагилар йўлни яхши кўролмади, қоқиниб қолиши мумкин эди. Бўрилар ҳам ички бир инстинктга бўйсуниб, андек ёйилишди ва қониқиш, ишонч билан югуришда давом

этишди. Уларнинг қанча йўл босганини билмайман. Бир маҳал қашқирлар саркардаси тўдадан четроққа чиқиб қолган сайғоқни мўлжалга олди. Ҳамроҳларидан йироқлаб кетиши тажрибасизлигини кўрсатиб қўйганди унинг.

Қумлоқлар, шувоқзорлар ҳамон шиддат

билан ортга чекингандай бўлар, сайғоқлар бўлишса уфқларни мўлжалга олиб, оёқларига зўр беришарди. Сахро қароқчилари ҳалиги сайғоққа яқинлашиб қолди. Аммо яқинлашиб, ҳатто тенглашиб олиш ҳам ҳали ғалаба деган гап эмас! Бу азимжусса ва бақувват ўлжани қулатиш учун куч-қувватдан ташқари турфа ҳийла-ю найрангларни ҳам ишга солишга тўғри келади. Яна бир неча сониялик пойгадан кейин вазият ўзгара бошлади: сардор ўрнига бошқа бўрини қолдириб, ўзи ўлжасининг ўнг томонига ўтиб олди. Чунки уни аввал подадан батамом ажратиб олиб, яккалатиб, саросимада қолдириш талаб этиларди.

Рақиблар ҳамон бошларини адл кўтарганча, уфқларни кўзлаб югуришарди.

Сайғоқ тўдага қўшилишдан умидини узиб, чапга қараб қочмоқчи бўлди. Аммо бу томонида ҳам тиллари осилган бир ҳунрез йиртқичнинг қонли кўзларини кўрди. Нақадар қалтис, нохуш вазият. Энди бу ярамас жаллодлар уни исканжага олиши мумкин.

Сайғоқ жонини гаровга қўйиб бўлса ҳамки, энг сўнгга чорани ишга солди: тезликни андек сусайтирди-ю, бор қувватини кейинги оёқларига тўплаб мушукдай сакради. Кейин яна, яна шундай қилди. Баттол рақиблар ортда қолиб кетишди. Шу тарихи шерикларига ҳам яқинлашиб қолди. Энди... Худди шу лаҳзада тажрибасизлиги тагин панд берди. Ҳаяжонини босолмай, инерция билан кичик хатога йўл қўйди. Навбатдаги сакрашда мўлжални йўқотиб, қаршисидани шеригига бориб урилди ва мувозанатини тиклолмай, қулади. Табиатда эса кичик хато ҳаминша катта қисматга сабаб бўлади. Эҳ, сўқир тақдир! Наҳотки сайғоқ сарҳадсиз саҳрони, шу сержило ва сербўёқ оламини кўришдан бир умр маҳрум бўлиб қолса?

У жон талвасасида ўридан ирғиб турди. Аммо қувват тўплаш, тезликни ошириш учун вақт керак эди. У бўлса кечикди. Атиги бир сония кечикди. Қўймуничига урилган ногаҳоний зарба уни учуриб юборди. Яна турмоқчи бўлганда, кекирдагидаги ногаҳоний оғриқ ва бўйнидаги зилдай юк монелик қилди. Кейин, кейин тақдирга тан берди. Қизилўнғачидан отилаётган қонни, атрофида изгиб юрган очофат қашқирларни кузатиб турди. Нигоҳлари ҳам хиралашди, аммо қулоқлари бўриларнинг ғижиллашини, унинг этларини лахта-лахта қилиб узаётгани ва апил-тапил ютинишаётганини эшитиб турди. Сўнг, сўнг кўз ўнгида майсалари барра бўлиб ётган ям-яшил ўтлоқлар, чўққилардан отилаётган шалола кўриниб кетди. Кейин боқий зулмат чўкди.

Сайғоқ шаҳид бўлган жойда ҳадемай бир уюмгина суяк қолди, холос...

лашаётган аллақандай нуқталар кўзга ташланди. Бу — сайғоқлар подаси эди. Улардан бири қумтепа устига чиқиб, атрофни кузатяпти. Қолганлари эса анчайин бепарво ўтлаб юрибди. Ажал деган боқий ва машғум куч яқинлашаётганидан сахро султонлари бутунлай беҳабарлар.

Қашқирлар ҳамон йўртиб боришарди. Утлоқлар сийраклашиб, яккам-дуккам саксовуллар пайдо бўлгач, қадамларини жадаллаштирдилар. Улар овоз чиқаришмас, аксинча мушукка ўхшаб андак писиб югуришарди. Кулранг таналари тупроққа, гиёҳларга, кўчма қумларга ҳамранг эди. Орадаги масофа дақиқа сайин қисқарарди.

Ниҳоят сардор таққа тўхтади ва ерга қапишиб олди. Қолганлари ҳам қумга сингиб кетгудай бўлиб, бошларини ҳам қилишди. Ана, улар — баданларининг ялтираши жуда-жуда жозибали сайғоқлар! Лоақал биттаси, биттасигина қўлга тушса эди!..

Кескин хужумга ўтишдан олдин нафасларини тиклаб олишди, ўзларича хужум тактикаси, стратегиясини чамалаб кўришди. Кейин старт тўппончаси отилгандай олдинга



# «ҚИЗИМНИНГ ҚОТИЛИ КИМ?»

Журналнинг 1987 йил, 12-сонида М. Тўраевнинг «Қизимнинг қотили ким?» сарлавҳали хати эълон қилинган эди. Бу хат юзасидан редакция журналхонлардан кўплаб хат олди. Қуйида шу хатларнинг айримларини ҳамда республика прокуратурасидан келган жавобни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

«Салом ҳурматли редакция.

«Еш куч» журналин катта иштиёқ ва севинч билан ўқиб бораман. 1987 йил 12-сондаги «Қизимнинг қотили ким» сарлавҳали мақолангизни ўқиб йўғлаб юбордим ва шу хатни ёзишга мажбур бўлдим.

Онадан етим қолиб не кунларни кўрмадим. Наҳотки шу қабиҳ ишга қўл урган одам озгина бўлсада унинг фарзандларини ўйламаган бўлса...»

Эркин ШАМСИЕВ,  
Бухоро область Ёғдувон райони.

«Қизимнинг қотили ким?» номли мақолани ўқиб жуда ҳам ўйланиб қолдим. Қизи доғида куйиб, қайғуриб, бир йил мобайнида ўз ёғига ўзи қоврилган Мардон ота Тўраевнинг гап, алами, кўз ёши мен ва мен каби ёшлар ва умуман ҳамма кишиларни

бефарқ қолдирмаса керак, деб ўйлайман. Рўзигулнинг болалари онасининг қотили кимлигини биладилар, қотил эса қилмишига яраша жазоланади, деб умид қиламан. Ҳақиқат доимо енгиб чиқади!

Санам АШУРОВА,  
Тошкент Медицина институтининг  
3-курс студенти.

Мардон Тўраевнинг «Қизимнинг қотили ким?» деган хатини ўқиб, ушбу воқеага прокуратура ходимлари бефарқ қараганлиги мени таажжублантириб қўйди. Қизиқ, нима учун тергов ишлари жуда суғ олиб борилди?

Умида Х.  
Фарғона области.

## РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДАН:

Тўраев М. нинг қизи Қувондиқова Р. нинг қотилини топши бўйича чоралар кўрилмаётганлиги ҳақидаги шикоятни делони ўрганиш орқали текширилди.

Шу нарса аниқландики, 1986 йил 10 октябрда Каттақўрғон райони территориясидан оқиб ўтувчи каналда номаълум аёлнинг мурдаси топилган. Бу иш юзасидан 1986 йил, 16 октябрда район прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилган ва кўрилган

оператив тергов тадбирлари натижасида мурда Қувондиқова Р. эканлиги аниқланган.

Делони ўрганиш тергов юзаки, лоқайдлик билан, жиноий-процессуал қонун нормалари кўпол равишда бузган ҳолда олиб борилганлигини кўрсатди. Шу сабабли бу иш юзасидан тергов жараёни Самарқанд область прокурорининг ўринбосари ҳузуридаги оператив кенгашда муҳокама қилинди. Муҳокама натижалари юзасидан терговдаги нуқсонларни тугатиш учун ёзма равишда кўрсатма берилган, терговни юзаки ўтказишда айбдор шахсларга жазо бериш чоралари қўлланилди.

Шикоятчига жавоб қайтарилди.  
Ўзбекистон ССР прокурорининг ўринбосари  
О. И. ГАЙДАНОВ.

## РЕДАКЦИЯДАН:

Республика прокуратураси Р. Қувондиқованинги ўлими билан боғлиқ жиноий ишни ўрганиб чиқиб тергов жараёнида йўл қўйилган жиддий нуқсонларга принципиал баҳо берган. Лекин, ҳозирча М. Тўраевнинг хатида қўйилган саволга, яъни Р. Қувондиқованинги қотили ким деган саволга ҳали узил-кесил жавоб берилмаган.

Тергов давом этаёпти. Шунинг учун ҳам редакция тергов якунлари ҳақида республика прокуратурасидан келгусида яна жавоб кутади.

Агар саналмишни билдирувчи сўз кўпчиликда бўлса, «одни» шакли ишлатилади. Масалан, ошхонага кириб, битта чучвара еб, бир стакан чой ичмоқчи бўлсангиз, «Мне одни пельмени и один чай». (Менга битта чучвара билан битта чой берасиз) дейсиз. Энди рўчада ўн бирдан йигирмагача санашни ўрганаёли:

одиннадцать (одиницит) — ўн бир  
двенадцать (двинацит) — ўн икки  
тринадцать (тринацит) — ўн уч  
четырнадцать (четирницит) — ўн тўрт  
пятнадцать (питнацит) — ўн беш  
шестнадцать (шиснацит) — ўн олти  
семнадцать (семнацит) — ўн етти  
восемнадцать (восимнацит) — ўн саккиз  
девятнадцать (диёитнацит) — ўн тўққиз  
двадцать (двацит) — йигирма

Энди танишиш вақтида ишлатиладиган сўз ва гаплар билан танишиб сабоқни тугатамиз.

— Петя, познакомься, это мой брат Ахмед. (Петя, таниш, бу менинги укам Ахмад.)

— Я рад, Ахмед, познакомиться с тобой. А теперь разрешите представить вам моего старшего брата. (Ахмад, сен билан танишганимдан хурсандман. Рухсат этинг, энди мен сизларни акам билан таништирай.)

— Коля, — сказал брат Пети, протянув руку брату Ахмеду — Кариму.

— Коля, — деб Петянинг укаси Ахмаднинг акаси Каримга қўлини узатди.)

— Спасибо тебе Петя, за то, что познакомил со своим братом. Я давно хотел с ним подружиться. (Аканг билан таништирганинги учун раҳмат сенга, Петя. Кўпдан бери мен у билан дўстлашмоқчи бўлиб юрган эдим.)

— А меня вы оба знаете, нет необходимости представляться, — сказал Карим. (Мени икковингиз ҳам танийсиз, ўзимни таништиришнинг ҳожати йўқ, — деди Карим.)

Сабоқни А. МАҲАМАТОВ  
тайёрлади



Ўтган сабоқлардан кишилик олмошларининг иккинчи шакли, яъни «меня», «тебя», «него», «неё», «нас», «вас», «них»нинг «у», «около» ва «возле» сўзлари билан қўлланиши маълум бўлди. Кишилик олмошларининг бу шакли ўзбекча — «сиз» қўшимчаси маъносида қўлланадиган «без» кўмакчиси билан ҳам ишлатилади:

без меня (бизмина) — менсиз  
без тебя (бизтиба) — сенсиз  
без него (бизнийў) — усиз  
без неё (бизнийў) — усиз  
без нас (бизнас) — бизсиз  
без вас (бизвас) — сизсиз  
без них (бизних) — уларсиз

Мисоллар: Обедай без меня! (Тушликни менсиз қилабер!); Без тебя я никуда не пойду. (Сенсиз мен ҳеч ерга бормайман.); Нужен осёл, без него нам не обойтись. (Эшак керак, усиз ишимиз битмайди); Нужна лошадь, без неё мы не заберем груз. (От керак, усиз юкни олиб кетолмаймиз.); Без нас он никогда не обедал. (У тушликни ҳеч қачон бизсиз қилмас экан); Мы работали без вас. (Биз сизсиз ишладик.); Мы без них проработали в саду три часа. (Биз боғда уларсиз уч соат ишладик.)

Ҳурматли ўқувчилар, ўтган сабоқда берилган маълумотлар орасида бирдан ўнгача бўлган сонлар берилди ва сиз уларнинг ёзилиши ва айтилишини билиб олдингиз. Энди «один» сўзининг шакллари ва уларнинг ишлатилишини эслайлик.

Бирни билдирувчи сон рус тилида «один», «одно», «одна» деган шаклларга эга. Буларнинг қайсисини қайси ҳолда қўллаш керак? Русча бир сонини билдирувчи сўзларни жонсиз нарсаларни билдирувчи сўзлар билан ишлатилганда саналмишни билдирувчи сўзнинг охирига қаралади. Қаттиқ ундош билан тугаган ва ёзувда юмшатиш белгиси бўлмаган сўзлар билан «один» шакли ишлатилади. Масалан,

один стул — битта курси  
один стол — битта стол  
один стакан — битта стакан  
один нож — битта пичоқ

Юмшоқ ундош билан тугаган ва ёзувда юмшатиш белгиси бор бўлган сўзлар билан баъзан «один», баъзан «одна» шакли қўлланади.

один портфель — битта портфель  
одна тетрадь — битта дафтар

Агар сўз «а» ва «я» билан тугаган бўлса, «одна» шакли ишлатилади:  
одна книга — битта китоб  
одна столовая — бир ошхона

Агар сўз «о», «е», «ё», ва «я» билан тугаса, «одно» шакли қўлланади:  
одно перо — битта перо  
одно море — бир денгиз  
одно ружьё — битта милтиқ  
одно время — бир вақт

Сўз жонли нарсаларни билдирганда саналмишининг эр-хотинлиги ёки эркак-урғочилиги ҳам ҳисобга олинади.

один юноша — бир йигит  
Одна девушка — бир қиз  
один селезнь — битта ўрдак (эркаги)

«Один» сонининг рус тилидаги ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, унинг кўплиги «один» ҳам юқорида айтилган шакллар сингари ишлатилади.

# РУС ТИЛИ САБОҚЛАРИ





# ЭРКИН ТЕМАДАГИ ИНШО ҚАНДАЙ ЎЗИЛАДИ?

Ижтимоий ва шахсий ҳаётда рўй берган воқеа-ҳодисалар, бадий асарларни ўқиш натижасида вужудга келган фикрлар ҳақидаги мулоҳазаларни изчил, раво ва чиройли равишда ёзма баён қилишни халқимиз қадимдан эъзозлаб келган. Бу соҳада шуҳрат қозонган шахсларни муншийлар деб аташган. Ҳозир ҳам ёзма нутқи яхши шаклланган мутахассисга эътибор қилинади. Эркин темадаги иншони яхши ёзиш иқтидорига эга ўқувчига нисбатан келажакда ана шундай мутахассис бўлиб етишиш йўлида умид билдириш мумкин.

Эркин темада иншо ёзиш кўп жиҳатдан ўқувчидан фикр юритилаётган масалани ёритиш учун яхши билимга эга, унга ижодий муносабатда бўлишни талаб қилади. Аввалги суҳбатларимизда айтилганидек, умуман, иншо ёзишда мустақил фикрлар ва мулоҳазаларни силлиқ баён қилиш малакаси унинг муваффақиятини таъминлайдиган омиллардан ҳисобланади. Эркин (бундай темалар ижодий деб ҳам юритилади) темаларда иншо ёзишни ижодий ва мустақил фикрлар баёнисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Олий ўқув юртиларига кириш имтиҳонларида ўзбек тили ва адабиёти фанидан тавсия этиладиган эркин темалардаги иншолар, асосан, партия ва ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсати, Ватанимиз ва халқимизнинг ўтмиши, фидокорона меҳнат тарихи, касб-ҳунар, ўқилган бадий асарлар, уларда иштирок этувчи бадий қаҳрамонлар, сўз санъатининг табаррук намояндлари ижоди ҳақида бўлиши мумкин. Уларнинг айримларидан, намуналар келтирамиз: «Партия давримизнинг ақл-идроқи, виждонидир», «Бахтли ёшлигимиз учун коммунистик партиядан миннатдоримиз», «СССР — тинчлик таянчи», «Сўнмас у кунлар шуҳрати», «Ошқоралик — даврим талаби», «Пахта — Ўзбекистоннинг ифтихори», «Оқ пахтада қора доғлар бўлмасин», «Мен севган касб», «Мен севган ёзувчи» (шоир), «Мен севган қаҳрамон», «Мен севган бадий асар». Мазкур темадаги иншоларни ёзишга киришишдан аввал шу кўрилатган масалалар ҳақида фикр юритишга ва нималарни ёритишни талаб қилаётганлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоғимиз лозим. Мавзунинг асосий нуқталарини аниқлаб олиш ёзма ишнинг ижобий чиқишини таъминловчи восита ҳисобланади. Иншода ёритилган энг муҳим ва асосий масалалар аниқлангандан сўнг унинг плани пайдо бўлади.

Эркин темадаги иншоларни ёзиш бир томондан мураккаб бўлса, иккинчи томондан маълум қулайликларга эгадир. Бу турдаги иншоларнинг мураккаблиги шундаки, имтиҳонда тавсия этилаётган мавзу мактабдаги дарс машғулотларида ўтилмаган, бинобарин, дарсликларда бевосита маълумот берилмаган тема юзасидан бўлади. Газета ва журналлардаги янгиликлар билан танишиб бормайдиган, Ватанимиз ва чет эллардаги воқеа-ҳодисалардан беҳабар, бадий адабиётни севмаган ўқувчи бундай иншоларни ёза олмайди. Айти пайтда ҳозирги замон талабига жавоб берувчи, ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган янгиликларга қизиқувчи, санъатнинг сеҳрли оламида баҳра олиш фазилатига эга ўқувчи учун эркин темадаги иншони ёзиш анча қулай ҳисобланади. Чунки эркин (ижодий) мавзулар ўқувчини тавсия этилаётган масала юзасидан фикр юритишни чегараламайди. У ўзининг билим заминига суянган ҳолда мавзунинг истаган тарзда ёритиш имконига эгадир.

Фараз қилайлик, имтиҳонда «Бахтли ёшлигимиз учун партиядан миннатдоримиз» темаси тавсия этилди. Ўқувчи бу темада иншо ёзишда совет ёшларининг ўқиш, дам олиш ҳуқуқларига эга эканлиги, жисмоний жиҳатдан соғлом ўсиш учун партия ва ҳукуматимиз томонидан зарурий шарт-шароитлар яратиб берилганлиги, турли бадий ҳаваскорлик тўғрақларида ўз қобилиятини синаб кўриш мумкинлиги, порлоқ келажакка эгаллиги ҳақида ёзиши мумкин. У, шунингдек, чет эллардаги тенгдошларининг ҳаёти ва

тақдири билан ўзи яшаётган муҳитни таққослаш орқали темани ёритиш имкониятига эга. Эркин темада ёзиладиган иншонинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, ўқувчи юқорида қайд қилинган темани ёритишда бу масалаларнинг ҳаммаси ҳақида ҳам мулоҳаза юритишга ёки уларнинг бири юзасидан чуқурроқ ва кенгроқ тўхташга ҳақлидир. Олий ўқув юртига кириш имтиҳонларида текширган иншоларимизнинг бирида абитуриент ўз иншосини чет элдаги ўсмирнинг газетада эълон қилинган фожиасини хабар қилишдан бошлаган. Шундан сўнг иншода Абдулла Ориповнинг «Нега Римга келдинг, тунислик бола?» шеъри эсга олинади ва совет ёшларининг иш ахтариб ўзга юртларда дарбадар бўлмаслиги айтилади. Жуда ўринли равишда Асқад Мухторнинг «Дунё болалари» китобидаги ҳикоялар тилга олинади. Демак, ўқувчи «Бахтли ёшлигимиз учун партиядан миннатдоримиз» деб номланган иншода совет ёшларининг ҳаёти билан капитализм ҳукм сураётган мамлакатдаги тенгдошларининг ҳаётини қиёслаш орқали темани ёритишни маъқул деб топган. Шу темадаги бошқа иншоларда эса, «Ўрта таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» бўйича амалга оши-

рилатган тадбирлар, ёшларимизнинг билим олишлари учун, бахтли ҳаёт кечирिशлари учун кўрсатилаётган гамхўрликлар ҳақида ёзилган. Маълум бўладики, эркин темадаги иншоларни ёзиш ҳеч қандай схематик кўрсатмалар асосида амалга оширилмайди. Теманда назарда тутилган асосий мақсадга мустақил танланган йўллар орқали эришилади.

Айрим ўқувчилар эркин темада иншо ёзар эканлар, кўпинча ёзма иш ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича бўлаётганлигини унутиб қўядилар. Ватанимиз ва халқимиз ўтмиши ҳақида иншолар тарих фанидан берилган саволларга жавоб тусини олади. Пахта ҳақида иншо ёзганда гектар ва центнерларнинг қайд этилиши бухгалтерия ҳисоботларини эслатади. Бундай ҳолатлар иншоларнинг сифатсиз ёзилишига сабаб бўлади.

Бинобарин, иншо ёзишда эркин темани танлар эканми, қандай фандан имтиҳон топшираётганлигимизни унутмаслигимиз лозим. Уларнинг мавзу бадий адабиётнинг қайси намуналарини ифодалашини эсга олишимиз, мавзунинг тўлақонли, бадий ифодасига эришишимиз лозим.

Эркин (ижодий) темалардаги иншолар услуб жиҳатдан ҳам мактабда ўрганиладиган программа бўйича ёзиладиган иншолардан маълум даражада фарқ қилади.

Эркин темадаги иншонинг услуби публицистик йўналишда бўлади. Ўқувчи иншо давомида тема талабига биноан тасвирини, қаламга олинган воқеа-ҳодисаларнинг элементар деталларини бадий йўсинда ифодалаш ҳуқуқига эгадир. Тажрибамиздан бир мисол келтирайлик. Математик бўлишни орзу қилган абитуриент имтиҳон пайтида ёзган иншосини шундай бошлаган: «Мен математика фанини жуда севаман. Мактабда ўқиб юрган пайтимда математика ўқитувчимизга тинчлик бермасдим. Бутун имкониятимни ишга солиб, алгебра бўйича мисолларни, геометриядан масалаларни тезроқ ечишга уринардим. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Ҳозирги пайтдаги ҳаётни математикасиз тасаввур қилиш мумкинми? Коинотга учётган қатор-қатор космик кемалар, одамларимизнинг оғирини енгил қилаётган машиналар математик ҳисоблаш асосида яратилмоқда. Юзлаб бухгалтерларнинг машаққатли ишларини электр ҳисоблаш машиналари кўз очиб юмгунча бажармоқда». Ўқувчи иншонинг давомида республикамиздаги атоқли математикларнинг номларини қайд этади, уларнинг олиб бораётган илмий ишларини гуруҳ билан баён қилади. Айти пайтда ўз фикрини О. Ёқубовнинг «Диёнат», «Ў. Усмоновнинг «Гирдоб» асарларидан келтирилган мисоллар орқали далиллайди. У А. Ориповнинг «Темир одам» шеъри ҳақида ҳам ўзининг оригинал мулоҳазаларини айтади.

Маслаҳат сўнгиде айрим ўқувчилар ўртасида мавжуд бўлган бир миш-мишни эслатиб ўтмоқчимиз. Баъзилар эркин темада ёзилган иншоларни ўқитувчилар бир балл қўшиб баҳолайдилар, деган нотўғри фикрда юрадилар. Эркин темада ёзилган иншо теманинг ёритилиш даражасига кўра адабий темалар билан тенг баҳоланади. Иншони текширишда уларга алоҳида имтиёз берилмайди. Хусусан, орфография хатолар сони 6—7 тадан ошган тақдирда, иншо ҳар қандай эркин ва ижодий ёзилмасин, қаноатланарсиз баҳоланаверади.

Хуллас, эркин (ижодий) темадаги иншоларни ёзишда имконияти борича ижодий фикрлашга, синфдан ташқари ўқилган бадий асарларни, вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган маълумотларни, радио ва телевидение орқали танишилган материалларни, ҳужжатли ва бадий фильмларда намойиш этилган воқеа-ҳодисаларни эслашга ҳаракат қилишимиз, улардан танланган мавзунинг ёритишда фойдаланишимиз ёзма ишнинг мақсадга мувофиқ чиқишига олиб келади. Мазкур иншолар бошқа турдаги иншолар каби мустақил фикрни изчил, саводли баён этилишини талаб қилади.

Р. САИДОВА, О. МАДАЕВ,  
филология фанлари кандидатлари.



# Катта ёқали кўркам пуловер

48-размер.

Буни тўқиш учун 550 грамм жун ип, № 3 ва 4 спица керак бўлади. Петлялар 10 см.га=16 петля ҳисобида олинади.

Нақш резинка нусха 1×1 бўлиб, терс фонда чўзилган петлялар штрих (нозик чизиқ) ҳосил қилади.

Пуловер пастдан юқорига томон андоза бўйича (3-расм) қўшиб тикилган реглан нусхада тўқилади.

ЕЛКА. № 3 спицага 83 та петля олинг ва 4 сантиметр резинка нусха 1×1 тўқинг. Сўнг № 4 спица билан терс фонда чўзилган петлядан штрих ҳосил қилишга ўтасиз. 42 см тўқигач, ҳар икки томондан реглан линиясида бир йўла 5 тадан петляни беркитинг. Сўнг ҳар иккинчи қаторда 25 марта 1 петлядан беркитиб борасиз.

56 см тўқигач, ёқа ҳосил қилишга ўтинг. Бунинг учун дастлаб ўртадаги 10 петляни, кейин эса уларнинг ҳар икки томонидан 1 марта 2 петлядан ва 5 марта 1 петлядан беркитасиз.

Олд томони ҳам айнан орқа томон сингари тўқилади.

ЕНГИ. № 3 спицага 34 петля олинг ва 6 см резинка нусха 1×1 тўқинг. Сўнг № 4 спица билан енг бошининг икки томонидан ҳар 2,5 сантиметрдан сўнг 15 марта 1 петлядан қўшиб борган ҳолда асосий тўқишга ўтасиз.

48 сантиметр тўқигач, реглан линиясининг ҳар икки томонидан бир йўла 5 петлядан беркитасиз. Сўнг ҳар иккинчи қаторда иккала томондан ҳам 25 марта 1 петлядан беркитасиз. Қолган петляларни эса бир йўла беркитинг.

ЕҚА. Олд томони. № 3 спицага 34 петля олиб, ҳар иккинчи қаторнинг боши ва охирига 1 петлядан қўшиб борган ҳолда резинка нусха 1×1 тўқийсиз. Шу йўсинда 15 сантиметр тўқигач, ҳамма петляларни бир йўла беркитасиз.

ОРҚА ТОМОНИ. № 3 спицага 48 петля олиб, юқорида айтилганидек ҳар иккинчи қаторнинг боши ва охирига 1 петлядан қўшиб борган ҳолда резинка нусха 1×1 тўқийсиз. 16 сантиметр тўқигач барча петляларни бир йўла беркитасиз.





**ЙИҒИШ.** Пуловер қисмларини енгилгина дазмол қилиб, томонларини тикинг. Ёқани эса 1 расмда кўрсатилганидек сал қиялатиб қисман қўшинг.

**ПЕТЛЯЛАРНИ БЕРКИТИШ.** Буюм тўқиб бўлингач, сўнгги қатордаги очик петлялар беркитилади. Буни

икки ҳил усул билан бажариш мумкин.

1—усул спица ёрдамида (5-расм) бажарилади. Охириги биринчи петля одатдагидек ўнг спицага тўқимай кўчирилади. Биринчи петля ўнг қилиб тўқилади, сўнг чап спица учи билан петля орқага тор-

тиладида ўнг спица билан чап спицадаги кейинги петля ана шу тортилган петля оралигидан тортиб чиқарилади ва ташлаб юборилади. Қатор охиригача шу йўсинда петляларни беркитишда давом этасиз. Ишни якунлагач, ипни узиб сўнгги петля орасидан ўтказасиз.



Беркитишнинг бундай усулини терс ва ўнг петлялар аралаш тўқилган (резинка нусха) буюмларда қўллаган маъқул. Чунки буюм қирғоқлари тортишмай ташланиб туради.

2—усул (6-расм) игналар ёрдамида бажарилади. Бунда асосий ипнинг охири буюмнинг беркитилган қисмига нисбатан уч марта узун қилиб узилади ва игнага ўтказилади. Игна сўнгги қаторнинг сўнгги петляси орқали ўнгдан терсга томон, сўнг иккинчи петлядан эса терсдан ўнгга томон ўтказилади ва петля орқали асосий ип тортиб олинади. Ундан сўнг эса игна иккинчи петлядан ўнгдан яна терс томонга ўтказилиб, учинчи петляда терсдан ўнгга томон ўтказилади ва ҳ.к.

Бу усулда ҳам петляларнинг охири спица билан беркитган сингари салобатли кўриниш касб этса-да, бироқ ўримлар ҳосил бўлмайди.

## Свифт

### ва болакай

Жонатан Свифтнинг майда совғалар юбориб турадиган дўстлари бор эди. Бу совғаларни асосан бир хизматкор бола келтирарди. Свифт табиатан зикна бўлгани учун боланинг хизматини ҳеч тақдирламасди.

Бир куни ўша бола Свифтнинг уйига ёзувчининг устози бериб юборган совға билан келди. Хизматкори болани киритганида у Свифтнинг хонасига йўналди ва эшикни қўполлик билан очиб, «Устозингиз сизга совға бериб юборди», деди.

Иш столида ижод қилиб ўтирган ёзувчи болага ўгирилиб: «Ўғлим, совғани бундай топширмайдилар. Мен сенга бунинг қандай қилинишини кўрсатиб берман.

Сен менинг жойимга ўтир», деди.

Болакай унинг жойини эгаллади. Свифт эса ташқарига чиқди. Бироз ўтиб у эшикни тақиллатди. «Киринг» деди бола. Свифт ичкарига кириб «Марҳаматли сэр, устоз сизга ўз саломларини йўллаб ушбу арзимас совғани қабул қилиб олишингизни сўрадилар», деди.

«Шундайми, унга ҳам менинг саломимни айтиб қўйинг, мана бу ярим крон эса сизга», деб жавоб берди бола. Свифт боланинг ишорасини тушуниб кулиб юборди. Шундай сўнг иккови ҳам хушмуомалаликни унутмайдиган бўлишди.

### Чарлз Дарвин ва икки зумраша

Чарлз Дарвин дўстининг дала ҳовлисига меҳмон бўлиб боргани-

да унинг икки ўғли машҳур олим билан бир ҳазиллашмоқчи бўлиб бир ғаройиб янги ҳашарот ясаптилар. Улар мингоёқнинг баданига капалакнинг қанотини, нинанинг оёқларини, қўнғизнинг бошини аста елимлаб ёпиштирибдилар. Сўнг ҳашаротни қутичага жойлаб улуг олим жойлашган хонанинг эшигини тақиллатибдилар.

— Жаноб Дарвин, биз манави ҳашаротни даладан тутиб олдик. Унинг қандай махлуқ эканини айтиб беролмайсизми, — деб сўрабдилар.

— Тутаётганларингизда у сизларни лақиллатаётганини сезмадингларми, — сир бой бермай саволга тутибди олим.

— Ҳа, ҳа, сездик, — деб жавоб қилишибди болалар.

— Ана айтмадимми, бу ёлғончи қўнғиздир, — депти Дарвин кулиб.

## МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЕТИДАН

### Жек Лондон ва редактор

Жек Лондон журналга ваъда қилган ҳикоясини ўз вақтида топшира олмабди. Ҳикояни ундиришга тоза уринган редактор охири Жек Лондон истиқомат қиладиган меҳмонхонага келди ва унга қуйидаги мазмунда мактуб йўллади: «Хурматли Жек Лондон! Агар мен йигирма тўрт соат мобайнида ҳикояни олмасам сизни юқори қаватдан пастга тепиб юбораман». Хатни олиб Жек Лондон унга шундай жавоб қайтарди: «Қадрли Дик! Агар мен ҳам сизга ўхшаб ҳамма ишни оёқда бажарганимда албатта ўз сўзимнинг устидан чиққан бўлардим.»

Инглизчадан Суннат АЗЛАРОВ таржимаси.



Урганч шаҳридаги пиллакашлик фабрикасида „Жайхун“ хаваскорлик ансамбли ташнил этилган. Унга Юсуф Жуманиёзов бошчилиги қилади. Ёшлар бу ерда халқ ва эстрада кўшикларини қизиқиб ўрганадилар.

А. КУДРЯШОВ фотоси.









Бу йил баҳорда Чимён бағри яна гитарали ёшлар билан тўлиб тошади. Улар ўзлари ўрганган куй ва қўшиқларни баралла куйлаб, санъат ва маҳоратларини намойиш этадилар. Чимён фестивали янги-янги ғолибларни кашф этади.

В. ЛЕШЕНКО фотолари  
(ЎзТАГ)







Бухоро канданорлари ишларидан намуналар.  
/Бу ҳақидаги мақолани журналнинг 7-сонида ўқийсиз./

А. Кудряшов фотоси.



# Анвар Обиджон

## Лашкарбоннинг ўзирланиши

### икки пардали эртас

#### ИККИНЧИ ПАРДА

#### УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Парда очилади. Очпошшо саройи. Уша тахтиравон. Масхарабоз уч гилдиракли велосипед атрофида тимирскиланиб юрибди. Очпошшо телефонда куйиниб гаплашмоқда.

**ОЧПОШШО.** Емон эшитилди, қаттикроқ гапир... Нима? Дехқонлар галаён кўтаришди. Бошлигини топ, бошлигини. Бошлигини йўқотсанг бас, қолганлар қўйга ўхшаб ҳайдаган томонингга кетаверади... (Масхарабоз велосипедни миниб олганини кўриб, дастакни қўли билан тўсиб бақиради.) Тегма тепкиравамга! Вей, мол, тегма деяпман! (Масхарабоз бепарво ўйнайвергач, яна дастакка гапирди.) Майли, бунақанги майда масалани кейинроқ ҳал қилармиз. Буйёда давлат аҳамиятига молик иш чиқиб қолди. (Дастакни қўйиб, шошганича тахтдан тушади. Келибоқ масхарабознинг биқинига тепади): Мана бўлмаса! (Масхарабоз ағаб тушади.)

**МАСХАРАБОЗ.** (Биқинини чангаллаб). Вой бува-а... Вой буважони-и-м!

Очпошшо уни қандай юпатишни билмай иккиланиб турганида, ҳаллослаганича Вазир билан Қозикалон киради.

**ҚОЗИКАЛОН.** Адолатпарвар мамлакатимизда қанақа йиғи бўлди бу? (Вазирга.) Олампахоҳнинг масхарабозини ким хафа қилдикин, а?

**ВАЗИР.** (Масхарабозга). Сени қайси аблаҳ ранжитди ўзи?

**МАСХАРАБОЗ.** Вой бувижонгинам-е-е-й... (Очпошшони кўрсатиб.) Анави ишмақорин тепди мени... Вой, бувижо-о-он...

**ВАЗИР.** Биламан сен муттаҳамни, жуда калтак-боп одамсан!

**МАСХАРАБОЗ.** Нима, қорни катталар қорни кичикларни тепкилайверадими? Вой бувижо-о-н...

**ҚОЗИКАЛОН.** Баттар бўл! Кимки амалдорни эрмакласа, қонунлар мажмуасининг учинчи бўлим, олтинчи моддасида айтилганидек, оқибати мана шунақа бўлади.

**МАСХАРАБОЗ.** (Иғидан кескин тўхталиб, ўрнидан туради. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек осойишта қиёфада тўниниб чангини қоқди). Биз... ҳазиллашувдик. (Бориб, Очпошшонинг елкасидан қучади). Тўғрими, почча?

**ОЧПОШШО.** (Севиниб). Тўғри! (Вазир билан Қозикалонга қараб.) Улай агар, биз ҳазиллашувдик... Хех-хех-хех...

**МАСХАРАБОЗ.** Нима, пошшомиз эшакмидики, одамни тепса? (Қозикалон билан Вазирни кўрсатиб, Очпошшога тиржаяди.) Бу анқовларни бошлаб лақиллатдик, а, почча? Ва-а-а!

Очпошшо иккаласи яйраб кулишади. Шу пайт ҳаллослаганича Лашкарбоши киради.

**ЛАШКАРБОШИ.** Суюнчи берсинлар, олампахоҳ!

**ОЧПОШШО.** Хўш?

**ЛАШКАРБОШИ.** Тўқпошшони шахсан ўзим қўлга туширдим. Асир олдим уни.

**ОЧПОШШО.** (Илжайиб). Наҳотки? Шу гапинг рост бўлса, лашкарбоши ука, бошингдан ҳовучлаб олтин сочаман. (Бирдан ўқрайиб.) Лекин билиб қўй, агар алдаётган бўлсанг, қирқ қулоқли қозонда шўрва қайнатдириб, ҳаммасини устингдан куйдираман.

**ҚОЗИКАЛОН.** Ҳай-ҳай-ҳай! Ана саҳовату, ана қахру газаб!

**МАСХАРАБОЗ.** (Подшога суйқаниб). Уша шўрвадан менгаям берасиз-а, почча?

**ЛАШКАРБОШИ.** Менимча, Тўқпошшони ҳамангиз яхши танийсиз, Жодугарнинг топқир ойнасида кўп томоша қилганмиз уни. Мана, ҳозир ўзини олиб киришадан. (Очпошшо шоша-пиша тахтга чиқиб ўтирайётган пайтда Лашкарбоши ташқарига қараб, маънодор томоқ қиради.) Ўхў!

(Пича кутгач, безовталаниб қаттикроқ томоқ қиради.) Ўхў, ўхў! (Одмигина кийинган Тўқпошшони иккига ясовул турткилаганича олиб киради.) Мана сизларга Тўқпошшо!

**ОЧПОШШО.** (Асирнинг кийимига ирганиб боқди). Шуям пошшоми?!

**ҚОЗИКАЛОН.** Ҳўшмайроқ турибди-да. Лаббай, жаноб Вазир?

**ВАЗИР.** Қозикалоннинг шубҳасида жон бор. Ғирт киссавур-ку бу!

**МАСХАРАБОЗ.** (Лашкарбошига кесатади). Мўъжизани қара, ошна, охири шўрва ичадиган бўлдик. Ва-а-а!

**ЛАШКАРБОШИ.** Ишонмасанглар, исботлашим мумкин. Тирик гувоҳим бор.

**ОЧПОШШО.** Чақир ўша гувоҳни.

**ЛАШКАРБОШИ.** (Таъзим қилгач, ташқарига қараб томоқ қиради). Ўхў! (Ҳеч ким кўринмагач, янада чираниб.) Ўхў, ўхў! (Яна ҳеч ким йўқ.) Ўхў, ўхў, ўхў! (Охири жаҳли чиқиб.) Ўхў, деяпман!!! (Ниҳоят, тантанавор одимлаганича Жодугар киради.) Мана сизларга тирик гувоҳ.

**ЖОДУГАР.** Калласи зўр пошшомизга гулдирос қарсақлар!

Ҳамма чапак уради. Масхарабоз одатдагидак ковушларини бир-бирига уриб, чангини қоқа бошлайди.

**ТЎҚПОШШО.** (Жодугарга ташланиб, елкасидан олади). Мана, қаерда экансан аблаҳ! Дурбек қани? Нима қилдинг ўғлимни?

Лашкарбошининг ишораси билан ясовуллар келиб, Тўқпошшони ушлашади.

**ЖОДУГАР.** (Очпошшога). Кўриб турибсиз, олампахоҳ, Тўқпошшолгини ўзи айтиб бўлди.

**ОЧПОШШО.** (Асирга синчиклаброқ боқиб). Тўғри, бу ўша Тўқпошшо. (Атрофдагиларга.) Нима бало, танимаяпсизларми?

**ВАЗИР.** Танимасдан ўлибмизми, олампахоҳ, бу ўша Тўқпошшо-да.

**ҚОЗИКАЛОН.** Фақат, ноқонуний кийим кийибди.

**МАСХАРАБОЗ.** (Ўзича). Ҳе, аттанг, тайёр шўрва қўлдан чиқди-я.

Жодугар халтасидан асбоб олиб, велосипеднинг уёқ-буйёғини кўздан кечиришга тушади.

**ОЧПОШШО.** (Қарсақ уриб). Амру фармон қиламиз: хазинамиздаги сандиқлар очилиб, Лашкарбошининг устидан ўн ҳовуч...

**ВАЗИР.** (Бориб, подшони турткилаб шивирлайди). Олампахоҳ! Нималар деяпсиз ўзи? Хазинамизда сариқ чақаям йўқ.

**ОЧПОШШО.** Ҳм... (Сал иккилангач, яна дадиллашиб.) Довжорак Лашкарбошимизга ўн тандир ошқовоқсомса берилсин!

**ҚОЗИКАЛОН.** Ана мукофоту, ана зиёфат!

**ВАЗИР.** Лашкарбоши обрўйига яраша тақдирланди.

**ОЧПОШШО.** (Асирга хўмрайиб). Охири қўлга тушибсан-ку, Тўқпошшо!

**ТЎҚПОШШО.** Мени ҳеч ким қўлга туширгани йўқ. Бу ерга ўзим келдим.

**ОЧПОШШО.** Ўзим келдим дегин? (Атрофдагиларга илжайганича кўз қисади.) Бундан чиқдики, менга яхшиликча таслим бўлмоқчисан. Топдимми? (Тўқпошшонинг захарханда жилмайиб қўйганини кўриб, баттар қувонади.) Тўғри ўйлабсан, ука. Дунёдаги энг зўр пошшо ўзимман. Хизмат-пизмат кинтурсанг, кам бўлмайсан.

**ТЎҚПОШШО.** Икки йил тинмай дунё кездим, ўйрилган ўғлимни ахтардим. Кейин билсам, Дурбегим сенинг қўлингда экан. Сен билан очқчасига гаплашиб олгани келдим.

**ОЧПОШШО.** (Ҳайратланиб). Демак, ростданам ўз ихтиёринг билан келибсан-да? (Лашкарбошига ўқрайиб). Асир олганмиш! Мени алдаб бўлсан! (Қарсақ уриб, тантанавор эълон қилади.) Амру фармон қиламиз: Лашкарбоши текин сомса ейиш имтиёзидан маҳрум этилсин!

**ВАЗИР.** Фармонлари қутлуг бўлғай, олампахоҳ.

**ҚОЗИКАЛОН.** Ана зийраклигу, ана тежамкорлик!

**МАСХАРАБОЗ.** Тўғри-да, бунга ошқовоқсомсанинг нима кераги бор? Ўзи ошқовоқ-ку. Ва-а-а.

**ОЧПОШШО.** Азизим, Тўқпошшо, ўғлинг ҳақиқатан ҳам бизда. Истасанг, уни сенга ҳозирок беришим мумкин. Аммо...

**ТЎҚПОШШО.** ...битта шартинг бор. Тўғрими?

**ОЧПОШШО.** Калланга қойилман, ука, шундоқ ичимдагини топасан-а. Хуллас, шартим шуки, менга тобеъликни қабул қилиб, шу ердаёқ тилхат берасан. Тилхат менга, ўғил сенга.

**ҚОЗИКАЛОН.** Бу гап қонунлар мажмуасининг еттинчи бўлим, тўртинчи моддасига шундоқ мос тушди-қолди.

**МАСХАРАБОЗ.** Сиздан угина, биздан бугина-да.

**ТЎҚПОШШО.** (Захархандалик билан). Шартинг шу ҳолосми?

**ОЧПОШШО.** (Жонланиб). Ҳа-да! Нима, мен сандан от билан туя сўрардим.

**ТЎҚПОШШО.** (Маънос тортиб). Тўғри айтдинг, сен мендан бор-йўғи Ватанимни, киндик қоним тўкилган бир сиқимгина тупроқни сўрадинг ҳолос. (Бирдан қаттиқ боқиб.) Наҳотки, тушунмасанг, гўрсўхта? Ватан бу — она, у ҳатто фарзандимдан ҳам азизроқ, ўзимдан ҳам мўътабарроқ.

**ОЧПОШШО.** Мен ортиқча қон тўкилмасин демуқчиман. Юртингни яқин-орада бари бир босиб оламан. Унда, пошшоллик ҳам қўлингдан кетади-я.

Яхшилаб ўйлаб кўр, ука.

**ТЎҚПОШШО.** Богистонликлардан икки марта тепки еб қайтгандинг. Яна орқанг қичишяптими дейман?

**МАСХАРАБОЗ.** Жуда боплади-ку, почча! Ва-а-а!

**ОЧПОШШО.** (Масхарабозга). Оғзингни юм, мол! (Тўқпошшога жаҳлланиб.) Ҳали шунақами?! (Дастакни олиб, телефоннинг қулогини бурайди.) Ҳў, навбатчи... Ҳў, ясовул! Жаллодни ула менга! Жаллодми бу? Нима? Қассобман? Жаллоднинг хонасида нима қилиб ўтирибсан, йиртқич? Жаллод билан тажриба алмашаяпмиз? Ҳе, қонхўр бўлмай бўйнинг узилсин! Жаллодга айт, дарровда хузуримга етиб келсин! (Дастакни қўйиб, Тўқпошшога боқди.) Жаллод келгунчалик муҳлат берман сенга, каллангни дурустроқ ишлатиб, ўйлаб кўр.

Вазир Очпошшога яқинроқ бориб, шивирлаганича ниманидир маслаҳатлаша бошлайди. Масхарабоз велосипедни созлаётган Жодугарнинг ёнига келиб чўнқаяди, хўрозқанд ялашга тушади.

**ЖОДУГАР.** (Хўрозқандга суқланиб). Масхарабоз ошнажон, хўрозқандингдан битта яласам майлими?

**МАСХАРАБОЗ.** (Қизганиб). Хо-о-о!

**ЖОДУГАР.** Ке-е-е, биттагина ялай!

**МАСХАРАБОЗ.** Тепкиравани анави ишмақоринга ясаб берасан, хўрозқандни биздан сўрайсан, а? Ургилдим сендақанги ошнадан.

**ЖОДУГАР.** (Бирдан ўқрайиб). Тур йўқол!

**МАСХАРАБОЗ.** Бермаса аламман? (Туриб, нари кетади.)

Жаллод кириб келиб, саҳна четида тўхталади.

**ЖАЛЛОД.** Оҳ-оҳ-оҳ! Кимнинг ажали етдийкин а? (Қўлидаги арранинг тишларига бармоқ теккизиб.) Шу нарса билан одамзоднинг бўйнига ишлов берилса, олам гулистон! (Подшога ялтоғланиб.) Дарвоқе, чақирган эканлар. (Тўқпошшо томонга имо қилиб.) Шунингича берайми, хўжайин?

**ОЧПОШШО.** Нафсингни тийиб тур! (Тўқпошшога.) Хўш, бирон қарорга келдингми?

**ТЎҚПОШШО.** Уғлимни ўзимга қайтариб бер. Очпошшо. Кел, бундан кейин иттифоқда яшайлик. Зўравонлик ҳали ҳеч кимга шухрат келтирмаган. Босқинчилик ҳар қандай халқнинг обрўйини тўқади, ҳар қандай юртни инқирозга олиб келади.

**ОЧПОШШО.** Ким бўлсанки, менга ақл ўргатсанг? Сенга айтиб қўяйин, ҳов, менга насиҳат қилгани учун ҳатто қайнонамниям тилини кестирганман.

**ЖАЛЛОД.** Гапни қўзиб ўтирасизми, хўжайин. Арралаб ташлайқолай бунни.



**ОЧПОШШО.** Нафсингни тийиб тур, деяпман!  
**ЖАЛЛОД.** Хўп-да, хўжайин.

Очпошшо тахтдан тушиб келиб, Тўқпошшонинг елкасига дўстона қўл ташлаганича четроққа етаклайди.

**ОЧПОШШО.** (*Узаро гапириб*). Укагинам, Тўқпошшо, гапимга киргин-у, арбобларимни ичида обрўйимни тўкмай, номига бўлсаям тобеъликни қабул қил. Майли, пошшолик ишларингга ортиқча аралашмайман. Менга о-озгина хирож тўлаб турсанг бас. Кейин... кейин, иккаламиз қариндош бўлволамиз, акаси.

**Тўқпошшо.** Қанақа қариндош?

**ОЧПОШШО.** Анави... хў-ў-ш... асраб олган қизинг бор-ку... Гулзормиди оти? (*Жодугар тарафга ўгринча қараб қўйиб*.) Ана ўшанга ўзим уйланаман.

**Тўқпошшо.** Гулзорга уйланаман дегин?

**ОЧПОШШО.** Уйланаман! Нима, ишонмаёсанми?

**Тўқпошшо.** Уйланиш мана бунақа бўлади!

Ухшатиб мушт тортади. Очпошшо оёғи осмондан бўлганича Масхарабознинг ёнига бориб йиқилади.

**МАСХАРАБОЗ.** Мўъжизани қаранг, пошшо ўзи келиб оёғимга йиқилди. (*Гердаяди*.)

Ясовуллар Тўқпошшога ташланишиб, қўлларини қайришади. Жаллод югуриб келиб, Очпошшонинг қўлтигидан кўтаради.

**ЖАЛЛОД.** (*Подшонинг тўнидан чангни қоқаётиб*). Айтувдим-ку, хўжайин, бундақаларни дарровда тинчитвориш керак.

**ОЧПОШШО.** (*Жеркиб*). Ўзимдаям калла бор. (*Мағрур бориб, тахтга ўтиради, сўнг салобат билан қичқиради*.) Жаллод!

**ЖАЛЛОД.** Оҳ-оҳ-оҳ! Тилингизга шакар, хўжайин.

**ОЧПОШШО.** (*Тўқпошшони кўрсатиб*). Боши ар-ра қилинсин!

**ЖАЛЛОД.** Хўп-да, хўжайин.

Жаллод ва ясовуллар Тўқпошшони олиб кетишгач, Жодугар велосипедни тузатиб бўлиб, ўрнидан туради.

**ОЧПОШШО.** (*Жодугарга*). Ғилдираклариниям ёғладингми? (*Жодугар «ҳа» дегандек ишора қилгач, атрофдагиларга боқиб*.) Мана, Тўқпошшониям тинчидим.

**ЛАШКАРБОШИ.** Энди Боғистонга бемалол юриш қилсак бўлаверади, олампадох.

**ҚОЗИКАЛОН.** Жуда адолатли гап бўлди. Бир томонда Дурбек полвон ҳам ишсиз ётибди.

**ВАЗИР.** Яна гапни чалкаштириясиз, тақсир. Дурбек полвон деган гапни бутунлай эсдан чиқаринг. Энди у биз учун Хашпаш ботирга айланган.

**ОЧПОШШО.** Вей, Қозикалон, бундан кейин озингга қараб гапир! (*Жодугарга*). Умуман, ўша Хашпашингни тоқайгача текин боқамиз? Қачон иш кўрсатади у?

**МАСХАРАБОЗ.** (*Очпошшога*). Тўғри айтдингиз, почча. (*Жодугарга*.) Ҳе ўша ушлаб келган куёнингдан ўргилдим!

**ЖОДУГАР.** (*Подшога безрайиб*). Хоҳлайсизми, хоҳламайсизми — яна озгина сабр қиптурасиз. Хашпаш ботир роса икки ҳафтадан кейин ўн саккизга киради, балогатга етиб, батамом қувватга тўлади. Ҳозирча уни синовдан ўтказаяпман.

Дурбек, яъни Хашпаш ботир кириб келади.

**ОЧПОШШО.** (*Илжайиб*). О-о, жияним Хашпаш ботир келди-ку! (*Диққат-ла боқиб*.) Кайфиятинг чатоқроқ кўринади, жиян?

**ДУРБЕК.** Тоға... (*Бирдан қатъий боқиб*.) Тоға! Мени... ота-онамга нима бўлган? Бир куни бу ҳақда (*Жодугарни кўрсатиб*) устоддан сўраб эдим, пайти келганда тоғанг ўзлари гапириб берадилар, деди. Мен энди ёш бола эмасман, ҳақиқатни билишим керак, тоға.

**ОЧПОШШО.** (*Безовталаниб*). Жияним Хашпаш ботир, шуни кейинроқ гаплашайлик.

**ДУРБЕК.** (*Янада қатъийлашиб*). Йўқ, тоға, ҳақиқатни ҳозироқ билишни истайман.

**МАСХАРАБОЗ.** (*Дурбекка*). Ҳў, поччамни жиян! Ҳақиқат дегани гапириб нотавон бир нарса. Шундай обрўли арбобларнинг орасида унга пишириб қўйибдими?

**ДУРБЕК.** Фақат ҳақиқатни гапиринг, тоға!

**ОЧПОШШО.** (*Дурбекка чўчинқираб боқди*). Ҳм... Ҳақиқат, дегин? (*Каловланиб*.) Майли, айтаман... ҳақиқатни... (*Арбобларга безовтароқ боқиб*.) На илож, айтавераман-да энди? (*Атрофдагилар йнғайсизланиб бош қимирлатадилар*). Хў-ў-ш... (*Дурбекка боқиб*.) Хулласи калом, сени онанг... (*Бирдан сурбетланиб*.) Онанг менга сингил бўларди. (*Атрофдагилар бош қимирлатиб тасдиқлашади*.)

**МАСХАРАБОЗ.** (*Подшога муғомбирона боқиб*). Мўъжизани қаранг!

**ОЧПОШШО.** (*Масхарабозга ўқрайиб қўйиб*). Ана энди, ҳақиқатнинг давомини эшит, жияним Хашпаш ботир. Бир куни дадангни Боғистонга элчи қилиб юбордим. Онанг ҳам саёҳат баҳонасида бирга жўнади. Сен унда мурраккина чақалоқ эдинг...

**МАСХАРАБОЗ.** (*Чордана қуриб ўтирганича, подшонинг оғзига маҳлиё тикилиб*) Э, қойилман, почча, зўр эртақ айтаяпсиз.

**ОЧПОШШО.** (*Масхарабозга ўқрайиб қўйиб, яна сипо қиёфага киради*). Шу десанг, Боғистон ҳукмдори Тўқпошшо билан азалдан унча чиқишмасдик.

**МАСХАРАБОЗ.** Ит-мушук эдик десангиз-чи, почча.

**ОЧПОШШО.** (*Масхарабозга яна ўқрайиб қўйиб*). Ростини айтсам, орамиз жуда бузуқ эди. Ҳатто бир-икки марта урушганмиз ҳам...

**МАСХАРАБОЗ.** Ўзи нимани талашувдинлар, поччажон?

**ОЧПОШШО.** (*Ниҳоят сабри туғаб, ханжарига қўл югуртади*). Ҳозир тилингни кесволаман, мол! Гапиртиргани қўясанми, йўқми?

Қозикалон Масхарабознинг елкасидан тутиб, судрагудек қилиб четга олиб чиқади.

**ҚОЗИКАЛОН.** Шу ерда миқ этмай тур. Яна гапга аралашсанг, қонун билан эзвораман.

**МАСХАРАБОЗ.** (*Ўзича*). Шуям ҳаётми! Бу қонунларнинг дастидан ҳатто поччанггаям дадилроқ гапиролмайсан.

Ўзини босиб олган Очпошшо яна сурбетлик билан давом этади.

**ОЧПОШШО.** Ана энди мен сенга айтсам, жияним Хашпаш ботир, ўша ярамас Тўқпошшо жудаям номардлик қилди. Мендан бошлаб ўч олиш мақсадида юборган элчимни, яъни дадангни қатл эттирибди. (*Қуруқ кўзларига сургаётган рўмолчасининг уёқ-бугёгидан атрофдагиларга мўралаб, «йиғласанглар-чи» дегандек ишора қилди*.) Ҳеч бўлмаса, бегуноҳ онангни, азиз сингилжонгинамни тирик қолдирганда ҳам бунчалик алам қилмасди менга. (*Бошқалар ҳам афтларини буриштириб, ёлгондан йиғлай бошлашади*.) Яхшиямки, Тўқпошшонинг саройида менга содиқ бир киши хизмат қиларди. У сени ёвузлар панжасидан кутқариб қолиб, менга келтириб берди.

**ДУРБЕК.** (*Маъюсланиб*). Демак, улар ҳалок бўлишган!

**ОЧПОШШО.** (*Рўмолча четидан айёрона мўралаб*). Нега энди бунга айнан бугун суриштириб қолдинг, жияним Хашпаш ботир?

**ДУРБЕК.** Чунки, онаннинг йўқлиги менга бугун жудаям алам қилди. Мен унга юрак сирларимни тўкиб-сочган бўлардим.

**ОЧПОШШО.** (*Сергакланиб, аммо ҳануз йиғламсираб*). Қанақа сир? Ўзимга айтавер, жияним Хашпаш ботир.

**МАСХАРАБОЗ.** (*Дурбекка*). Олдимда... (*Очпошшони кўрсатиб*) Катта энам ўтирибди, деб фараз қил.

**ДУРБЕК.** Мен... бир қизни яхши кўриб қолдим.

**ОЧПОШШО.** (*Мотамсароликни йиғиштириб, одатдаги қиёфага киради*). Хўш, қайси пошшони қизи экан? Ўша мамлакатни қилт этказмай босволамиз.

**ЛАШКАРБОШИ.** Аскарларим жангга тайёр, олампадох!

**ДУРБЕК.** Навкарларим билан Боғистон чегарасидаги тўқайда ов қилиб юргандим. Бир йўлбарсинг изига тушиб, адашиб қолдим. Гангит турганимда узоқдан ўкириқ эшитилди, ўша томонга от солдим. Борсам, ёш бир овчи йўлбарсинг бўйнидан кучоқлаб олиб, жон-жаҳди билан олишиб турибди. Йўлбарсга найза санчиб, ҳолизи-ланган овчини унинг панжасидан суғириб олдим. Не кўз билан кўрайки, ўша овчи... қиз бола эди...

**МАСХАРАБОЗ.** Юрагига балли-ей! Мана, бизнинг вазиримиз ҳатто бақадан кўрқади.

**ДУРБЕК.** Қиз мени кўрди-ю, негадир ранги қув ўчиб, сакраб ўрнидан турди. Юз-кўзимга синчиклаб тикилди, жуда галати тикилди. Шу пайт камон таққан қандайдир овчи чол пайдо бўлди. Мени кўриб, уям бирдан анграйиб қолди.

**ҚОЗИКАЛОН.** Қонуинга таяниб айтганда, иккаласиям соқов экан-да, а?

**ДУРБЕК.** Йўқ, улар аввалига ниманидир ўзаро шивирлашди, кейин менга гапиришди. Уларни тилига тушунмадим. Фақат битта нарса яхши эсимда қолди, улар Дурбек деган исми жуда кўп такрорлашди.

**ОЧПОШШО.** (*Сапчиб туради*). Нима?!

**ЖОДУГАР.** (*Подшога яқинлашиб, шипиштади*). Ўзингизни босиб олинг, олампадох, Сир бой бермай турсинлар.

**ОЧПОШШО.** (*Ўтириб, мулоим илжаяди*). Нима?

**ДУРБЕК.** Чамаси, улар мени Дурбек деган алақандай одамга ўхшатишди.

**ОЧПОШШО.** (*Қувониб*) Тўппа-тўғри! Улар сени бировга ўхшатишган.

**ВАЗИР.** Хашпаш ботирнинг ақли бало экан, олампадох, бировларга ўхшатишганини дарров билиб олибди-я.

**ОЧПОШШО.** Ҳа! Мана бунга калла деса бўлади!  
**МАСХАРАБОЗ.** Мени каллам ҳам ёмон ишламайди, почча.

**ОЧПОШШО.** Бу — бизнинг карамимиз беқиёс-лигидан далолатдир, масхарабоз. Агар хоҳласак, ҳозироқ каллангни ишлашдан тўхтатиб қўйишимиз мумкин. (*Дурбекка*.) Бундан чикдики, сен ўша қизни...

**ДУРБЕК.** Ҳа, тоға, уни яхши кўриб қолдим.

**ЖОДУГАР.** Маккор Абаданий билан айёр Шабдадий ҳаққиға онт ичиб айтаманки, бу хумпар Гулзор хонимнинг ўзгинасини учратган. Овчи чол эса — Тошбобо.

**ОЧПОШШО.** (*Атрофдагиларга*). Суюкли жияним Боғистонлик қизни яхши кўриб қолган экан, Боғистонга босиб борганим бўлсин. (*Дурбекка*.) Шўрлик қизни оддий овчиликдан кутқариб, сенга олиб бераман.

**ДУРБЕК.** Қизнинг инон-ихтиёри ўзида, тоға. Лекин мен ота-онам учун Боғистон ҳукмдоридан албатта ўч оламан! (*Чиқиб кетади*.)



**ОЧПОШШО.** (*Оргидан*). Балли, жияним Хашпаш ботир! (*Атрофдагиларга*.) Мана энди Боғистонни тепалаб ташлайми!

**ҚОЗИКАЛОН.** Қонунимиз ойболтаси энди Боғистон узра чакнағусидир.

**МАСХАРАБОЗ.** Поччажон! Боғистонликлар билан уришадиган бўлсак, иккитадан от олвол-сакмикан?

**ОЧПОШШО.** Иккита отни нима қиласан, мол?  
**МАСХАРАБОЗ.** Биттасида босиб борамиз, биттасида қочиб келамиз. Ва-а-а!

**ОЧПОШШО.** (*Ковушини ечиб дўлайганича, Масхарабозни қуелади*). Ҳу, тилингга куйдирги чиқсин!

**ВАЗИР.** Ушланглар сотқинни!

**ЛАШКАРБОШИ.** Чап қанотдан ёриб ўтди-я, ушланглар!

**ОЧПОШШО.** Бошингга итни кунини соламан ҳали!

Ҳамма тўс-тўпалон билан Масхарабозни қувиб чиқиб кетади.

**ЖОДУГАР.** (*Ўзича*) Сулув Гулзор хоним тез кунда меники бўлади. Ким орага тумшук суқса, бурнини узволаман! (*Чиқиб кетади*.)

Парда.



## ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

Парда очилади. Майдон. Тун. Боғистон шаҳрининг девори узокдан кўзга ташланади. Очпошшо уч гилдиракли велосипедида ўтирганича қалъа томонни дурбиндан кузатмоқда. Енида Лашкарбоши, телефонни қўлтиқлаб олган Вазир. Масхарабоз кучукдек тўрт оёқлаб турибди, Қозикалон унинг бўйнига боғланган занжирнинг бир учидан ушлаб олган. Топқир ойна кўтарган Жодугар ва шаҳар беги кириб келадилар.

**БЕК.** (Масхарабозни кўриб, чўчиб тўхтади). Е кудратингдан! (Еқасига туфлайди. Сўнг бориб, Очпошшога таъзим қилади). Жабрдийда юртимизга хуш келибсиз, соҳибқирон!

**ЖОДУГАР.** Боғистон шаҳрининг беги сизни кутлагани келди, олампазоҳ.

Масхарабоз Бекка қараб ириллайди.

**ОЧПОШШО.** (Масхарабозга). Чип! Кўрмаяпсанми, бу ўзимизни одам. (Бекка.) Башаранг менга анча ёқди, ука.

**ОЧПОШШО.** Шаҳарда нима гап, ука?

**БЕК.** Сизга тарафдор кимсалар мендан ишорат кутиб туришибди. Бошқалар гафлатда.

Масхарабоз ириллайди.

**ОЧПОШШО.** Чип, итвачча! (Жодугарга.) Бу ёққа опкел топқир ойнани. Қани, шаҳардаги аҳволни ўз кўзимиз билан кўрайлик-чи.

Жодугар топқир ойнани Очпошшонинг қарши-сига қўйиб, антеннани чўзади, шприклатиб қулогини бурайди.

**ЖОДУГАР.** Абадайнйи, шабадайнйи, рака пуф! Бешинчи канал, тўртинчи программа, кўрсат Боғистонни!

Ҳамма топқир ойнани ўраб олади. Бек эса Масхарабознинг уёқ-буёғига ўтиб, томоша қилади.

**МАСХАРАБОЗ.** Бунча анқаясан? Умрингда итни кўрмаганмисан?

**БЕК.** Е кудратингдан! (Эгилиб.) Одамга ўхшаб гапиряпсан-ку, ит?



Рассом: Рустам ЗУФАРОВ

**БЕК.** Улгунимча хизматингиздаман, соҳибқирон!

Масхарабоз яна Бекка ириллайди.

**ОЧПОШШО.** Чип! (Бекка.) Мен... Боғистонни озод қилгани келдим.

**БЕК.** Қадамларига ҳасанот!

Масхарабоз тагин ириллайди. Қозикалон занжирни бир силтаб қўяди.

**ОЧПОШШО.** Чип, деяпман сенга! (Бекка.) Хўш, хизмат?

**БЕК.** Бир нарсани билгани келувдим — енгилмас аскарларингизга шаҳар дарвозасини очиб берсам қалай бўларкин, соҳибқирон?

Масхарабоз яна ириллайди.

**ОЧПОШШО.** (Оёғини тапиллатиб). Чип-е! Ҳе, ҳаром ўлгур! (Бекка.) Менга бари бир, ука. Боғистонга энди ўзинг пошшо бўласан, дарвозам синмасин десанг, уни очиб қўйганинг маъқул.

**ЛАШКАРБОШИ.** Ха, ҳозир бозорда дарвозалар анча қиммат.

**ҚОЗИКАЛОН.** Қонунлар мажмуасининг ўнинчи бўлим, тўққизинчи моддасига биноан дарвозангни катта очиб қўявер.

**МАСХАРАБОЗ.** Бир пайтлар одам эдим. (Турганларни кўрсатиб.) Анали кўппакларга қўшилиб, ит бўпкетдим.

**БЕК.** (Очпошшо тарафга чўчинқираб қараб қўяди). Юм оғзингни!

**МАСХАРАБОЗ.** Нима, ишонмаяпсанми? Фарқи шуки, бошқа итлар суяк талашса, булар ер талашади. Буни устига, икки оёқлаб юришнимам би-лишади. Мўъжизани қара!

**БЕК.** Шу гапларингни соҳибқиронга айтиб берайми ҳозир?

**МАСХАРАБОЗ.** Бу ишг бемалол қўлингдан келади. Юртингни сотаяпсан-у, мени сотиш нима бўпти?

**БЕК.** (Пича энсаси қотиб тургач, ғижиниб). Итвачча! Бу кунингдан баттар бўл!

Масхарабоз ирллаб, унга бир ташланиб қўяди. Бек тез чекиниб, даврага кириб олади. Очпошшо атрофдагиларга юзланади.

**ОЧПОШШО.** Бек бизни алдамабди, Боғистон батамом гафлатда. Ҳатто, қалъа соқчилариям ухлаб ётишибди. Ҳозироқ таппа боссакмикан?

**ВАЗИР.** Тўқпошшони вақтида гумдон қилганингиз ажаб бўлди, олампазоҳ. Мана, юрт Маликага қолиб, тартиб бўшашиб кетибди.

**ҚОЗИКАЛОН.** Бошида тожи бўлгандаям, хотин киши — хотин киши-да!

**ВАЗИР.** (Очпошшога). Хашпаш ботирдан чопар келувди, олампазоҳ. У йигитлари билан до-вонда пича ушланиб қолибди. Эрталаб шу ерда бўлармиш. Менимча, етиб келишини кутиб турганимиз дуруст.

**ОЧПОШШО.** Ерга ёруғ тушса, Боғистонликлар бизни пайқаб қолишади. Ҳозир айна пайти. Ғофилларни якка-якка бўғизлашдан қулай нарса йўқ. Кўзи очиқлар билан жанг қилиш хавфли.

**ҚОЗИКАЛОН.** Қонуний гап бўлди, фурсатни бой бермаган яхши.

**ЛАШКАРБОШИ.** Талон-тарожни бошлаб, лашкарларни тезроқ тўйдиришимиз керак.

**МАСХАРАБОЗ.** Бундан чиқди, роса суякхўрлик қиларканмиз-да! (Занжирни узгудек бўлиб, Боғистон тарафга галпинганича хурий бошлайди.)

**ҚОЗИКАЛОН.** Жим бўл, қонун билан эзвор-майин тагин! (Занжирни силтайди.)

**ОЧПОШШО.** Чип! Чип, деяпман! (Бекка.) Бор энди, ука, дарвозангни очиб қўй. (Бек қуллуқ қилиб чиқиб кетади.) Хў, Лашкарбоши, аскарларингни анави дўнглик ортидан айлантириб ўт. Шарпасиз ҳаракат қилинглар. (У ҳам таъзим билан чиқиб кетади.) Э, қандингни ур, доно Очпошшо! Мана, Боғистон панжангда турибди.

**ВАЗИР.** Ғалаба муборак, олампазоҳ!

**ҚОЗИКАЛОН.** Ақлингизга тасанно, олампазоҳ, ҳамма тўпалон қонун бўйича кетяпти.

**ЖОДУГАР.** (Узича). Бу галварсларга Боғистон керак, менга — Гулзор хоним. (Масхарабозга кибор-ла боқиб.) Аҳволлар қалай, олапар?

**МАСХАРАБОЗ.** Кўз теғмасин, малайларникидан дуруст. (Ириллайди.)

**ОЧПОШШО.** Чип! (Вазирга.) Пистирмадаги аскарларинг бошлигини чақир менга.

**ВАЗИР.** (Телефоннинг қулогини бурагач, дастакка гапиряди). Пистирмани ула, ясовул... Пистирмаданми бу? Мен ақду заковатда пошшомиздан кейин иккинчи ўринда турувчи жаноб Вазирман. Ҳозир сен билан биринчи шахсининг ўзлари гаплашадилар. Хўшёр бўп тур. (Дастакни Очпошшога беради.)

**ОЧПОШШО.** (Дастакка). Хў, мол, эшитяпсанми мени? Яна бирпасдан кейин асосий қўшинларимиз шаҳарни дабдала қилади. Энди пистирмага ҳожат йўқ. Сен аскарларингни қалъанинг орқасига олиб ўтиб, қочмоқчи бўлган душманларни битта-битта териб тур. Тушундингми? Бўпти, мени давримда бир яйраб урушвол, ука. (Дастакни қайтиб бериб.) Кетдик, бўлмаса. Музаффар аскарларимиз бизни кутиб қолишмасин. Бориб, уларни ғалаба билан қутлашимиз керак.

Ҳамма велосипедли Очпошшога эргашганича чиқиб кетади. Уларнинг ортидан Тошбобо ва жангчи кийимдаги Гулзор кириб келадилар.

**ТОШБОБО.** Умринг узок бўлгур Маликамиз жуда тадбиркор-да. Юртни худди гафлатда ётгандек кўрсатиб, Очпошшони бошлаб лақиллатди. Мана энди ёв лашкарларининг асосий қисми қалъага қамаб олинди, яксон қилинади. Кейин, қолганларини энгиш осон.

**ГУЛЗОР.** Сизгаям қойил қолиш керак, Тошбобо. Шаҳар бегида доим хавфсираб юрардингиз. У ҳақиқатанам сотқин бўлиб чиқди.

**ТОШБОБО.** Ҳозирча ичидан қувониб юратурсин, ҳали сотқинлик нималигини кўрсатиб қўямиз унга.

**ГУЛЗОР.** Лекин шаҳар беги ўзи сезмаган ҳолда бизга катта ёрдам берди. Евлар унга ишониб, тургимизга осонгина кириб борди.

Узоқдан элас-элас шовқин-сурон эшитилади.

**ТОШБОБО.** (Қалъа тарафга тикилиб). Ана, қалъада жанг қизиб кетди. Қани, юр-чи, Гулзор қизим, бу ёқдаги йигитларнимам шайлаб турайлик. Қалъа орқасига ўтиб олган душманлар қочгудек бўлишса, қўққис зарба берамиз.

Чиқиб кетишади. Велосипедни жон-жаҳди билан ҳайдаганича Очпошшо кириб келади.

**ОЧПОШШО.** (Тўхталиб, қўрқув аралаш ортга йурилади). Аблаҳлар! Қўрқоқлар! Шу молга ўхшаганларга ишониб юрибманми ҳали? Тэйёр овқатни кўрсатсанг, эплаб ейишолмайди-я. Ўргилдим, бунақа сўтаклардан!

Велосипедни яна чираниб ҳайдаганича чиқиб кетади. Телефон қўлтиқлаган Вазир қочиб ўта бошлайди.

**ВАЗИР.** Айтувдим-а Хашпаш ботир келгунча қутиб турайлик, деб. Бунақа ахмоқ пошшога мендек ақлли вазир хайф!

Жодугар қочиб ўта бошлайди.

(Давоми бор)



# МАТБУОТ СЎЗИ

Юбилей — фикрлаш мавридидир. Баъзан ишларимиз ва тақдирларимиз мураккаб, чигал бўлганлиги ҳақида фикр юритамиз. Ҳар қандай ишлар — ҳам қаҳрамонона, ҳам фожиона ишлар, буюк зафарлар ва аччиқ муваффақиятсизликлар бўлди. Биз кизгин яратувчиликнинг етмиш йили ҳақида турмушни революцион ўзгартириш учун ўзининг бутун кучини, социализмнинг бутун буюк кудратини сафарбар этишга тайёр бўлиб турган халқ позицияларида туриб фикр юритамиз.

М. С. Горбачёв.

«Халқ позицияларида туриб фикр юритишда», унинг манфаатларини кўзлашда, аччиқ муваффақиятсизликларга олиб келувчи камчиликлар, нуқсонлар, хатоликлар ҳақида рўйи-рост сўзлашда партиянинг энг ишончли қуроли матбуотдир. Бугун биз кўзбўямачиликка, порахўрликка, қўшиб ёзишларга, халқ ва давлат мулкани талон-тарож қилишларга, она табиатимиз ҳуснига доғ туширувчи, уни оёқ ости этувчиларга, ҳуллас коммунистик ахлоқ принциплари ва нормаларига ёт бўлган барча яроқсиз иш услубига, хунук хатти-ҳаракатларга қарши аёвсиз кураш бошладик.

Булар шубҳасиз таҳсинга лойиқ ишлар. Лекин бундан бир неча йиллар илгари, турғунлик деб аталган даврга ҳам бу нуқсонлар тилга олинган, айтилган эди. Афсуски, республикамиз «шухрат»ини тушириб юборишни истамаган айрим раҳбарларнинг хоҳиши ва таъйиқи остида бундай фожиаларнинг олди олинмаган, унга қарши шафқатсиз кураш бошланмаган эди.

Бугун босиб ўтган етмиш йиллик тарихий йўлимизга назар ташлаганимизда улкан муваффақиятлар билан бир қаторда содир бўлган «фожиона ишлар, аччиқ муваффақиятсизликлар» ҳақида ҳам рўйи-рост гапиряпмиз. Чунки катта фожиаларнинг охири, аччиқ муваффақиятсизликларнинг ниҳояси халқ нидосига қулоқ солмаслик, унинг матбуот орқали куйиниб билдирган мулоҳазаларига эътибор қилмаслик оқибатида шаклланыпти.

Хўш, бугун «Халқ позицияларида туриб» унинг манфаатларини кўзлаб, ўртага ташланаётган мулоҳазаларга, танқидий фикрларга бевосита мутасадди ташкилотлар, айрим партия ва давлат ходимлари, раҳбар ўртоқлар қандай муносабатда бўляпти?

Бугун матбуот сўзига муносабат қайта қуриш даврида, ҳар биримиз ўз ичимизга танқидий назар билан ёндошаётган бир пайтда, сўз билан иш бирлиги талаб этилаётган, ваъданинг натижалари назорат қилинаётган бир чоғда яна ўша эскича иш услубини қаттиқ ушлаб турганлар, ёки ўзларини қайта қуриш руҳига мослаб, гўё уни бутун борлиги билан қўллаб-қувватлаётганга ўхшаб кўрсатиб, амалда яна расмиятчиликлар йўлидан бораётганлар йўқми?

Афсуски, матбуотнинг фикрларига, танқид ва эътирозларига бефарқ қараётган, унга чучмал, пала-партиш жавоб бераётган, ҳатто ҳеч нарса сезмагандай сукут сақлаётган ташкилотларнинг раҳбарлари ҳар қадамда учраб турибди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов «Қишлоқдаги фожиа» («Литературная газета» 1987 йил, 19 август) номли мақоласида бугунги қишлоқларимиз ҳақида ёзилаётган қанчадан-қанча мадҳияномалар, айтилаётган баландпарвоз кўшиқлар, офаринларнинг пардасини бир чеккага суриб, унинг аянчли дардини иттифоқ ўқувчиларига сўзлаб берди. Унда бугуннинг жиддий проблемалари билан бир қаторда, зарур мулоҳазалар, айрим ташкилотлар адресига аччиқ танқидий фикрлар айтилды. Айниқса қишлоқ аёлларининг дарди, аниқроғи уларнинг фожиаси раҳбарларнинг виждонига ҳавола этилди.

Аммо ёзувчи орадан анча муддат ўтгач, «Литературная газета»га келган мактубларнинг баъзиларини эълон қилар экан, қуйидаги ҳақиқатни ҳам афсус билан таъкидлади: «...Лекин бу оғир аҳволини тузатиш, хотин-қизларнинг турмуши, саломатлиги, меҳнат шaroитларини яхшилаш йўлида муайян бир иш қилиндими? Мутасадди ташкилотлар, област ва районлар, совет ва хўжалик раҳбарлари бирон тадбир кўрдиларми?»

Афсуски бу тўғрида бирор яхши гап, на бирор ижобий жавоб олинди. Ҳатто касабга союзлар со-

вети, социал таъминот ва соғлиқни сақлаш министрилиги каби аёллар турмушига даҳлдор ташкилотлардан ҳам садо йўқ. Аёллар учун қайғуриш виждон бурчи бўлмиш аёл раҳбарларчи? Улар ҳам жим-жит!» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1987 йил, 11 декабрь)

Мана сизга «Литературная газета»дай обрўли матбуот органига республикамиздаги мутасадди ташкилотлар ва раҳбарларнинг бераётган жавоби!

Энди биз, республикамизнинг бошқа матбуот органлари, марказий матбуот сўзигаки, Ўзбекистон халқ ёзувчисининг чиқишигаки муносабат шу бўлса, «бошқаларга йўл бўлсин» тарзида иш тутамизми?

Йўқ, матбуот сўзи осмонга бенишон отилдиган ўқ эмас. Унинг кудратли кучи, ҳақиқат деб аталган эътиқодга юксак ишончи бор. Бу ишонч, бу кудратли куч туфайли матбуот ҳар қандай хотиржамликка, ҳар қандай лоқайдликка қарши аёвсиз ўт очиб келган. Бугун ошкоралик ва демократия шiori росмана тантана қилиш лозим бўлган бир пайтда унинг кудратли кучи янада залворли бўлиши аниқ.

Биз «Еш куч» («Молодая смена») журнали редакцияси коллективи иш столимизда унинг бир йилдан зиёд ўтган йўлига назар ташлаб, журнал саҳифаларини варақлаймиз. «Халқ позицияларида туриб» унинг манфаатлари йўлида нималар айтганимизни кўздан кечирамиз. Айни пайтда матбуот сўзига, журналимиз билдирган танқидий мулоҳазаларга турли мутасадди ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари қандай акс-садо берганини кўз олдимишга келтирамиз. Уларнинг айримлари бизнинг сўзимизни эшитиб эшитмаганга олаётганидан, сукут сақлаётганидан, жим-житлиги, хотиржамлигидан сергак тортамиз. Юборилаётган мантисиз, юзаки жавоблардан эса қониқмаймиз.

Сир эмаски, газета ёки журнал саҳифасида бирор танқидий материал эълон қилинса, кўп ўтмай лозим ташкилотларга редакция томонидан мактуб юборилади. Айни пайтда мутасадди ташкилотнинг бирор раҳбар ўринбосари томонидан: «Газета ёки журнал саҳифасида эълон қилинган материал билан танишиб чиқдик, фактлар асосан тасдиқланди, пустон-писмадон ишларни йўлга қўйиш палончиларга топширилди, ўз ишига совуққонлик билан қарагани учун пустончи ходим лавозимидан пасайтирилди, пустончилар эса йиллик мукофот пулидан маҳрум этилди» деб хат юборилади. Бундай мактублар эски иш услубининг, расмиятчилик ва қорғозбозликнинг намунаси сифатида редакция тортмаларида турибди. Аслида, ҳеч бўлмаса шу расмиятчилик учун ёзилган хатдаги ишлар амалга оширилганими, йўқми, бу билан ҳам ҳеч кимнинг иши бўлмайди, суриштирилмайди. Натижада танқиднинг оқибати текширилмагач, қорғозбозликка ўрганиб қолган ва бу ишнинг ҳавосини олган одамлар дўндириб жавоб ёзиб ташлашади. Агар редакциялардан сўров талаб этилмаса танқид исзис, ном-нишонсиз қолиб кетади.

Биз бугун журнал саҳифаларини варақлаб, ишларимизга назар ташлар эканмиз, ҳар қандай расмиятчилик ва муросасизликни ёдимиздан чиқариб, матбуот сўзининг кудрати ҳақида бош қотирамиз. Ҳар бир танқидий чиқишнинг беиз қолиб кетмаслиги учун ўзимизни сафарбар етамиз.

Журнал саҳифаларида ўсмирлар тарбияси, унинг муаммолари, мактаб ҳаёти ҳақида қатор мақолалар, суд очерклари эълон қилинди. Ахир дилимизни вайрон этиб, мактаб ўқувчилари қора курсида ўтиришибдику?

Журналнинг 1986 йил 6-сонида «Топбағирлик... у қандай пайдо бўлади?» номли суд очерки эълон қилинган, унда Акмал Икромов районидagi (халқ маориф бўлимининг мудири Ю. Эргашев) 77-мактабда (мактаб директори М. Юманкулова) таълим олган айрим ўқувчиларнинг жиноят кўчасига кириб кетгани, уларнинг зўравонлик қилиб, ўз синфдошларини дўшослаб, таҳқирлаганликлари ҳақида ёзилган эди.

Бизга келган жавобда эса масаланинг моҳиятига етарли эътибор берилмаганлиги маълум бўлди. Биз бу масалага чуқурроқ қаралиб, журналхонларни қаноатлантирадиган жавоб берилишини кутамиз.

Маълумки, журналимиз ўз йўналишига кўра асосан ўсмирлар турмушини, уларнинг катта ҳаёт йўлига қадам қўйиши билан боғлиқ муаммоларни, юқори синф ўқувчиларининг тарбиясига тааллуқ-

ли масалаларни, мактаб ислохотининг амалдаги натижаларини ёритишни ва бу борадаги жиддий камчилик ва нуқсонларни очиб ташлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Шу ниятда журналнинг 1987 йил саҳифаларида «Ўзбошимчилик ва унинг оқибати», «Жиноятнинг илдизи қаерда?» (6-сон), «Зўравонлар» (8-сон), «Жиноятнинг боши берк кўчасида» (9-сон), «Мактаб ислохоти ҳақида мулоҳазалар» (1-сон), «Мақсад жазолаш эмас» (2-сон) каби суд очерклари ва танқидий мақолалар эълон қилинди. Уларда ўқиш ва таълим тарбияга оид муаммолар кўтарилди, камчилик ва нуқсонлар айрилди.

«Жиноятнинг боши берк кўчасида» номли мақолада 8-СПТУ ҳамда 186-мактабда таълим олаётган ўқувчиларнинг Чилонзор Оқтепасидаги магазин ва ошхоналарга ўғирликка тушиб келганлиги, уларнинг жиноят устида қўлга тушгани ҳақидаги аянчли фактлар очиб ташланган эди.

Мақола муаллифи ўқувчиларни жиноятнинг боши берк кўчасига кириб қолаётганини кўрсатиш билан бирга унинг «ривожига» сабаб бўлаётган омилларни, ошхона ва магазин ходимларининг «Мен сенга тегмай...» қабилидаги ноҳўя ишлардан куйиниб: «Шуниси қизиқки, ошхона ва дўкондаги ўғирлик ҳақида милицияга расмий хабар тушмаган. Хўш, нега улар жиноят ҳақида индашмади? Кимнинг ҳисобига хотамтойлик қилинди?» деб ёзди.

Биз Октябрь район ошхоналар трестига қарашли 10-«Лағмон» ошхонасига борганимизда бригадир ошпаз О. Иноғомжонов ўғирлик воқеаси содир бўлгандан кейин келганини айтди.

— Шундай воқеа бўлганми? Тасдиқлайдиган одамлар борми?

— Бор, бор.

Хонага пазандалар А. Ҳақимов ва А. Маҳмудовлар кириб келди.

— Ошхонангизга ўғри тушиб «Весна» магнитофонингизни олиб чиқиб кетган экан, шу ростми?

— Шундай, олиб чиқиб кетишган эди.

— Нега милиция органларига хабар бермадинглар?

— Магнитофон шеф поваримиз Собир Одилонинг ўзиники эди.

— Магнитофон ўзиники бўлса ошхона ўзиники эмасдир?

— Шундай, биз билмадик.

— Собир Одилон ўзи борми?

— Йўқ, бўшаб кетган.

Октябрь район ошхоналар трестидagi раҳбар ўртоқлар бундай номаъқулчиликка бефарқ қарасалар, «ўғрини қароқчи урди» тарзидаги ишларнинг қачон олди олинади?

Журнал саҳифаларида маданий ҳаётимиз, ёшларнинг маънавий олами, унинг чигал муаммолари ҳам қаламга олинди. «Йўл бошида адашганлар», «Ўз тенгимни ахтараман» (4-сон), «Ирода мўрт бўлганда», «Етим болалар қаровсизми?» (11-сон) каби тарбиявий-ахлоқий мавзудаги мақолаларда худди шу долзарб проблемалар кўтарилди. «Йўл бошида адашганлар» мақоласида Қўқондаги 48-билим юртида таълим олаётган, чиндан ҳам йўл бошида адашган, тақдирлари мураккаб бўлган, ҳаётнинг аччиқ синовларига бардош беролмаган, кучи етмаган, баъзан ноилж қолганида «до!» деб ҳайқариб юборган қизларнинг нидолари ҳикоя қилинади.

Бу мавзу неча замонлардан буён «социалистик давримиз учун типик бўлмаган» ҳодиса сифатида айтилмай, устига қора парда тортилиб кўтарилмай келинаётган масалалардан бири эди.

«Ўз тенгимни ахтараман» мақоласида ҳам вужуди армон билан тўлган, бахтини тополмаётган бокира қизнинг дарди ўқувчиларга баён қилинди.

Маъмур мақолалар чоп этилгандан сўнг ўқувчилардан келаётган хатларнинг оқими тўхтамади, жамоатчилик эса кескин фикрларни айтишдан чўчимайди. Лекин, яна бевосита ёш авлод тарбиясига алоқадор бўлган педагоглар, маориф соҳасидаги раҳбар ўртоқлар бу чиқишларга ўз муносабатларини билдиришлардан четда турдилар.

Айрим танқидий мулоҳазалар, ошқора эътирозлар зарур ташкилотларнинг раҳбарлари диққатига очиқ-ойдин айтилди. Еш мусаввир Гулнора Раҳмонованинг «Шухрат Абдурашидов ёшидан ўтиб бормоқдамиз» (7-сон) мақоласи «Ўзбекистон ССР Рассомлар союзига, союзининг област бўлимлари ва республика Маданият министрлигига зар-



дали мактуб» иловаси билан эълон қилинди. Чиндан ҳам ёш рассомнинг дарди аччиқ ҳақиқатдан иборат эди. У: «Уз дардимни айтиб йиғлашдан тортинмайман: Тошкент театр ва рассомчилик институтини тамомлаганимга беш йил бўляпти. Эмин эркин ижод қилиш истаги мен учун ҳам улкан орзу. Ертўлалардан, чордоқлардан устахона кидирганман. Уй-жой бошқармалари бошлиқларидан устахона учун жой сўрайвериш уларнинг кўзига ёмон кўринганман. Яхшими-ёмонми тайёр полотноларим бировларнинг ҳовлисида ёмғир остида қолган» деб ёзади.

Аслида бу Гулноранинг шахсий нолаисига эмас, кўпчилик ҳамкасбаларининг дарди ҳам эди. Шунинг учун у мақоласини: «Ленинграддаги бадий академияни тамомлаган Қобил Одилов, Эдуард Равилов, Москвадаги Олий бадий мактабни битирган Фофур Қодировлар ҳам ҳамон устахона билан таъминланмаган. Ёш ҳайкалтарошларнинг етакчиси Азамат Хотамов эса (у ҳам Ленинград бадий академиясида таҳсил олган) ўзи топган ертўлани устахонага айлантирган. Ҳайкалтарош устахонасида ижоддан кўра кунора ёмғир-сочин ёки канализация қувурлари ёрилишидан «бостириб» келадиған сувга қарши курашиш билан овора» деб давом эттиради.

Шубҳасиз юқорида дардини айтаётган Гулнора ҳам, унинг ҳамкасблари ҳам ёш истеъдод эгаларидир. Истиқболда халқ фахрланса арзийдиган асарлар яратишга қодир бўлган мусаввирлардир. Унинг устига улар мақола муаллифи ёзганидай «минглаб, юзлаб ҳам эмас, ниҳоятда бир неча ўн кишигина холос», шундай экан бу муаммони наҳотки ҳал қилишнинг имкони йўқ деб ўйлаймиз. Унинг устига бу дард бугунги, кечаги дард эмас. Ёш мусаввирлар қўлига мўйқаламини ушлабдики, мана шу ташвишнинг орқасида овора. Шундай экан Ўзбекистон маданият министрлиги, айниқса Ўзбекистон Рассомлар союзининг раиси ўрғок Баҳодир Жалолов буларга бош-қош бўлиши керак эди. Афсуски шундай бўлмаяпти.

Агар ёшларнинг арзи-додига муносабат шундай давом этаверса, ёш мусаввирларни шу аҳволга солиб қўйиб, нега бизда иттифоққа танилган рассомлар кам деб маъруза қилаётган, шахмат деб аталган ўйинни сатранж деб ардоқлаб, неча аср-

лардан буён ўйнаб келаётган юртда биронта шахмат мактабини ташкил қилмай, гроссмейстерлар талаб этаётган, спорт майдончаларини чакалазорга айлантириб, нега биздан жаҳон чемпионолари етишиб чиқмаяпти, деб аюҳаннос солаётган раҳбарларнинг гапига ким ишонади деб айта оламиз.

Мустафо ва Мирзо Давлатовларнинг «Адолат борми ўзи?» (9-сон) деб, куйиниб-ёниб ёзган мактубини ўқиган ҳар қандай одам ҳам унга бефарқ қарамаса керак деб ўйлаган эдик. Ахир икки норасиданинг бирини бир умрга ногирон қилиб қўйган, яна бирининг бевақт оламдан ўтишига сабаб бўлган отасининг эрка ўғли Уткир Жўраев «балогат ёшига етмаган» деган баҳона билан жавобгарликдан четда турибди.

Мазкур мақола эълон қилингандан кейин Бухоро область прокурорининг ўринбосари, юстиция катта маслаҳатчиси Ф. М. Конновдан жавоб хати олдик.

Мактубда таъкидланишича Ғиждувон район ички ишлар бўлимининг терговчиси Ж. Собиров юқоридаги иш билан танишиб чиққан. Ниҳоят терговчи (У. Жўраев 1970 йил 28 августда тугилган, жиноят 1986 йил, 24 августда содир бўлган). У. Жўраевга нисбатан жинойи иш қўзғатиш лозим деб топмаган. Натижада терговчи Ж. Собиров ўз ишига совуққонлик билан қараган, совет қонунчилигини ҳимоя қилмаган.

Бухоро область ички ишлар бўлими жабрланувчиларнинг аризасига биноан ўзининг оператив йиғилишини чақириб, Ж. Собировга совет қонунчилигини бузгани учун «қаттиқ огоҳлантириш» эълон қилган. Адолат юзасидан ўйлайлик ахир. Бу қандай «огоҳлантириш» бўлди. Наҳотки Совет қонунчилигини бузгани учун (яна у қонунни ҳимоя қилиши лозим бўлган одам бўлгани ҳолда) «қаттиқ огоҳлантириш» билан иш ниҳоясига етса?

Хатда таъкидланишича терговчи Ж. Собиров олиб борган тергов иши нотўғри деб топилиб, тергов А. Раҳматовга топширилган. У ҳам худди шундай хулосага келган. Уртада авария натижа-сида қаттиқ жароҳатланган Исо Давлатов 1987 йил 7 августда вафот этган. Ниҳоят терговчи А. Раҳматовнинг хулосалари ҳам рад этилган. Ҳозир мазкур иш Бухоро прокуратурасининг на-

зоратида бўлиб, қўшимча текширишлар кетаяпти экан.

Ниҳоят фожиа содир бўлиб, Давлатовлар бошига мусибат тушгандан буён бир йилу уч ой муддат ўтибди. Шунча вақт мобайнида Давлатовларнинг: «Адолат борми ўзи?» деган нидосидаги адолат қарор топмабди. Энди яна бу иш қайта текшири-лаётган, Бухоро область прокуратурасининг назоратига олинган экан, биз ҳақиқат деган сўзнинг таитанасини Бухоро область Ички ишлар бошқар-маси, область прокуратураси ходимлари виждони-га ҳавола қиламиз.

«Кооператив, якка тартибдаги меҳнат, ютуқлар, муаммолар» (10-сон) мавзусидаги мақолада ҳам бу-гуннинг долзарб масаласи қаламга олинган эди. Айрим қарорларнинг ҳаёт талаби ва маҳаллий шароит билан унча ҳисоблашмай ижро этилаёт-ганлиги, худди шу соҳанинг «кичик», «оддий» масъул ходимларининг икромори асосида баён этил-гани. Афсуски, яна мутавадди ташкилотлар жа-сорат кўрсатиб, ҳақиқатни ойдинлаштиришга бош-қош бўлишни хоҳламаяптилар.

Шундай, журнал саҳифаларини varaқлагани-миз сари, матбуот сўзига мана шу тарзда лоқайд муносабатда бўлаётганларга кўпроқ юзма-юз кел-дик. Лекин лоқайдликка, сукунатга тоқат қилиш-нинг ҳам, расмиятчилик, қоғозбозликка чидаш-нинг ҳам чеки бор ахир.

Ҳозир бутун мамлакатимизда ҳукм сураётган демократия ва ошқораликнинг таитанасига комил ишонадиган бўлсак, агар матбуот сўзини халқ овози, партия қуроли деб тушунсак иш услубимиз-даги барча яроқсиз иллатларга қарши аёвсиз курашишга тўғри келади. Ва яна биз ҳар бир ташкилот ўз адресига айтилган танқидий фикр-ларга жамоатчиликни «тинчитиш»га уринадиган таскиннамо жавоблар ёзиш билан овора бўлмай, ҳақиқатни тиклашга интилиши, камчиликларни тузатиш йўлларини топишлари керак деб ўйлай-миз. Негаки бугуннинг талаби шуни тақозо эта-япти.

Еқуб ЯКВАЛХУЖАЕВ



Мирпўлат МИРЗАЕВ

## Орол

Орол биздан ранжиди,  
Кўрди жабр-хиёнат.  
Кетиб борар энди у,  
Чекингандек диёнат.

Соҳилда энди сувлар  
Эркаланмас эрта-кеч  
Еки солиб қутқулар,  
Ғалаён ҳам қилмас ҳеч.

\* \* \*

Шу ёруғ дунёда шукрона айтсам,  
Авалло мен сизни қилажакман ёд.  
Тушганда бошимга гоҳ маломат-ғам,  
Сизни эсга солар шундоғам ҳаёт.

Азиз айёмлару бегим кунларда  
Тавоф этадирман мен сизни бирдек.  
Меъёру ҳад аён ҳамма нарсада,  
Фақат эҳтиромим менинг билмас чек.

Ўзи меҳрдан ҳам не бор улғуроқ —  
Еғдуга чулғар у қалбдаги унни.  
Сизга садоқатда кўраман ҳар чоқ  
Инсон умридаги энг чўнг мазмунни.

Онажон, яшадим демам мен мутлоқ  
Сизни ёд этмайин ўтказган кунни.

Қудратидан айирдик.  
Синагандек саботин,  
Дарёларни қайирдик,  
Қайиргандек қанотин.

Аждодлардан биз учун  
Мерос эди пок-зилол.  
Не ажаб, у ушбу кун  
Қуриб борар бемалол.

Табиатнинг ғамин еб,  
Эҳ, ёнмадик, тутадик.  
Онани мутагандек  
Биз Оролни мутадик.

Энди унда акс этар  
Тегра дунё тунд, ғариб:  
Тунлар само қисқарар,  
Кундуз осмон қисқариб...

Жазирама. Чор ёқдан  
Қуришаб келар самумлар  
Ва қақшаган қирғоқдан  
Шўр кўچار, кўچار қумлар.

Боғларинг бу офатдан  
Қуриб кетса, не ажаб!  
Юртингни у заминдан  
Суриб кетса, не ажаб!

На афсона бу, на фол —  
Бор гап, гумон этмагил!..  
Шафқат қилгин, эй Орол,  
Бизни ташлаб кетмагил!

Бас, унга сўз берайлик,  
Қилмаймиз деб хиёнат.  
Денгиз ўлмас — қайдаки  
Тирик бўлса диёнат!

\* \* \*

Туғилган юртимни муқаддас англаб,  
Она, номингиз-ла қўшиб атайман.  
Сизга топингандек — ҳар қандоқ дамда —  
Мен унга фидойи бўлиб яшайман.

Танҳодир дунёда мўғтабар элим,  
Тонмоқликка наҳот бордир баҳона?  
Тоабад мен унга эҳтиром қилиб,  
Номингизни қўшиб атайман, она.

Менга ифтихордир на мулк, на бисот,  
Аммо сиздан мерос буюк тилим бор.  
Онажон, у менга — тириклик, ҳаёт,  
Онам тили дея қилгум ифтихор.

Юртим, элим, тилим демас бўлсам мен,  
О, арзир — яшайдан кўра ўлсам мен!

\* \* \*

Ҳалол яшамоғим шарт энди менинг,  
Токи ғуруримга қўнмасин ҳеч гард.  
Ўзимга масъулман ҳар қалай, лекин  
Онам шаънини ҳам ўйламоғим шарт.

Онғ ичгум — бўлурман ҳаргиз очикқўл,  
Лутфим аямасман ғанимдан ҳатто.  
Гарчи ўзимга-ку эмасдир мақзул,  
Бу ишим онамга хуш келур аммо.

Эзгуликни дерман мен энди минбаъд,  
Феълимда каж ҳислат токи йўқ бўлсин.  
Ғам-малол чекмасин ҳеч қачон мен деб,  
Токи онам кўнгли мандан тўқ бўлсин.  
Токи яхшилар-ла эш бўлсин отим,  
Онам ифтихори бўлсин ҳаётим!



# УЛГАЙИШ

Валерий ГУСЕВ

ҚИССА

— Кетдик,— қатъий равишда деди Равшан. Йўл чеккасида турган «Жигули»дан қоронғида бир кимса уларга яқинлашди.

— Ҳой, бўғирсоқ! — бақирди нотаниш овоз.— Нима, ўз дўстларингни танитай қолдингми? Равшан билан Юсуф тўхтадилар.

— Қарзингни берасанми? — деб сўради келиб қолган йигит. Бўйи баланд, ориқ чўтир юзидан сурбетлиги кўриниб турарди. Нима, тилингни ютвордингми? — У Юсуфга яқинлашиб кафти билан имо қилди.— Қани чўз, пулни, чўз буёққа! — Қарзинг бормиди? — сўради Равшан Юсуфдан.

Юсуф кўрқиброқ «йўқ» дея бошини қимирлатди. — Сен булбулигўё қаердан чиқиб қолдинг? Калтак ейишни хоҳлаб қолдингми? — деб сўради чўтир ва Равшаннинг елкасига туртди.

— Хоҳлаб қолдим! — деди Равшан ва ўша заҳоти чўтир йигитни бир туширди.

У зарбадан бир тебранди-ю, орқага сакраб бақирди:

— Макся! Вах! Буёққа!

«Жигули» эшиклари очилди-ю, машина ичидан одамлар югуриб келишар эди.

Биринчи яқинлашиб қолганини Равшан урди, кейин ўзи зарбадан қочди, яна урди — яқинроқ туриб қолганини яна туширди. Ўзига тушаётган зарбалардан у боксчилар каби ҳимояланар, росмана муштлашарди.

— Тўхтаг, ушлаб туринглар, бу қанжикни, — бақирди чўтир. — Мен уни сўйиб ташлайман!

— Юсуф! Орқамга туриб ол! — деб Равшан ўғирилган эди, Юсуфнинг кўчанинг нариги тарафда югуриб қолаётганини кўрди. Бошига теккан зарба Равшанни асфальтга йиқитди. Уни роса уришгач, кўтарилишга ҳам мадори қолмаган Равшан ҳушидан кетаётган маҳали қулоғига «Вах! Рулга ўтир! Қуён бўламиз!» деган гаплар чалинди.

\* \* \*

Равшан кўзини очди. У касалхонада ётар, бошига бинтлар бойланган эди. Енидаги санитар кампир тўқиб ўтирган нарчасини тиззасига қўйиб мудраб ўтирарди. Тураман, деб ҳаракат қилган эди, аммо қаттиқ оғриқдан инграб яна ёстиги тушиб кетди.

— Ётавер, ётавер,— чўчиб кетди кампир ва бош тагидаги ёстиқларни тўғрилади.— Сан бечорани аямасдан уришибди-я, ярамаслар! Хавотирланма... ҳаммасини туттишибди... Уртоғинг тун бўйи навбатчилик қилди. Ҳозиргина кетувди... Дарсга деб... Кундузи эса кўпчилик бўлиб келишди...

— Юсуф,— аччиқ-алам билан пичирлади Равшан лаблари қуруқшаб.

\* \* \*

— Гап бундай,— деди Равшанга терговчи,— мен сенга фотосуратлар курсата бошлайман, сен эса эслаб олишга ҳаракат қил: булардан кимларни танийсан.

Равшан суратларни кўриб бошини сарак-сарак қилиб ўтирган эди: йўқ, йўқ, йўқ... тўсатдан Бахтиёрни таниб қолди.

— Уни танийсанми? — кўзини катталашиб кетганини кўриб сўради терговчи ва фото орқасидаги ёзувни ўқиди.— Бахтиёр Сафаров.

— Йўқ,— деб жавоб берди Равшан ва деворга қараб ўғирилди.

Терговчи бирпас индамади.

Кейин айтди:

— Хўп, майли. Собиқ синфдошингни таниманг, унда сенинг соғайиб кетишингни кутамиз.

\* \* \*

— Бу мен, мен ўзим! — деб гапирган эди йиғлаб ўтирган аёл.— Мен ўзим ҳаммасига айбдорман!

(Охири. Боши ўтган сонларда.)

Енида бир катта гавдали эркак бошини иккала кўли билан чангаллаб ўтирар эди.

— Тинчланинг,— деди терговчи аёлга бир стакан сув узатиб. У стакандан бир хўплади-да сўзида давом этди:

— Тушунасизми, Бахтиёржон бизда жуда кеч туғилган. Олдин эрим диссертацияни ҳимоя қилиш керак эди, кейин — мен. У туғилганида мен оналик олдида ҳамма нарса беҳудалигини тушундим. Касал бўлиб қолганида эса, ақлимдан озиб кетаман дедим... Кейин у каттароқ бўлиб қолди. Ҳеч нарса аямадик...

— Аммо бузилиб кетишини пайқаманганингизга ишонгим келмапти.

— Пайқаган эдик. Фақат буни ёш ўзгаришидан кўрдик. Узингиз биласиз — бугунги ёшлар бутунлай бошқача одамлар. Машинани мактаб тугатишга олиб берамиз деган эдик, кейин институтга киргандан сўнгга кўчирилди, чунки балоғатга етмаганларга машина ҳайдаш ҳуқуқи берилмас экан. Аммо у, машина обертасаларинг мактабни ташлайман, деган гапда туриб олди. Ундан ташқари, қандайдир ярамас ўртоқлар орттирди, чека бошлади, ичишни ўрганди... Машина олиб берсангиз ҳаммасини ташлайман деган гапига лаққа ишонимиз.

— Кўриб турибсизлар-ки, унисини ҳам, бунисини ҳам қилгани йўқ.

— Виз нима қилишимиз керак энди? Нима?... — сўради Бахтиёрнинг ойиси.

\* \* \*

Касалхонадан қайтган Равшан каравотида ухламасдан Камолани касалхонага келган дамларини ўйлаб ётган эди. Юсуфнинг каравоти тарафдан қандайдир пих-пих деган овозлар эшитилди. Равшан бошини кўтариб бу сафар йиғи товушини эшитгач, ўрнидан туриб Юсуфнинг олдида борди.

— Сенга нима бўлди? — сўради Равшан.— Бирор нарса бўлдимми?

Юсуф жавоб бермасдан бошини қимирлатди. — Тўғрисини айтмайсанми? Инглама!

— Биламан, биламан,— йиғлаб гап бошлади ўртоғи.— Номардлик қилдим, сени ўшанда ташлаб кетиб... — Юсуфнинг бурни пишиллади.

— Аблах эканман... Аблах!

— Қўй, ҳартугул милицияни чақирибсан-ку. Улар етиб келмаганда шўримга шўрва тўкиларди, тамом бўлардим. Садқан кўз ёшинг! Ундан кўра ухла!

Равшан жойига қайтди. Юсуф ҳам тинчланди. Фақат вақт вақти билан чуқур уф тортиб турди.

\* \* \*

Шукур Ҳайдарович завод директорининг кабинетида ўтириб, анчайин гапларни эшитиб турган эди.

— Безориларингизни жудаям талтайтириб қўйибсизлар,— газабланиб гапира кетди директор.— Бизнинг хўжалик ҳовлимизга кириб, тўғри келган нарсани олиб кетишар, халқ мулкани талон-тарож қилишаркан.

— Бўлмаса нима сабабдан сизлар бу мулкни машиналар қабристонига сақлабсизлар? — сўради Шукур Ҳайдарович.— Болаларимиз ёмон ниёда эмас, янгилик яратамиз деб ўша ёққа киришган экан. Ҳақиқий мулк бўлгандан кейин уни тузукроқ сақламайсизларми?

— Бу сизларни ишингиз эмас! — жаҳли кўзиди директорнинг.

— Кимники бўлар эди? Халқ мулки-ку. Менда таклиф бор: ўша «қабристон»ни бизга беринглар. Ваъда бераман, икки йилдан кейин машиналарингизни юргизиб берамиз. Фақат текинга эмас, хўжалик шартномаси асосида албатта.

Завод директори Шукур Ҳайдаровичга синовчан тикилди:

— Ўйлаб кўриш керак экан буни,— деди у вазминлик билан.

— Лекин яна бир шarti билан,— давом этди Шукур Ҳайдарович, чўнтагидан қандайдир икки букланган қоғозчани олиб.— Мана бу керак бўладиган эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар рўй-

хати. Буларни сизлар таъминлаб беришларинг керак.

Директор диққат билан қоғоздагиларни ўқиб чиқди-да, тўсатдан Шукур Ҳайдаровичга таклиф қилди:

— Биласизми, менга участка бошлиғи бўлиб ишга борасизми? Ойлигингиз ҳам кўпаяди. Фақат бирдан жавоб берманг, ўйлаб кўринг!

— Ўйлашнинг ҳожати йўқ,— Шукур Ҳайдарович ўрнидан турди.— Таклифингиз учун катта раҳмат... Аммо мен ўша... безориларимга ўрганиб қолувдим. Уларни қутқариш учун милицияга кўнғироқ қилиш эсингиздан чиқмасин. Илтимос! — Мана, ҳозир кўнғироқ қиламан! Ҳозир! — деди директорни чеҳраси очилиб телефонни кўтарар экан.

\* \* \*

Мактаб ўқувчиларининг бир гуруҳи завод вакили етовида цех бўйлаб боришар эди. Гурӯҳда Темур, Генка, Сурен ва яна Равшаннинг бир неча собиқ синфдошлари бор эди.

Равшан токарлик дастгоҳи олдида ишлаб турган эди.

— Равшан! — бақириб қолди Генка.— Дўстлар, бу Равшан-ку!

Равшан дастгоҳни тўхтатди, болалар уларнинг атрофини ўраб, қўлини қисиб елкаларига туртиб қўйишди.

— Жудаям яхши,— жилмайди завод вакили,— мен бўлсам сизларни таништирмаман дедим. Хуллас, гап шундай болалар. Практиканинг биринчи босқичини сизлар мана шу ўртоқларинг бошчилигида ўтасизлар.— У Равшанга қараб кўз қисди.— Муваффақият тилайман!

— Қани Равшан ака,— сал эркалик билан деди Генка ва чидамасдан кулиб юборди,— ўргат энди бизни!

— Демак, гап бундай,— озгина тўхтаб кейин гап бошлади Равшан.— Бу мактабимизда турган дастгоҳга ўхшаш оддий токарлик дастгоҳ...

— Фақат мактабдагиси ишламасди,— қўшиб қўйди Генка.— Бироз мураккаброқ нарсалар йўқмикан сизларни фирмаларингизда?

Сурен жаҳли чиқиб, Генкадан ҳалақат бермаслигини сўради-да, кейин Равшанга қараб:

— Давом этавер, Равшан, қулоғимиз сенда,— деди.

— Хўп, майли,— деди Равшан.— Энг ибтидоий нарсалардан бошлаймиз: деталь қандай ўрнатилди.— Қани, сен кўрсата қолгин,— деди у Генкага.— У лом-мим деёлмади. Озгина кутган Равшан қўлига асбоб олиб кўрсата бошлади.

Собиқ синфдошлар унинг атрофини ўраб олишди.

\* \* \*

Танаффусда улар нон билан қатиқ ичиб олишди. Равшан, Сурен, Генка ва Темур ўтирган гурӯҳга Юсуф билан малласоч қўшилишиб қолишди. Юсуфнинг қўлидан уч шиша қатиқ билан кулча нонлар бор эди.

— Оббо, ҳарбий-эй, қотириб ташладинг-у! — Юсуфга қараб хитоб қилди Генка.

— Ким қандай ишласа, ўшанга яраша ейди-да,— вазминлик билан жавоб қайтарди Юсуф.

— Сенда болалар боғчаси қалай, эпшляптими? — сўради Равшандан малласоч.— Меникилар ҳаммаси тўнка экан, ҳеч вақо тушунишмайди!

— Жудаям катта кетворманг, акаси! — Равшаннинг ўрнига жавоб қайтарди Генка.— Гувоҳномалар барибир бир хил бўлади, оғайни. Сизлар бизга дарс берган тақдирда ҳам.

— Йўғ-э?! — ишонмади малласоч.

— Ҳа, да! Ямб, қани ҳисоблаш марказингни ишлатиб айт-чи, практикага бизга қанча соат ажратилган?

— Икки юзу йигирма, икки юзу қирқ соат атрофида,— деди Темур

— Сизлардачи? — Генка малласочга қараб ўғирилди.

— Уч мингдан ортиқ.



— Гувоҳнома бир хил бўлгандан кейин, маъни-си қаерда экан? — кўзаларини олайтириб сўради Генка.

— Бу маориф сирларидан биттаси, — деди Равшан. — Қатигингни ичсанг-чи ундан кўра.

\* \* \*

Шукур Ҳайдарович Маориф министрлиги, ҳунар техника таълими Давлат комитети томонидан уюштирилган конференцияга шошилиб кетаётган эди. Конференциянинг мавзуси ҳар галгидек — ўсмирлар ҳақида эди.

«Тўғри, — йўл-йўлакай ўйлар эди Шукур Ҳайдарович, — буларнинг бошқача бўлиб ўсиб келаётганлари учун нима айблари бор? 20 нчи, 30 нчи йиллар авлодлари билан солиштирмасам ҳам бўларкан. Уларга ўзимизнинг урушдан кейингиларни ҳам таққослаб бўлмайди. Тўғри-да, улар очарчиликни кўрмагани учун айблаб бўладими бу ёшларни? Кўпайиб кетган ахборот оқимичи? Баъзида унинг ичида катталар ҳам йўл тополмай қоладиларку! Уларга осонми? Ўзимизни улар билан ҳамкорликда бўлмаганимиз айбидир. Доимо фақат битта гапни ушлаб олганмиз: «Бизнинг давримизда эса!...» деб. Лекин битта нарсани ҳисобга олмасдан гапирамиз, биз-ку, ҳозир уларнинг вақтида улар билан бирга яшаётганимиз. Уларни қандайдир схемалар ичига сиғдирмоқчи бўламиз. Ёшларимиз эса ҳеч қандай қолипга сиғишмаяпти. Нимага? Балким буларнинг ўзи бизнинг ўйларимиздан мураккаброқ ва чуқурроқдир?» — Аммо бу саволларга Шукур Ҳайдарович тўла қониқтирадиган жавоб топа олгани йўқ.

\* \* \*

Конференция катта залда ўтар эди.

Минбарда Шукур Ҳайдарович сўзларди.

— Бугунги аҳволни олайлик: нимамиз бор? Бутун билим юртининг ичида фақат бир нечтаси талаб даражасида таъминланган ҳолос.

Бошқалар-чи? Бошқаларда эскирган асбоб-ускуналар, оталиқ ташкилотларнинг нотўғри муносабатлари, касб танлаш ишлари ўлда-жўлда. Энг муҳими — билим юрти билан завод алоқаси узилган. Витрувчиларимизга заводга боришганида қайтадан ўргатишга тўғри келяпти, бу эса ҳар бир иш жойи учун тахминан 10 минг сўмлик зарар, демакдир. Агарда армиядан қайтиб ўз соҳасида ишламайдиганларни ҳисоблаб кўрсак, зарарнинг даражасини тасаввур қилаверинг. Ҳунар таълимини шундай даражага кўтариш керакки, бугунги кунда унга билимсизлар эмас, энг яхши ўқувчилар тавсия этилиши керак. Ҳозир эса билим юртига жўнатаман, деб мактаб ўқувчиларини қўриқтишади. Биламан, барибир шундай вақтлар келадими, ишлаб чиқариш зарурияти билан бутун политехникалаштириш масаласига фақат СПТУ лар орқали қайтамиз. Ҳунар-техника таълим муаммосини давлат аҳамиятига эга масалалар қаторида ҳал қилиш пайти келди, менимча. Қаерда ҳозир бизнинг системамиз ҳаётини ёритадиган китоблар, кинофильмлар? Ҳар бир ишчини олдиндан белгиланган корхона учун тайёрлаш лозим. Кейинчалик кераксиз мутахассисни қаерга жўнатиш масаласи билан корхона раҳбарининг боши оғримасин учун. Практикани ҳам ҳар бир ишчи иш жойида, ўз дастгоҳида ўтиши лозим.

Кимдир луқма ташлади:

— Гапингиз эртакка ўхшайди-ку!

— Эртакка дейсизми? Шу эртакни ҳақиқатга айлантириш масаласи сиз билан бизнинг қўлимизда.

Бир шанба кун Равшан ўртоқлари билан ётоқхонада кино кўриб ўтирган эди. Эшикда Юсуфнинг овози эшитилиб қолди.

— Равшан! — деб чақирарди у.

Равшан ўрнидан туриб ташқарига чиқди.

— У ерда қандайдир комиссия қизлар билим юртидан келган экан. Битта чиройли қиз сени сўрапти.

— Мени? — ҳайрон бўлди Равшан.

Ташқарига чиқса уни ҳақиқатан ёқимтойгина қиз кутиб турган экан.

— Равшан Аъзамов сизми? — деди-да, қўлини узатди. — Малика.

— Мени қаердан танийсиз? — ажабланиди Равшан.

— Бизга сиз ясаган кун тартибини назорат қилдиган асбобни кўрсатишганди.

— Уни мен ўзим ясаганим йўқ. Болалар билан биргаликда қилинган.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Визларга ҳам шунанга асбоб ясаб бера олмайсизларми?

— Материал топсаларинг...

— Материал топилади. Биз эса раҳбарларингиз билан кеча ўтказишга келишиб олдик. Келаси шанбага. Танца бўлади.

Равшан нимагадир Камолани эслади.

— Хурсанд эмасмисиз? — сўради Малика.

— Аксинча. Жуда хурсандман! Асбобни эса биз сизларга ясаб берамиз! — кулди Равшан Маликани қолдириб телевизор хонасига кириб кетаркан.

Малика унинг кетидан ажабланиб қараб қолди.

\* \* \*

Равшан шаҳарда акасини учратиш қолди. Акасини у дарров таниди.

— Қочоққа саломлар! — деди Алишер йўл бўйида тўхтаб. Енида кетаётган қиз ҳам бир оз нарироққа ўтиб дарахт соясида тўхтади. — Қачон уйга қайтмоқчисан? — сўради Алишер.

— Ҳозирча билмайман.

— Менда эса ангилек бор. Биофакка кўчирияман. Бир курс пастроқ қилиб олишяпти-да, лекин майли, буниси ҳам маъқул. Фақат уйдагиларга чурқ этма! Ҳа, бунимиз касал бўлиб қолди. Сени келсин, деб айтган эдилар.

\* \* \*

Равшан уйига катта қизил атиргуллар кўтариб кириб келди. Бувиси ётадиган жойга ўтиб гулларни тўғри кўрпача устига қўйди.

— Равшанжон! — хаста товуш билан гапирарди аҳволи оғир бувиси гулларни силаб. — Ешлгимда худди шундай гулларни буванг менга олиб келган эди. Биласанми, қаердан уларни олган буванг?.. Генерал-губернаторнинг боғидан узган. Шунанга шум одам эди-да, эх...

— Равшан! — ойиси ортидан келиб елкасидан кучиб олди. — Кечир мени ўғлим.

— Қўйинг, ойи, ҳаммаси жойида.

Дадаси ҳам уларни кўриб жилмайиб турар, фақат унинг табассуми сал мунглироқ эди.

— Ҳозир овқатга ўтирамиз, — деди ойиси ва ошхонага кириб кетди. Уша ердан Равшанга гапирарди: — Ўртоқларингизга бир чақириб қўйсанг бўларди. Бунинг тузалганда пишириқлар билан яхшилаб кутиб оламиз.

— Энди тузаламан. Сен қайтиб келдинг-ку, — деди бувиси.

— Ҳозирча меҳмонга келдим ҳолос, — деди Равшан.

— Бу қанақаси? — ойиси ошхонадан йиғлам-сираб чиқди. — Сен нима, қолмайсанми?

— Ҳозир эмас, ойижон, ўртоқларим нотўғри тушунишлари мумкин. Мен уларга ҳеч нарса айтмагандим.

— Хўп, майли, ўзинг биласан ўғлим, — деди ойиси. — Бўлмаса мен уларга ул-бул бериб юборай...

\* \* \*

Камола уйга қайтиб келди-ю ойисига ҳам қарамай хонасига кириб ўзини каравотга ташлади. Хўрсиниб, хўрсиниб йиғлай бошлади.

— Сенга нима бўлди? — сўради ойиси. — Ким сени хафа қилди?

— Ҳеч ким! — жаҳли келиб бақирди Камола У каравотдан сакраб туриб девордаги ҳамма афи-

шаларни, фотосуратларни узиб ерга ота бошлади. — Мана! Мана! Мана сенга! — деб гапирарди у. Кейин онасига қараб: — Мени тинч қўйинг! — деб бақирди.

Ойиси ҳайрон бўлиб хонасидан чиқиб кетди. «Уша янги таниши билан уришиб қолди, шекилли, — ўйлади ойиси. — Ўзим яхши одамга ўхшамасди бу артист. Уришиб келганим ёмон бўлмагандир, энди ўзининг чин ўртоқларига қайтса керак».

Малика опа бир пас стулда ўтириб кейин яна қизининг эшиги олдига келди-да, ичкарига кулок тутди. Хона жим-жит эди.

— Олдинга Равшан келувди, — аста гап бошлади у, қани қизим нима жавоб бераркан деб. — Хат қолдириб кетди. Йиртиб ташлайми, ё ўқиб берайми?

— Ўқиб беринг, — деди Камола.

«Эртага билим юртимизда кеча бор. Танца бўлади. Хоҳласанг, кел. Равшан». — ўқиб берди ойиси. Кейин бир пас жим туриб, сўради: — Борасанми ўзи?

— Бора-аман! — бардам жавоб берди Камола ҳамма хафагарчиликни унитиб ойна олдига чопаркан...

\* \* \*

Равшан, Генка Темур, Сурен ва Камола билим юртига кираверишда учрашдилар.

— Битириш имтиҳонлари қалай ўтапти? — сўради Равшан.

— Сўрамаганинг маъқулроқ! — жавоб берди Генка. — Учалари кўпайиб кетди, улар билан қаерга боришни ҳам ўйлаб турибман.

— Мен эса комиссиядан ўтдим, — деди Сурен. — Ҳарбий-денгиз билим юртида ўқийман.

Сайр қилиб юрганларида Генка диққат билан ҳамма стендларни кўриб чиқди.

Саҳнада эстрада оркестри концертга тайёргарлик кўриб турган эди. Эгизаклардан биттаси микрофонга гапирар эди: «Бир, икки, бир, икки...»

Малика дўстлари ёнига келди. У жуда чиройли кийиниб келганди.

Камола билан сўрашиб унга синчков тикилди.

— Асбоб учун раҳмат.

— Танишинг, — деди Равшан. — Булар менинг дўстларим.

— Хурсандман, Малика. — Кейин ҳаммаси билан қўл узатиб сўрашиб чиқди.

Генкага навбат келганда у маъноли қилиб.

— Геннадий. Бўлажак меҳнат қаҳрамони, — деб қўйди. Саҳнадан куй овози эшитилди.

Темур кўзойнагини тўғрилаб Маликани рақсага таклиф этди:

— Мумкинми?

— Жоним билан, — деди Малика рақс тушгани чоғланиб.

— Биз ҳам тушамизми? — сўради Равшан.

Камола, ҳа деб бошини эгди.

«Мана, ёшлигимиз ҳам ўтиб кетибди, — Камола билан танца тушаётди ўйлади Равшан. — Камолаям ёнимда. Яна нима керак? Аммо, нимагадир юрагим тинчимапти. Балким нотинч ҳаётим энди бошланаётгандир...»

## ОТ СУРИБ, ФИЛ УЙНАТИБ...



### Клуб мутасаддис СССР спорт мастери М. МУҲИДДИНОВ

Мусобақанинг навбатдаги топшириқлари


Қуйидаги позицияларнинг ҳаммаси амалий партияларда юзага келган. Барчасида юриш оқлардан.

(1, 2, 3, 4 — диаграммалар)

Хўш, сиз қандай ўйнардигиз?



1-диаграмма



2-диаграмма



3-диаграмма



4-диаграмма



# ЛЕНИНГРАД

## РОК

## КЛУБЛАРИ

Бугунги кунда Ленинград рок группалари Иттифоқ ҳамда чет эл томошабинларининг олқишига сазовор бўладиган чиқишлари билан жамоатчиликнинг диққатини тортмоқда. Эндиликда уларнинг йўналиши, фаолияти, ижрочилик санъати такомиллашиб бораётир. Айрим катта группалардан истеъдодли ёшлар ажралиб чиқиб, ихчам, оригинал рок группаларини тузишмоқда.

«Авиа»нинг «Қизиқ ўйин» деб номланган Рок группасидан ажралиб чиққанига ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. У шу қисқа муддат ичида катта шуҳрат қозонишга эришди. «Қизиқ ўйин» билан олдинма-кейин тузилган «Аквариум», «Кино», «Алиса», каби рок группалари эса Америка Қўшма Штатларида ташкил этилган ҳамда энг яхши рок группалари ёзиладиган «Қизил тўлқин» альбомидан муносиб жой олишга сазовор бўлди.

Ленинград рок группаларининг Америка Қўшма Штатларидаги рок музикаси юлдузлари — Жоан Стингрей, Кенни Шаффер, Жорж Харрисон, Жулиан Леннонлар билан ўзаро муносабатларининг кенгайиб бораётганлиги рок музика ихлосмандларини айниқса хушнуд этмоқда. 1987 йили Ленинград рок группасининг истеъдодли вакилларида бири Борис Гребеншиковнинг АҚШга қилган сафари айниқса самарали бўлди. «Аквариум» рок группаси билан яна АҚШга қилинган иккинчи гастролда эса Америка рок усталари билан ҳамкорликда энг яхши чиқишларни ленталарга туширдилар, бу ҳамкорлик самарали давом этмоқда.

Ленинград рок группаларининг москвалик ҳамкасблари билан ҳамкорлиги ўзига хос тус олган. «Алиса», «Аквариум» (Ленинград) «ДК», «Му овози» (Москва) каби рок группалари ўртасида бир-бирларини такрорламаслик, ижобий маънодаги ўзаро рақобат яхши натижаларга олиб келяпти.

Бугун Ленинград рок музикасининг ривожланиб, халқаро саҳнага чиқиб бораётганини шундан ҳам билиш мумкинки, рок музика санъати ниҳоятда ривожланган Франция, Англия каби мамлакатларнинг вакиллари ҳам Ленинград рок группаларига алоҳида қизиқиб, эътибор билан қарамоқдалар. Франция киностудияси ва Англия телекомпанияси совет рок группасининг фаолиятини ёритиш учун ўз вакиллари жўнатдилар. Ленинград рок группасининг яна бир қанча кўзга кўринган намояндалари АҚШда бериладиган телевизион эшиттиришларда доимий иштирок этиб келмоқда.

Совет рок музикаси тараққиётига бағишланган «Синдириш» номли (сценарий автор — В. Приемихов, режиссер — В. Огородников) фильмида рок группаларининг бир қанча авлоди, уларнинг ўзига хос ижодий йўли ўз ифодасини топди. Мазкур фильмда Ленинград рок группасининг «Авиа», «Алиса», «Аукцион», «Буратино», «Кофе» каби деярли барча рок клублари қатнашди. Бош ролда эса «Алиса»нинг солисти Константин Кинчев иштирок этди.

Константин Кинчев ўз фаолиятини 70-йилларда бошлаган бўлиб, у ҳозирда совет рок музика санъатининг юлдузларидан бирига айланиб қолди. Унинг иштирокидаги жозибали чиқишлар ҳануз санъат муҳлисларининг қалбига ором бахш этиб келмоқда.

Ҳозир Гребеншиков, Макаревич, Кинчев каби истеъдодли ижрочилар ёнига «Кино» рок группасининг ёш талантили вакили Виктор Цой келиб қўшилди. Унинг ижросидаги ёқимли лирик қўшиқлар ўз оригиналлиги,



«Кино» рок-группаси.

жозибаси билан санъат муҳлисларининг диққатини жалб этапти.

Айрим ўртоқлар Совет рок музикасида ғарб музика оҳанглариининг таъсири кучли деб айтишмоқда. Бу тўғри ва маълум даражада шундай бўлиши ҳам табиий. Негаки бу санъат бизга ғарб музикаси орқали кириб келди. Лекин совет рок музикаси фақат шу йўналишда давом этади деган маънони билдирмайди. Ленинград рок группаларининг оригиналлиги, ҳозирги йўналиши бунга исботлаб турибди. Айниқса Виктор Цой ижрочилиги, унинг ўзига хослиги бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин.

Аслини олсак балет ҳам бизга ғарб санъатининг намунаси сифатида кириб келган эди. Ҳозирда мамлакатимиз ўзининг бу соҳадаги юлдузлари билан жаҳоннинг энг олдинги қаторидан жой олганлиги ҳаммамизга маълум.

«Поп-механика» бугунги рок музикасининг оригиналлигини намоён этиб келган санъат намунасига айланиб қолди. Унда хилма-хил музика асбобларининг иштироки, классик кваттетлар, фольклор ансамбли, рассомлар, ўйинчилар... хуллас, саҳнада улкан бир ансамбль иштирок этмоқдаки бу томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. «Поп-механика»нинг музикали театрлаштирилган саҳналари асосида ҳужжатли фильм яратилди.

Хуллас, совет рок музика санъати ўзига хос ривожланиш йўлидан юксалиб бормоқда. Унинг бугунги муваффақиятларида Ленинград рок музика группаларининг алоҳида ўрни бор. Рок музика билимдони А. Житинский ёзганидек: «Ўз авангардлиги ва оригиналлиги билан ажралиб туради».

А. ПОПОВ



Бундан бир ярим йил муқаддам Тошкентда Григорий Каприелов раҳбарлигида «Замонавий музыка лабораторияси» деб аталган жаза группаси ташкил этилди. Ҳозирда у кун сайин камол топиб, оммавийлашиб борапти. Айни пайтда унинг ўзига яраша ташвишлари, қийинчиликлари ҳам бор. Григорий Каприелов билан суҳбатимиз шу ҳақда давом этди.

— Григорий, айтингчи, ишни қандай, нимадан бошлаган эдингиз?

— Биринчи қадамларимизни «Азия» деб аталган жаз — клуб қошида, республика рок музикасининг пионери Олег Чесноков (гитара) 1980 йилда Красноярскийда бўлиб ўтган жаз фестивалининг лауреати Эдик Истахаров, Олег Яшкинлар билан бригаликда бошлаганмиз. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай 1983 йили Фарғонада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ Жаз фестивалининг лауреати бўлдик.

Шундан кейинги орадан ўтган йиллар нотекис бўлди. Фақат 1986 йилгина «Замонавий музыка лабораторияси» расмий ижодий коллектив сифатида тасдиқланди.

— Кимлар қабул қилинди бу ижодий коллективга?

— Артур Оқилов, Борис Тўхтаунов, Виктор Островский, Олег Яшкин ва ўзим.

— Ижодий йўлингиз, шу қисқа муддат ичида қўлга киритган муваффақиятларингиздан гапириб беролмайсизми?

— Янги ижрочилар билан Самарқандда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ Рок музика фестивалида иккинчи мукофотни олишга ҳамда «Юксак профессионал ижрочилик маҳорати учун» бериладиган махсус диплом билан тақдирланишга эришдик.

— Бу ютуқларнинг сабабини қандай изоҳлайсиз?

— Биринчидан коллективимиз аъзолари рок музика санъатининг сирларини анча чуқур эгаллаган, қолаверса биз ансамблимизга янги аъзо қабул қилаётганимизда ундан аъло баҳолар билан тамомлаган дипломни эмас, бевосита ижрочилик маҳоратини талаб қилдик.

— Демак ҳамма ишлар яхши денг...

— Нега, мен сизга кўнглимизга таскин бериб турган, ишимизга ишонч туғдираётган айрим фактларнингизга айтдим. Ахир янги бошланган иш, айниқса ҳамisha муаммоларга тўла, баҳсларга сабаб бўлиб келаётган рок музиканинг ривожини, қийинчиликларини энгиб ўтиб кетиши қийин бўляпти.

Бевосита ўзимизга, ижодий фаолиятимизга боғлиқ бўлган муаммолар бор. Буни албатта, меҳнат билан, инглиш билан ҳал қилиш мумкин. Лекин қийинчиликларимизнинг ўзимизга боғлиқ бўлмаган, аммо усиз иш юришмайдиган муаммолар бор.

«Замонавий музыка лабораторияси» Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети қошидаги «Ёшлар уйи»нинг коллективи ҳисобланади. Ишимиз ўз-ўзини таъмин этиш асосида ташкил этилган. Бу яхши, бир томони ёшларга хос бўлган ғайрат билан, чарчаш нималигини билмай ишлашга тўғри келади. Аммо, барибир ёш ижодий коллективимиз, маошимиз 100 сўм. Лекин бизга лозим бўладиган энг оддий музика асбобининг баҳоси 800 сўмдан — 1200 сўмгача туради. Бу ёғини десангиз, тайинлик жойимиз ҳам йўқ деярли.

— Республикада рок музика санъатининг муаммолари ҳақида нималарни айта оласиз?

— Ҳ... буларнинг қайси бирини айтай.

Тўғриси айтсам республикада рок музика санъатининг жуда истеъдодли вакиллари бор. Керак бўлса турли рок музика фестивалларининг лауреатлари бўлган 18 ёш талантларни номма-ном айтишим мумкин. Бизда бу талантларни рағбатлантириш, эътибор жуда қониқарсиз аҳволда. Масалан, ниҳоятда хушовоз ижрочиларимиздан бири

# ДИАЛОГ



Алексей Кузнецов «Кооператор» ресторанининг пештоқидан нарига чиқолмаяпти, Эрик Елизабатов ва Александр Зайцевларнинг ўн йил аввал тузган «Сир» жаз группаси ҳануз катта саҳнанинг юзини кўрмай ўтиб кетяпти, бу ёқда «Юрмала»нинг энг юксак мукофотига сазовор бўлган Равшан Зокировнинг овози қачонлардан бери эшитилмай қолди. Юқорида номларини айтганларим ва яна бошқа талантлар бир жойга жамланса қандай ажойиб бўларди.

Қолаверса радио-телевидениеда бизга бўлаётган эътибор ҳам қониқарсиз. «Жаз панорамаси», «Сизлар билан учрашганда» каби телекўрсатувлар фақат қоғозлардагина қолди.

«Ялла» деярли 17 йилдан буён Респуб-

ликамининг ифтихори бўлиб шуҳрат қозониб келяпти. Лекин бошқа талантлар ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак деб ўйлайман.

— Ҳа... муаммоларингиз анча кўнгилсиз, хурсанд бўладиган ишлар чиндан кам экан... Балки «Замонавий музыка лабораторияси» бу нохуш аҳволларга маълум даражада чек қўяр!

— Ижодкор кишилар, ижодий коллективларнинг иши, уларнинг бошланғич фаолияти доимо қийин бўлган. Биз бунини яхши тушунамиз. Имкониятимиз борича, қанча кучгайратимиз бўлса сарфлаб, рок музика санъати мухлисларининг муҳаббатини қозонишга интиламиз.

Суҳбатдош: Л. ШАХНАЗАРОВА



**ЎТРАД МУХИЦЛАРИ, МАҲАБО!**



Хурматли редакция!

Сталин ҳақида шов-шувлар кўпайиб кетди. У ҳақда чиқайтган турли мақолаларни кузатиб бориш қийин. Хўш, Сталин раҳбар ва шахс сифатида қандай одам эди? У йўл қўйган камчиликлар, хатолар нималардан иборат? Менимча шулар ҳақида ёшларимиз ҳам билиб қўйса ёмон бўлмасди.

Салом билан

Э. ЖАЛИЛОВ,  
Ленинград шаҳри.

Сталин шахсига сиғиниш унинг партиядо ва мамлакатда обрўси ошиб боришидан бошланди. Ватанимизда социализм бунёд этишнинг ленинча планларини рўёбга чиқариш сиёсий ва ғоявий курашлар билан уйғунликда олиб борилиши керак эди, у ўзига хос феъл-атвор эгаси бўлмиш Сталин таъсири остида ўта кескин ва муросасиз тус олди. Кўп ўтмай социализмни бунёд этиш борасидаги ютуқлар партия раҳбарлигининг, унинг коллектив ижодкорлигининг меваси сифатида эмас, балки Сталиннинг шахси билан боғлиқ деб кўрсатиладиган бўлди, унга ўта инсоний фазилатлар ва куч-қудрат эгаси, истиқболни кўра олувчи мислсиз даҳолик фазилатлари ёрлик сифатида ёпиштирилиб, номига сажда қилинадиган бўлди. Сталиннинг номи социализм тимсолига айланди.

Марказий Комитетнинг Бош секретари И. В. Сталин партиядо катта ҳукмрон кучга ва таъсирга эга эди. Аммо, ўзи билан келишмаганларга уқтира олиш, кўндаланг бўладиган келишмовчилик ва зиддиятларни социализмга хос партиявий методлар ёрдамида бартараф этиш қобилияти йўқлиги туфайли у ўзининг яккаю ягона ҳукмронлигини қарор топтирмақ учун ўз обрўсидан фойдаланишга уринди.

«Наука и жизнь» 1987 йил 12-сон

миз бўлишига эришсак — мамлакатимиз энгилмас бўлиб қолади. Бундай кадрларимиз бўлмаса — икки оёқлаб оқсаб қоламиз.

«Сталиннинг 1935 йил Қизил Армия академикларининг битирув кечасидаги нутқидан «Иосиф Виссарионович Сталин», Қисқача биография, М., 1949 йил, 151-бет.)

Сталиннинг номи тилга олиниши билан кўплаб кишилар онгида 1937 йилги фожиали репрессиялар, инсонийликни поймол этишлар қалқиб чиқади.

«Литературная газета» 1987 йил 50-сон.

Ҳозир мамлакатимиз тарихида Сталиннинг роли тўғрисида кўп мунозаралар бўлмоқда. Унинг шахси ғоят зиддиятли. Тарихий ҳақиқат позицияларида турган ҳолда биз Сталиннинг социализм учун, унинг ғалабаларини ҳимоя қилиш учун курашга, шубҳасиз, ҳисса қўшганлигини ҳам, шунингдек у ва унинг теварагидаги кишилар кўпол сиёсий хатоларга, ўзбошимчалikka йўл қўйганлигини ҳам кўрмоғимиз керак. Бу хатолар ва ўзбошимчиликлар учун халқимиз жуда катта қурбонлар берди ҳамда бу хато ва ўзбошимчиликлар жамиятимиз ҳаёти учун оғир оқибатларни келтириб чиқарди. Баъзан Сталин қонунсизлик фактларини билмаган эди, дейишади. Бизнинг ихтиёримиздаги ҳужжатлар шундай эмаслигини кўрсатиб турибди. Сталин ва унинг яқин атрофидаги кишиларнинг йўл қўйилган оммавий репрессиялар ҳамда қонунсизликлар учун партия ва халқ олдидаги айби жуда катта ва уни кечириб бўлмайди. Бу ҳамма авлодлар учун сабоқдир.

«М. С. Горбачевнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллига бағишланган тантанали мажлисидаги докладидан.»

37 фоизи эса лоақал ўрта ҳарбий-ўқув тайёргарлигидан ўтмаганди. Командирлар составидаги аҳволнинг оғирлиги шунда эдики, репрессияга учраган ҳарбий кўмондонларнинг кўпчилиги немис ҳарбий санъатининг билимдонлари эдилар, улар ўрнига қолган кадрлар эса бундай билимлардан узоқ эдилар. Германия фашизмнинг сиёсий ва ҳарбий раҳбарияти бундан бохабар эдилар.

«Наука и жизнь» 1987 йил 12-сон.

Лениннинг «Сталин бағоят даражада кўпол» деган таърифини бош секретарь (Сталин — Ред.) нутқларида ўзи «фақат душманларга нисбатангина кўполман...» деб талқин этган эди.

«Литературная газета» 1987 йил, 50-сон.

У вақтларда Марказий Ижроия Комитет раислари олти нафар, Файзулла Хўжаев улардан бири эди. Ун йил мобайнида М. И. Калинин, Г. И. Петровский ва бошқа сафдошлар билан биргаликда буюк Совет ҳокимиятига президентлик қилишди...

Уша пайтларда ўтказилган партия сафларини тозалаш сўроқларидан бирида унга (Ф. Хўжаевга — Ред.) кўққисдан шундай савол ташланди:

— Сиз миллионер одамнинг фарзанди бўла туриб шундай мартабани эгаллаб турибсиз. Қани, хўш, революцияга нима каромат кўрсатдингиз?

Унинг заъфарон юзи янада оқарди. — Нима каромат кўрсатганимни билмадим, — дея жавоб қилди у, — фақат нима берганимни айта оламан. Революцияга мен отамдан қолган миллион-

# ШАХС ФОЖИАСИ-

Тарихимизда (хоҳ рус, хоҳ совет тарихида) бундан мураккаброқ шахс учрамади керак. Унинг номига шу қадар ниҳоясиз офарину олқишлар, тавқи лаянатлар ёғилдиким, бу сон-саносиз тарихий арбобларга ҳам кифоя қилур эди.

Сталин — тарихнинг энг мураккаб шахсларидан биридир. Бундай кишилар, биз истаймизми-йўқми, ўтмишгагина эмас, балки ҳозир ва келажакка даҳлдордирлар. Уларнинг тақдири — ҳаёт, давр ва виждон ҳақидаги дунёқарашлар баҳси учун «озуқа» бўла олади.

Уша давр шарт-шароитлари нечоғли мураккаб бўлса, халқ ва партия раҳбарлик қилган шахс ҳам шунчалик мураккаб эди. Агар ҳақиқат ва тарих олдида адолатли иш тутадиган бўлсак, И. В. Сталиннинг социализм учун курашларга, уни ҳимоя қилишга қўшган шак-шубҳасиз ҳиссаларини эътироф этган ҳолда минг-минглаб гуноҳсиз кишиларни қатли ом эттиришга олиб келган кечириб бўлмас сиёсий хатолари ва жиноятларини кўрсатишимизга тўғри келади.

Энг катта (партия ички курашларига доир) машаққатлар ортда қолди деган, талай соҳаларда янгилик яратишдаги салмоқли ютуқлар кўзга ташланиб қолган бир пайтда Сталиннинг илгарига силжигани сайин синфий кураш кескинлашади деган ўта хато «муқаддас» сиёсий ғояси туғилди. Бу, пролетариат диктатураси умум ишининг яратувчисига эмас, балки жазоловчисига айланишига олиб келди.

Сталиннинг хизматлари кўпми ёки жиноятларими? Утмиш воқеаларига бунақанги жўн ҳисоб-китоб тили билан баҳо бериш ярамайди. Масалан шу тарихида кўйилишининг ўзи фосиқликдир, зеро фосиқликни ҳеч қанақанги хизматлар эвазига оқлаб бўлмайди.

«Литературная газета» 1987 йил 50-сон

Ниҳоят, биз шуни тушунмоғимиз керакки, жаҳондаги мавжуд қимматли бойликлардан энг қимматлиси ва ҳал қилувчи бойлик одамлар, кадрлардир. Шунга амин бўлмоғимиз керакки, бизнинг ҳозирги шароитда «ҳамма нарсани кадрлар ҳал қиладилар». Саноатимизда, кишлоқ хўжалигимизда, транспортимизда ва армиямизда яхши ва кўп сонли кадрлари-

Ҳа, у (Сталин — ред.) хабардор, жуда аниқ хабардор эди. Масалан, Олий суд раисининг ўринбосари В. В. Ульрих Вишинский билан биргаликда Сталинга... суд процесслари ва ҳукмлар ҳақида мунтазам ахборот бериб турар эдилар. 1937 йили Ульрих «шпионлик — террорчилик ва қўпуровчилик фаолияти» учун ҳукм қилинганлар ҳақида ойлик «маълумот» тайёрлаб берарди. Сталин ҳосил йиғиб-териб олинган, қазиб чиқарилган кўмир ва ҳайҳот, қатли ом этилганлар сони қайд этилган маълумотларни ўқиб чиқарди.

Баъзан Сталин жамиятга одамлар аквариумига қарагандек қарар эди.

«Литературная газета» 1987 йил 50-сон.

Сталиннинг айтишига қараганда, XVII съездда «партиямиз сафларида ғоявий-сиёсий ва ташкилий уюшқоқлик... мавжудлиги қайд этилган». Ундан бир оз илгари, 1933 йилнинг 23 февраль кунини «Қизил Армия 15 ёшда» деб номланган докладда Мудофаа халқ комиссари К. Е. Ворошилов, «Биз навқирон командир кадрларни вояга етказдик. Биз граждандар урушининг бошларидан революция ишига вийдонан хизмат қилиб келган эски армиянинг кўплаб ҳарбий мутахассисларини командирлик большевиклар муҳитига синдириб юбордик» деган эди. Бироқ... XVII съезд иштирокчиларининг ярмидан кўпи ўлимга маҳкум этилди: 1966 кишидан 1108 нафари ҳаётдан бевақт кўз юмди. Съездда партия Марказий Комитети аъзоллиги ва аъзоликка кандидатликка сайланган 139 кишидан 98 нафари нобуд бўлди.

1937 йил май ойидан 1938 йилнинг сентябрига қадар полк командирларининг ярми, дивизия ва бригада командирларининг қарийб барчаси, корпус командирлари ва ҳарбий округ қўшинлари кўмондонларининг бари, корпус, дивизия ва бригада сиёсий ходимларининг кўпчилиги, полк комиссарларининг учдан бир қисми репрессияга дучор бўлди.

Армиямиз ҳатто уруш даврида ҳам бундай катта талофотга учрамаган эди. Оқибатда уруш бошланган пайтда Куролли Кучларимиз сафидаги командирларнинг 7 фоизи олий ҳарбий маълумотга эга эди,

ни ва бутун ўзлимизни бахшида этдим. Миллионнинг сариқ чақасини ўзимга раво кўрмадим, ўзимни заррача аямадим.

«Известия». 1986 йил, 1 июль.

Истеъдодли ўзбек шоири Усмон Носирни аксиллиқлибий фаолиятда айблашди. Шу йилнинг мартида у 75 ёшга тўлар эди. У 31 йил яшади, холос. Ун йил озодликдан маҳрум этилганди, олти йил қамоқда ётиб вафот этди.

У ҳибсга олинган 1937 йилнинг 14 июль кунини уйда тинтув ўтказишганда паспорт, ёзувчилар союзига аъзолик билети, ён дафтар, китоб ва рисолалар, машинкада босилган таржима кўлёмалари, жумладан Лермонтовдан таржималар топилган. Ўзбек шоири Носир Лермонтов ва бошқа рус шоирлари касрига қолди. Маълум бўлишича, «миллатчилар таъсирига тушган шоир классиклар асарини бузиб таржима қилган экан».

Шеърятдан йироқ одам эканлигини билган терговчи гувоҳ сифатида Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Уйғунни сўроқ қилган. Улар Носирнинг ҳалол ижодий меҳнатини эътироф этишган... Бироқ, суд мажлисида бу гувоҳлар таклиф қилинмаган.

Шоирнинг ўзи айбномани буткул рад этган. Бироқ, ҳарбий коллегия аъзолари ҳукм битишда шоир Носирдан устун келишган кўринади.

Озодликдан маҳрум этиш — истеъдодни юлиб ололмайди. Истеъдод ҳукм билан тортиб олинмайди. Усмон Носир Магадан, сўнг Кемерево қамоқхоналарида Совет ҳокимиятини куйлаб шеърлар ёзишда давом этди. «В. И. Ленин» ва «Шахло» деб номланган поэмалар, шеърли роман, пьесалар яратди. Ва уларни Тошкентга жўнатди.

Ишонч-этиқод бўлса шунчалик бўлар! Қамоқхонадаги ижодий фаолияти ҳақида Сталинга арзнома йўллади.

Шоирнинг асарлари йўл-йўлакай йўқолди. Сталинга йўлланган арзномаси эса ҳозирга қадар унинг жиний ишига тизилганча сақланган.

«Правда Востока» 1988 йил 21 февраль.



**Николай Иванович ВАВИЛОВ** — совет генетика ва селекциячилик фанининг асосчиси.

Вавилов умри мобайнида маданий ўсимликларнинг 160 минг намуналари ва уларнинг ёввойи турларини тўплаган. Буғдой навларининг ўзи — 28 минг хил эди! Николай Иванович бутун умрини очликка қарши курашга бағишлади. У ер қурраси миқёсида фикрлар эди. Кунига 14—16 соатлаб ишларди. Бир умр на отпускаи ва на дам олиш нималигини билди... 20 хорижий тилда гаплаша оларди.

Ватанимиз ва жаҳон фанининг фахри, миллионлаб одамларни ризқ-рўз билан таъминлаш устида қайғурган олим «халқ душмани» деб эълон қилинганини ва қамоқхонада очликдан ўлганини қандай изоҳлаш мумкин?

«Огонёк» 1987 йил 47-сон.

**Сергей Павлович КОРОЛЁВ** — совет космонавтикасининг отаси:

— 1938 йил 27 июнда НКВД органи томонидан ҳибсга олинди ва сўроқ чоғида антисовет ташкилотда иштирок этганликда айбланаётганини билдим... Уша йили кузда Олий Суд Олий Коллегиаси томонидан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди.

1939 йил бу ҳукм бекор қилинди ва НКВД нинг Махсус Кенгаши мени сирдан... 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, давлат комиссиясининг собиқ раиси генерал-лейтенант Георгий Александрович Тюлин ҳикоя қилади:

— Шундан сўнг у (Королёв — Ред.) Колимада тупроқ кавловчи бўлиб ишлади, қамоқхонадагиларга муносабат маълум, бошидаги чандиқ ўша ердан хотира бўлиб қолди. Милки касалланиб тишларининг ярми тўкилиб кетди.

— Сергей Павлович Колимага жўнатилгунга

назарий концепцияни илгари сурди: жиноий жавобгарликка тортиш учун айбланувчи айбига иқрор бўлиши кифоя, иқрор бўлиши қандай усуллар ёрдамида амалга оширилишидан қатъий назар, гувоҳлар кўрсатмаси ва ҳоказо холис далиллар талаб этилмайди. СССР Прокурори сифатида у (Вишинский — Ред.) «сиёсий жиноятлар» учун айбланувчиларнинг ўзинигина эмас, уларнинг оила аъзолари ва танишбилишларини ҳам жавобгарликка тортилишини талаб қилган.

«Наука и жизнь» 1987 йил 12-сон.

Ленин даврида бўлиб ўтган Бутунроссия IX партия конференцияси резолюцияларида у ёки бу масалада ўзгача фикрловчи ўртоқлар репрессия қилинишига йўл қўймаслик кераклиги қайд этилган.

...«Террорчилар» ва «аксилантиқлобчилар» айбларига иқрор бўлсалар демак уларнинг жиноятчи эканлиги шубҳа йўқ эмасми деган савол туғилади.

Ҳа, «иқрор бўлишлар» бор. Лекин бу иқрор бўлишлар қандай йўллар билан амалга оширилган? Жисмоний ва руҳий таъсир ўтказишлар йўли билан. Аслида ҳуқуқ нормалари талабларига кўра ҳатто иқрор бўлиш ҳам қўшимча далил-исботлар билан биргаликдагина кучга эга бўлади.

«Правда Востока» 1988 йил 21 февраль.

**Фёдор РАСКОЛЬНИКОВ (1892—1939)** — 1917 йили март ойининг ўрталарида партия уни «Голос правды» газетасига муҳаррирлик қилиш учун Кронштадтга йўллаган. Ленин билан яқиндан таниш

қаерда? А. Арасев-чи? Михаил Кольцов қаерда? Галина Серебрякова қани, нима, у Сокольниковнинг рафиқаси бўлгани учун гуноҳқорми? Уларни Сиз қамадингиз, Сталин!

Уруш арафасида мамлакатимиз шон-шавкати ва ғурури бўлмиш Қизил Армияни пароканда қиялди. Қизил Армия ва Қизил Флотни Сиз бошидан жудо қилдингиз. Энг истеъдодли саркардаларни Сиз ўлдирдингиз. Ҳарбий хавф ниҳоятда қора кўланка ташлаб турган бир пайтда Сиз армия раҳбарларини, ўрта командирлик составларини, ва қуйи командирларни қиршни давом эттирялди. Маршал Блюхер қани? Маршал Егоров қани? Уларни Сиз қамадингиз, Сталин.

Сизнинг жоҳилларча қилаётган айш-ишратингиз узоққа бормайди. Сиз қилган жиноятларнинг чеки-чегараси йўқ. Сиз қатли ом этганлар рўхатининг адоғи йўқ — уларни санаб чиқишнинг имкони йўқ. Эртами-кечи совет халқи Сизни социализм ва революциянинг хоини, бош кушандаси, асл халқ душмани — очарчилик ва сохта суд жараёнлари ташкилотчиси сифатида муқаррар қора курсига ўтказажак.

«Огонёк» 1987 йил 26-сон.

**Е. К. ЛИГАЧЕВ** — КПСС Марказий Комитетининг секретари.

— Ҳозир шахсга сиғиниш ҳақида кўп гапириляпти. Бу ҳодисанинг туб сабабларини масъулият билан ўрганиш жуда муҳим, янада муҳими эса — ана шундай ишларга йўл қўймайдиган муҳит яратишдир. Бизнинг муқаддас бурчимиз, вазифамиз ҳам шу.

«Наука и жизнь» 1987 йил 12-сон.

# ДАВР ФОЖИАСИ

қадар сал кам икки йил мобайнида ёлғиз камерада ўтирган, — аниқлик киритди олимнинг рафиқаси Нина Ивановна Королёва.

«Огонёк» 1987 йил, 49-сон.

**Иван ТЕВОСЯН (1902—1958)** — давлат ва партия арбоби. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 1918 йилдан КПСС аъзоси. 1936 йилдан Мудофаа халқ комиссарининг биринчи ўринбосари, 1939 йилдан кemasozлик саноати халқ комиссари.

— 1937 йил охирида хизматдошларимдан айримлар мендан ўзларини олиб қочаётганлигини сезиб қолдим. Тевосяни қамар эмишлар деган миш-мишлар ҳам қулоққа чалинди.

Кўп ўтмай партком секретари келгуси партия мажлисида менинг масалам кўрилишини маълум қилди. Мени нега муҳокама қилишади, ким муҳокама қилади — буни айтмади.

Тахминим шундай эди: синглимнинг эри Л. Мирзоян қамоққа олинган эди. У Қозғистон коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари эди. Кўп ўтмай «халқ душмани»нинг рафиқаси сифатида синглим ҳам ҳибсга олинганди.

Нима қилишимни билмай Сталинга хат жўнатдим. (Тевосян Сталин билан бирга ишлашган, шахсан таниш бўлган — Ред.) Хатда бор гапларни ёздим. Эртасига пакет олди, ҳаяжонланиб очдим. Унда ён дафтардан юлиб олинган вараққа қалам билан қуйидаги бир неча жумла ёзилган эди:

«Урт. Тевосянгга.

Сизнинг ҳалоллигингизда менда шубҳа йўқ, бўлган ҳам эмас. Мирзоянни қўяверинг, бўлари бўлди. Уни унутинг. Синглингиз ҳақида ўйлаб кўришга тўғри келади.

Сталин».

«Изобретатель и рационализатор» 1987 йил, 11-сон.

А. Я. Вишинский ўзини Сталинга яхши кўрсатиш мақсадида социалистик қонунчиликни қўпол равишда бузишларни ва ялпи репрессияларни оқловчи

бўлган, Октябрь кунларида Петроград ҳарбий-революцион комитет аъзоси. Деңгиз генераллик штабининг комиссари. 1924 йилдан «Молодая гвардия», «Красная новь» журналларининг бош муҳаррири. 1930—1938 йилларда СССРнинг Эстония, Дания ва Болгариядаги мухтор вакили.

Раскольниковнинг 1939 йил 17 августда (у ўша йили 12 сентябрда ўлган — Ред.) Сталинга ёзган очиқ хати 1963 йилнинг декабрида топилган.

Раскольников Сталинга мурожаат эта туриб бор овозда шундай деган эди:

«Зиёлиларни риёкорлик билан «ер мағзи» деб эълон қилиб Сиз ёзувчи, олим, рассомни ички эркиндикдан маҳрум этдингиз. Сиз санъатни шу қадар исканжага олдингизки, азбаройи у бўғилмоқда ва ўлиб бормоқда. Сиз чўчитиб қўйган цензуранинг жазаваси ва ҳар нарсага боши билан жавоб берадиган муҳаррирларнинг маълум юраксизлиги совет адабиётини мурдага айлантирди.

...Езиш касалига мубтало бўлган нўноқ ёзувчилар Сизни гўё Ой ва Куйшдан туғилган ярим худо сифатида кўкларга кўтариб мақташапти, Сиз эса Шарқ мустабидларига ўхшаб хушомадгўйлик таратаётган ҳидларга маст бўлиб ўтирибсиз. Сиз истеъдодли, лекин ўзингизга маъкул келмаган ёзувчиларни қириб ташлаясиз. Борис Пильняк қани? Сергей Третьяков

М. М. Мухоморов  
У менда нет ни  
какой комиссии  
на совет Сталина  
Зеленому нет  
не было.  
Теперь с нами, с нами  
Зеленому. Зеленому  
с нами... А мы нет  
никакой комиссии на  
за Сталина? Сталин

И. Тевосян ушбу номани олди ва... синглиси билан кувени қайтиб кўрмади.

**РЕДАКЦИЯДАН:** И. В. Сталин Ватанимиз тарихидаги энг мураккаб ва зиддиятли раҳбар шахс бўлиб қолди. Унинг шахси ва давр фожиаларидан ҳикоя қилинаётган чиқишларнинг кўпайгани эса партияимизнинг ҳозир олиб бораётган ошкоралик сиёсатининг маҳсулидир. Журналхон Э. Жалилов (айни шу мазмундаги савол билан марғилонлик мактаб ўқувчиси Қаҳрамон Абдуллаев, душанбалик Уринбой Домлажонов ҳам редакцияга мурожаат этишган) тўғри айтганидек, Сталин шахсига доир аччиқ ҳақиқатни «Еш куч» муштарийлари ҳам билиб қўйгани фойдадан ҳоли бўлмайди. Чунки ёш авлод хусусан Ватанимиз, халқимиз тарихи ҳақида ошқора ҳақиқатга ташна. Шунинг эътиборига олиб марказий ва республика матбуотида босилган Сталин шахси ва шахсга сиғиниш даври фожиалари ҳақидаги мақола, мактуб ва хотиралардан бир шингилни журналхонларимиз эътиборига ҳавола қилдик.



## Қалин тоши эзмасин

(Бўйдоқ йигитнинг тенгқурларига мактуби)

«Еш куч» ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш ҳақида мақолалар бериб боришини истардим. Бу жуда-жуда зарур муаммо. Қалин туфайли келиб чиқадиган ташвишларни айтмоқчиман. Гапни ўзимдан бошлай.

1986 йил баҳорида ҳарбий хизматдан уйимга — Хоразм область Урганч районидagi Калинин номили колхозга қайтдим. Шу йили комсомол йўлланмаси билан Тюмень областига жўнаб кетдим. Ҳозир Ишим шаҳрида локомотив депосида электровоз машинистининг ёрдамчисиман. Турмушим яхши, ишим кўнгулдагидек. Ойлик маошим 300 сўм. Маош оламану уни тежаб-тергаши, жамғаришни ўйлайман. Чунки, мен камида 7000 сўм жамғаришим керак. «Шунча пулни нима қиласан?» дейсизми? Уйлансам, қалин учун бераман!..

Баъзан ўзимча хомчўт қиламан: «Ҳозир 22 ёшдаман, ҳар ойда 100 сўмдан кассага қўйсам

7000 сўм тўплагунча 28—29 ёшга тўламан. Унчага уйланиш ҳақида ўйлаш бефойда...

Дейлик, мен бир амал-тақал қиларман, лекин Хоразмда, умуман Ўзбекистонда яшайётган тенгқур юртдошларим бошини қайёққа уради? Ҳали ҳаётда муқим бир йўлга тушиб олмаган, айримлари қатъий бир касб бошини тутмаган йигитлар 7000 сўмни қаердан топади? 100—120 сўм маош оладиган йигит шунча пул жамғариши учун неча йил ҳалол меҳнат қилмоғи керак?! Уйнаб-қулиб ёшлик гаштини сурсинми? Ота-онасига кўмаклашсинми? Келгусида ўзи яшаши учун бирорга уй солсинми? 100—120 сўмни буларнинг қай бирига етказсин?!

Айтгинлар ахир, бу саволга ким жавоб беради, ким?!

«Ёшларимизнинг фикри хаёли пул топиш», «Пул учун одамлар ҳеч нарсадан қайтмайдиган бўлиб кетди» дейдиганлар муаммонинг бу тарафларини мулоҳаза қилиб кўришармикан?..

Виламан, пулни пўчоқча кўр-

майдиган, менинг бу гапларимни майна қилиб кулаётганлар ҳам бор. Еши ўтгизга чиқиб ота-онасининг давлатига керилиб юрганлар қанча! Лекин ҳамма ота-она ҳам пулни осонликча топмайди-ку!

Ўтган йили Тошкентнинг Олой бозорига кирдим. Еши 80 дан ўтган, соқоли кўксига тушган қариянинг шевасидан хоразмлик эканини пайқадим. Суҳбатлашдик. Шовотдан қовун келтириб сотаётган экан.

Еши аллақайга етган отахонни не зарурат Шовотдан ҳайдаб келди Тошкентга? Мана, у кишининг жавоби:

— Волам, ҳали яна икки йўғлим бор. Шовотда кассада 15000 сўм пул бўлмаса йўғилни уйлаб бўлмайди...

Нега шундай? Нега ўзимизни бунчалар қийнаб бемаъни қалин урфига амал қиламиз? Ўзимизда шунчалик қасдимиз борми?

Қалиннинг зарари, машмашалари ҳақида кўп ёзишади, ҳамма гапирди. Лекин унга ким барҳам беради? Кувё томон минг бир машаққат чекса чекадики, «қалин бермайман» дейишга орияти йўл қўймайди. Қиз томон қудаларни, бўлғуси кувёни беҳад қийнаб қўйганини сезса сезадики,

«қўйинлар, қалин керакмас, болаларимиз қўша қариса бас» дейишга гурури изн бермайди. Бугунги жуда кўп иллатлар шунанганг асоссиз орият ва бемаъни гурур туфайли келиб чиқмаяптими?

Мен юртимга қайтаман, насиб қилса, тушунган, одамнинг қадрини пулга чақмайдиган оилада тарбия кўрган қизга уйланаман. Топган-тутганимни, бор давлатимни улардан аямайман, лекин қалин бериб уйланмайман. Суюкли турмуш ўртоғим мени олган қалини учун эмас, ўзимни қадрлашини истайман. Шундай қизлар борлигига ишонаман!

Тенгқур йигитлар! Ҳадемай келинлик либосига бурканажак қизлар! Келинлар, бафуржа ўйлайлик. Ота-оналаримиз, опа-акаларимизга ётиғи билан тушунтирайлик, яхши ният билан бир ёстиққа бош қўяр эканмиз, оилавий турмушимиз соф, беғубор кунлардан бошлансин, қалин тоши виждонимизни, жисми-жасадимизни, ва энг муҳими покиза муҳаббатимизни тош бўлиб босиб, янчиб ётмасин!

Собир БОБОЕВ,  
Тюмень область,  
Ишим шаҳри.

## «Еш куч» журналининг шу йил 1-сонидa босилган «Ҳақиқат излаб» мақоласи журналхонлар муҳокамасида

Ҳурматли редакция!

«Еш куч» журналининг 1988 йил 1-сонидa «Ҳақиқат излаб» сарлавҳаси билан Самарқанд область Булунгур районидан Сабоат Қаршибоевнинг мактуби эълон қилинган. Мактубда баён қилинишича қиз 1986—87 ўқув йилида Булунгур районидaги 30-мактабнинг 10-синфини тугатиб доктор бўлиш ниятида Самарқанд ва Жиззах медицина билим юртларига ўқишга кириш учун боради, бироқ ҳужжат топшира олмайди.

Сабоат Қаршибоева ўз хатида: «Бир танишимни ота-онаси пул билан Самарқанд педагогика институтига киритибди» деб ёзди ва шундай савол беради: «Наҳотки билим билан ўқишга кириб бўлмаса?» Ажабо, бу қандай гап? Қизнинг бир танишини ота-онаси пул билан институтга киритган эмиш... Қизнинг таниши ким экан? Ота-онаси уни қайси факультетга ким орқали киритибди? Мужкин, қизнинг таниши жигига тегиш ва ғазабини қўзғатиш учун бу фикрни айтгандир? Еки ушбу фикр уйдирма бўлиши ҳам мумкин-ку! Баъзан имтиҳонлардан йиқилган баъзи бир қиз ва йигитлар билимларининг пастлигини ўз бўйнига олмасдан, ҳатто ўқитувчиларга қандай бўҳтонлар қилишмайди, дейсиз!..

Шунинг учун ҳам ҳар бир кишининг айтилган гапи ва ёзган

шикояти асосли бўлиши керак. Наҳотки, шунча институт ва билим юртларига кириб ўқиётган ёшлар пул билан кирган бўлса? Бу ҳақиқатга тўғри келмайди.

Ҳурматли бош редактор! Бизни ажаблантирувчи томони шундаки, бирор кишининг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилмасдан ҳам матбуотга босиш мумкин эканлиги! Бизнинг фикримизча, журнал ошкораликни бирмунча нотўғри талқин қилгандек кўринади. Бизнингча, бундай мулоҳазаларни мантқиқ ва ҳақиқат тарозусида ўлчаб, сўнгра журналхонлар диққатига ҳавола қилса мақсадга мувофиқ бўлув эди. Ахир, ушбу мақола институт коллективи ҳақида республикамизда маълум салбий фикрни тугдириши ҳеч гап эмас. Институтнинг профессор-ўқитувчилар коллективининг шунча қилган меҳнати билан қўлга киритган обрўси наҳотки бир кишининг таваккалига айтилган сўзи билан тўкилса?

С. Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтининг ўқув ишлари бўйича проректори  
Б. Р. НАСРИДДИНЗОДА.

Синглим Сабоатхон! Мен сизнинг «Еш куч» журналининг 1-сонидa босилган «Ҳақиқат излаб» сарлавҳали хатингизни ўқидим. Сабоатхон, ҳали ёш экансиз, орзуингиз доктор бўлиш экан бунга албатта эришасиз. Мана мен ҳам ўрта мактабни 1980 йил тугатдим, шундан бери икки марта Тошкент, 4 марта Самарқанд медицина институтига топширдим, лекин киролмадим. Шунда ҳам ноумид эмасман, бу йил ҳам имтиҳонларга чуқур тайёрланаяпман, қанийди бу йил орзуим рўёбга чиқса. Мен ҳозир Урганч район бирлашган касалхонасининг туғуруқхона бўлимида санитарка бўлиб ишлайман. Медицина соҳаси бўйича 8 йиллик стажим бор. Сабоатхон, ҳеч қачон ноумид бўлманг, ҳозир ҳар бир ерда қайта қуриш, жадаллаштириш кетаётган экан, бундан кейин сиз куюниб ёзган таниш-билишчиликка, поражўрликка ўрин қолмайди. Сабоатхон, сиз имтиҳонларга яхши тайёрланинг, бу йил албатта кирасиз. Орзуларимиз албатта рўёбга чиқади.

Ойша ЖУМАБОЕВА,  
Хоразм область,  
Янгибозор райони.

Мен «Еш куч» журналининг 1988 йил 1-сонидa тенгдошим Сабоат Қаршибоевнинг «ҳақи-

қат излаб» номли сарлавҳа остида босилган мақоласини ўқиб, ўйга толдим. Чунки бундай кун менинг ҳам бошимга тушган.

Мен ҳам 1987 йили Қува районидaги 21-ўрта мактабда 10-синфни тамомлаб, Андижон область Бўз районидaги педагогика билим юртига мактаб томонидан берилган «Мақтов Ерлиғи»ни не-не умидлар билан олиб, ҳужжатларим билан бирга топширмоқчи бўлдим. Аммо ҳужжатларимни қабул қилишди-ю, «Мақтов Ерлиғи»ни қабул қилишмади. Аввалига: «Ерлиқлар тўлди. Энди қабул қилинмайди» деб айтишди. Сўнгра менинг кўз олдимда бошқа бир қизнинг фамилияларини кўриб бўлиб ва чўнтагидан кичкина бир қоғозга кўз югуртириб, унинг «Ерлиғи»ни қабул қилишди. Кейин менга юзланиб шундай деди: «Ерлиқлар тўлганича йўғу, аммо сизнинг «Ерлиғи»гизга нотўғри «ёзилган», деб баҳона қилди. Ҳа, шундай экан, нега энди бошидаёқ «нотўғри ёзилган» демади? Нима учун ўша қизнинг «Мақтов Ерлиғи»ни чўнтагидaги қоғозга қараб қабул қилди?

Шундай қилиб мен биринчи имтиҳонданок «йиқилдим». География ўқитувчимиз Дадажонов жуда тўғри айтган экан: «Пулинг бўлмаса овора бўлиб борма, барибир қайтиб келасан» деб. Аммо мен ўз йўлимдан қайтмадим. «Ҳақиқат бордир» деб ўйлаган эдим.

Ҳурматли «Еш куч» журнали! Ахир пули кўп кишиларнинг болалари ўқийверса, пули оз, ҳалол кишиларнинг болалари қачон ўз орзуларига етадилар. Еки ота-онаси қийинчилик пайтларда ўқий олмай, деҳқончилик билан



# «Танишув клуби» эътироф ва эътирозлар



Таклифлар, мулоҳазалар

Маош олган куним эди. Мактабимиз парткоми «Еш куч»га обуна бўлинг» деди. Истар-истамас рози бўлдим. Лекин унинг январь ойи сонини ўқиб севиндим. Ундан ёшларга тааллуқли кўп нарсалар билиб олиш мумкин экан. Эртасига мактабга бориб парткомимизга миннатдорчилик билдирдим.

**К. МУРИДОВА,**  
Сирдарё область  
Ильич район,  
Ленин кўчаси.

## Эй, аёл!

Хурматли редакция! «Еш куч»нинг ўтган йилги ноябрь ойи сониди болалар уйида тарбияланаётган болалар суратини кўриб жуда кўнглим эзилиб кетди. Айниқса, тагига «Мени уйимизга олиб кетишармикан?...» деб ёзилган қизалоқ суратини кўриб оналик меҳрини фарзандига раво кўрмайдиган аёлларга қуйидагича мурожаат қилгим келди:

Утинман сендан эй аёл,  
Жовдираган қора кўзларнинг,  
Тушидаги сароб бир хаёл  
Илтимосим сендан эй аёл  
Илтижолу бу кўзларга боқ,  
Она уйи бўлмасин хаёл.  
Юракларда умид ўтин ёқ!

Хурмат билан  
Назира БЕКҚУЛОВА,  
Бойсун.

тирикчилик қилган бўлса, унинг болалари ҳам шу ишни қилиши шартми? Нима учун одамлар бу ишга, порахўрликка бепарво қарайдилар. Тўғри, порахўрлик радио-телевидениеда, газета ва журналларда танқид қилинган. Аммо амалда эса...

Бундай порахўрлик қачонгача давом этади?

**Нигора ЖАЛОЛОВА,**  
Фарғона область,  
Қува райони.

\* \* \*

Журналнинг 1-сониди Самарқандлик Сабоат Қаршибоевнинг мактубини тўғри деб ўйлайман. Мен 1986 йил мактабни тугатиб САМДУнинг тарих факультетига хужжатларимни топширдим. Орзуим тарихчи бўлиш эди. Факультетга 25 киши қабул қилинар экан, лекин хужжат топширганларнинг сони 300 тадан ортиб кетди.

Мен иккинчи имтиҳондан ўтмадим. Билимим камлик қилди шекилли. Мени ҳайрон қолдирган

«Еш куч» юракни ёриб дардлашадиган журналга айланаётганидан хурсандман. Мен ҳаётимизда учрайдиган иллатларга қарши курашиш учун ҳам комсомолнинг обрўсини ошириш керак деб ҳисоблайман. 20—30-йилларда комсомол ташкилотидан, комсомол аъзоларидан синфий душманлар қаттиқ чўчиганини кўп айтишади. Ҳозирчи? Масалан бирор чайқовчига комсомол билетини кўрсатиб гапириб кўрингчи, у ҳайқириб ҳушёр торғиш у ёқда турсин, устунгиздан кулади. Худди шундай тушунчаларни йўқотиш учун ҳам комсомолнинг обрўсини ошириш керак.

**ЕҚУБ Т.**  
Тошкент давлат  
Театр ва рассомлик  
институтининг талабаси.

наrsa, студентликка қабул қилинганларнинг кўпчилиги область, район совхоз, колхоз раҳбар ходимларининг фарзандлари эди. Бу билан нима демоқчиман: демоқчиманки, таниш-билиш, ошна-оғайнигарчилик таъсири ҳамон каттадир. Нима учун энди фақат амалдорларнинг боласи ўқишга киради-ю, бизга ўхшаган колхозчи, ишчиларнинг болалари олий ўқув юртларига киролмайди.

Мен ишонмайман, амалдорларнинг фарзандлари аъло ўқийдилар-у, колхозчининг боласи ёмон ўқишига. Ҳозир мамлакатимизда қайта қуриш, ошқоралик бўлаётган бир пайтда олий ўқув юртларида бу ҳол давом этаверса, қачон коммунизм қураимиз?

Мен тарихчи бўлишим ёки бўлмастимни ўйлаб қолдим, чунки тарихчи бўлай десам — тарих факультетига катталарнинг боласи қабул қилинса. Нима қилишга ҳайронман...

**Шоира ҲАСАНОВА,**  
Самарқанд область,  
Пойарик райони.

«Еш куч»нинг 1987 йилги 4-сониди эълон қилинган «Ўз тенгимни ахтараман» деб номланган мақола кўп вақт журналхонлар мунозарасига сабаб бўлди.

Фарғона Педагогика институти студентлари билан шу мавзуда муҳокама ўтказиб уни редакцияга йўллаган эдик. Бироқ, негадир журналда шу мавзуда бошқа чиқишлар бўлмади. Редакция «Танишув» клубини ташкил этиш мақсадида эди. Лекин бу иш охирига етказилмади. Менимча, бошланган тадбир охирига етказилиши керак.

Салом билан Тоҳир УСМОНОВ,  
Фарғона область  
Охунбобоев районидан,  
Ўқитувчи.

Эътиборингиз учун, тўғри маслаҳатингиз учун раҳмат, ўртоқ Усмонов. Дарҳақиқат, андижонлик журналхон Рўзигулнинг мактуби жуда нозик ва кўпчилигининг дилидаги муаммо эканлиги редакциямизга ҳанузгача келиб турган мактубларда ўз ифодасини топмоқда. Олинган мактублардан намуналар журнализмнинг ўтган йилги 8-сониди эълон қилинди. Фикр фикрни уйғотади, деганларидек, шундан сўнг мактублар оқими янада кўпайди. Қизларнинг ўрта мактабдан сўнг ўқишга давом эттириши, ишлаши, ўз вақтида турмуш қуриши ва уйда ўтириб қолиши сўнгсиз мунозарага айланди. Айниқса, «Танишув» клубини ташкил этиш-этмаслик ҳақидаги Рўзигулнинг таклифи жиддий қарама-қарши фикрлар келтириб чиқарди. Ҳисоб-китоб тили билан айтсак, мактуб эгаларининг тенг ярми «Танишув» клуби тарафдори бўлса, қолгани унга қарши. Қизиги шундаки, ҳар икки тараф вакиллари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларига асосли далиллар келтирадилар.

Бевосита редакциямизга келган йигит-қизлар ҳам «Танишув» клубига бўлган муносабатларини очиқ-ойдин ўртоқлашдилар.

Ҳўш, бу ҳақда биз қандай қарорга келдик ва «Еш куч» редакцияси қошида шундай клуб ташкил этиладими?

Бир сўз билан айтганда, «Танишув» клуби керак. Бу ҳақда маҳаллий советлар, хусусан қишлоқ совети, хотин-қизлар совети раҳбарлари, кекса ота-оналар,

педагоглар ўйлаб кўришса, уни жойларда ташкил этишнинг энг мақбул йўллари изланса деган ниятдамиз. Республикамиз катта, ҳар бир область, ҳар бир район, қолаверса ҳар бир қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи, миллий анъаналар ва янги турмуш тарзига бўлган муносабатлари ўзига хос. «Танишув» клубини ташкил этишда айни шу жиҳатлардан келиб чиқишга тўғри келади. Акс ҳолда, аксари мактубларда тўғри таъкидлангандек, қош қўйман деб кўз чиқариш эҳтимолдан ҳоли эмас.

«Танишув» клубини редакция шароитида ташкил этишнинг иложи йўқлиги ҳам шу таклифлардан келиб чиқади. Фарғона областининг Ўзбекистон райониди яшовчи М. Деҳқонов, «Турмуш ўртоғини топиш учун эмас, балки шунчаки дўстлашиш учун «Танишув» клуби ташкил этиш мумкин-ку» деб ёзибди. Тўғри таклиф. Лекин бундай клуб бунёд этиш билан боғлиқ мураккабликлар ҳам оз бўлмайди ва бу ҳам редакция имкониятидаги тадбир эмас.

«Ўз тенгимни ахтараман» мактуби юзасидан олинган хатларга яқун ясар эканмиз бу мавзунини бошлаб беришга айтадиган гапимиз бор.

Рўзигул! Тил учидидаги, дил тубидаги дард эътиборсиз қолмайди. Бунга ўзингиз ҳам иқдор бўлгандирсиз. Эсингиздами, мактубингизда «айтсам юзим шувит, айтмасам...» деган иборани ёзгандингиз. Жасоратингизга балли. Қарийб барча хат эгалари сизга хайрихоҳлик билдиришди, сизнинг бахтли турмуш қуришингизга ишончларини изҳор этишди. (Мактуб йўллаганларнинг баърига миннатдорчилик билдирамиз!)

Муҳими, ўзбек қизлари учун ниҳоятда нозик муаммо дилдан тилга кўчди. Айрим хатларда баён этилгандек, бу ҳаёсийлик эмас. Асло. Бу — бугунги кун, бугунги турмуш тарзи одамларимиз олдида кўндаланг қўйётган нозик муаммо. Бундай муаммоларни кўплашиб, очиқ-ошқор гаплашиб олган тақдиримиздагина, бирор қарорга келиб уни амалга ошира олган тақдиримиздагина хаёллар ҳаётга айланади, орзулар армонлигича қолмайди.

Суҳбатдош

# ХАЛҚ ТАЛАБИ — ҲАҚЛИ ТАЛАБ



$$H_2 \rightarrow CH_3 - CH_3 \quad \bullet \quad x'' = -x_m \cos t = -x \quad \bullet$$

# АНИҚ, САНЛАР



## II тур саволлари ФИЗИКА:

1. Кўлда турган қайиқда балиқчи қайиқнинг бир учидан иккинчи учига ўтишга қарор қилди. Балиқчининг массаси 60 кг, қайиқнинг узунлиги 2,5 м. Агар балиқчининг ҳаракати давомида қайиқ 1,5 м масофага силжиган бўлса, қайиқнинг М массасини аниқланг. Сувнинг қаршилиги ҳисобга олинмасин.

2. Қаттиқ жисмнинг зичлигини гидростатик тортиш усули билан қуйидагича аниқланади. Жисм аввало ҳавода, сўнгра суюқликка ботирилган ҳолда тортилади. Шу усул билан зичлиги сувнинг зичлигидан кичик бўлган жисм зичлигини аниқлаш мумкинми?

3. Маълумки, сув 0°C да музлайди ва худди шу температурада муз эрий бошлайди. Агар 0°C температурадаги бир стакан сувга муз парчаси солинса, қандай ҳодиса содир бўлади?

4. Бир-биридан сўғимлари 2 марта фарқ қиладиган иккита конденсатор мавжуд. Э. Ю. К. си Е га тенг бўлган батарея берилган бўлса, ушбу конденсаторлар ёрдамида қандай энг катта потенциал фарқига эга бўлиш мумкин?

5. Предметдан унинг тасвир текислигигача бўлган масофа ўзгармас бўлганда, йиғувчи линза ёрдамида ҳосил қилинган тасвирларнинг геометрик ўртачаси предметнинг ўлчамига тенг бўлишини исботланг.



## ХИМИЯ:

1. Епиқ идишда учта газ аралашмаси портлатилганда қандай кислота эритмаси ва қандай концентрацияда ҳосил бўлганлигини қуйидаги маълумотлардан фойдаланиб ҳал этинг: биринчи газ хлорид кислота билан 21, 45 рух,

иккинчи газ — 47,41 г калий перманганат парчаланиши натижасида, учинчи газ — мўл миқдордаги хлорид кислотанинг 2,61 г марганец (IV) оксид билан реакцияси натижасида олинган.

2. 80°C да магний сульфатнинг тўйинган эритмасидан 1642 г миқдорини 20°C гача совутилганда ҳосил бўладиган кристаллогидрат — магний сульфатнинг гексагидратидан қандай миқдорда ҳосил бўлишини ҳисобланг. Сувсиз магний сульфатнинг эрувчанлиги 80°C да 64,2 г ва 20°C да 44,5 г га тенг.

3. Калий феррат —  $K_2FeO_4$  га суюлтирилган сульфат кислота, водород фторид, водород хлорид, водород иодид кислоталари билан ишлов берилганда қандай маҳсулотлар ҳосил бўлиши мумкин? Агар калий ферратнинг ранги қизғиш-бинафша тусли бўлса, ҳар бир реакция давомида содир бўладиган ташқи ўзгаришларни баён этинг.

4. Номаълум углеводород икки атом бромни бириктириб 2,5 — дибромгексен — 3 ни, оксидланганда сирка ва оксалат кислоталар аралашмасини ҳосил қилади. Бошланғич модданинг тузилишини ва тегишли реакция тенгламаларини ёзинг.

5. Таркиби  $C_5H_{10}$  бўлган модданинг турли изомерларининг формуларини ва номларини ёзинг.

Саволларни  
И. ГОРБАТОВ, М. ҚУРБОНОВ (физика)  
ва А. МУФТАХОВ (химия)  
тайёрлаганлар

# КАШФИЁТ ҚАНДАЙ



— Сиз қидирган олим шу киши бўладилар,— деди ҳамроҳим машинадан тушиб лабораторияга қараб юрган қотмадан келган, ўрта бўйли истараси иссиқ йигитни кўрсатар экан. Кейин ўша йигитга қараб баланд овоз билан деди:

— Абдунаби! Бу ёққа! Сизни излаб келишибди,— кейин қўшиб қўйди,— редакциядан! Абдунабини излаб келганимиз рост. Чунки тасодифми ёки тасодиф эмасми, ҳарқалай Андижонга келганимда бу йигит ҳақида анчагина яхши гаплар эшитдим менда у билан танишиш истаги туғилди. Узингиз ўйланг, область марказида ишлаётган ёш олим бош-

қа республикадаги донгдор бир заводга бориб: «Сизлар мен топган технология бўйича ишланган маҳсулотнинг таннархини бир неча баробар арзонлаштиришингиз мумкин» дейишини кўз олдингизга келтира оласизми? Қийин-а? Аммо Абдунаби шундай деб айтибгина қолмай, манамен деган олим мутахассисларга ўзи кашф қилган янги усулни исботлаб ҳам берди. Агар ўша манамен деган олим мутахассислар унинг таклифи ва технологиясини олдинга қучоқ очиб кутиб олганини, қайтага ишонқирамай гоҳо очикдан очик ёвқараганликларини, лекин шунга қарамай Абдунаби бу тўсиқларни энгиб ўтиш учун ўзида сабот ва матонат топа олганлигини эътиборга оладиган бўлсак, унга ҳавасингиз келмаслигининг иложи йўқ, нима дедингиз?

Биз биргалашиб у ишлайдиган лабораторияга кирдик. Лаборатория... Турли найсимон шиша трубаалар бир-бири билан туташиб, хонага сирли тўс беради. Тоқчалардаги шиша идишларда оқ, сариқ рангли суюқликлар... Хонани, яъни лабораторияни катта деб бўлмайди. Лекин маҳсулотни бир неча баробар арзонга туширишга олиб келган технология худди шу ерда туғилганлигини ўйлар экансан, шу мўъжазгина хона ҳам улкан, салобатли бўлиб кетгандай туюлади кишига.

Буни қаранг, номини айтмай ҳадеб маҳсулот-маҳсулот, деяпман, биласизми у нима?

Берберин бисульфат деган препаратни эшитганмисиз? У жигар касалликларини даволашда беназир. Аммо... Аммо у анча танқис, яна ҳам аниқроғи танқис эди. Танқислигининг сабаби эса технологиясининг ниҳоятда мураккаблигида, устига устак ишлаб чиқариш қимматга тушарди-да. Дарвоқе келинг, бу ҳақда яхшиси Абдунабининг ўзи гапириб бера қолсин. Қолаверса, мен ҳам унинг учун қатор саволлар ғамлаб қўйганман.

— Янги технологиянинг автори мен эмас — табиат,— деб гап бошлади Абдунаби.— Чунки унинг асосини тоғларимизда ўсадиган зирк, яъни барбарис ташкил қилади. Биласиз, у жуда шифобахш неъмат, аммо ундан зарур препарат олиш эса осон эмас экан. Мен Тошкент Давлат университетининг химия факультетида ўқиб юрган пайтларимдаёқ зиркнинг химиявий хусусиятлари билан қизиқиб қолган эдим. Бир қатор илмий кузатишлар олиб бордим. Кейинчалик аспирантурада машхур кимёгар Собир Юнусов раҳбарлигида таълим олганимда (у устозининг номини тилга олганда кўзлари қувончдан чақнади, гап оҳанги янада мулоимлашди. Бундан эса Абдунабининг устозига меҳри ниҳоятда баланд эканлигини яққол сезиш мумкин эди) ўсимликлар алколоидлари ҳақидаги билимим янада чуқурлашди. 1978 йили Усимлик химияси институти қошидаги аспирантурани тугатиб, Ан-

$$\bullet \quad CH_2 = CH_2 + H_2 \rightarrow CH_3 - CH_3 \quad \bullet \quad x'' = -x_m \cos t = -x \quad \bullet$$



$$a^2 - b^2 = (a - b)(a + b)$$

$$m\alpha_T = -mg \sin\alpha$$

# АКАДЕМИЯСИ



## III тур

### «Ёш математикларнинг сиртки олимпиадаси» саволларига жавоблар

Тенгламанинг бутун сонлар тўпламидаги ечимини топинг:  $\sqrt{x} + \sqrt{y} = \sqrt{1987}$

Тенгламани  $\sqrt{x} + \sqrt{1987 - x} = \sqrt{1987}$ , бунда  $x, y \geq 0$ , шаклида ёзиб квадратга кўтарсак  $y = 1987 - x - 2\sqrt{x(1987-x)}$ . Ҳосил бўлади,  $x$  ва  $y$  лар манфиймас бутун сонлар, шунинг учун ҳам  $\sqrt{1987-x}$  манфий бўлмаган бутун сон бўлиши керак, бунга эса  $x = 1987a^2$ , бунда  $a \geq 0$  бўлганда эришамиз (1987 туб сон). Худди шунга ўхшаш  $y = 1987b^2$

бўлишини келтириб чиқарамиз. У ҳолда берилган тенглама қуйидагича ёзилади.

$$\sqrt{1987a^2} + \sqrt{1987b^2} = \sqrt{1987}$$

бундан  $a + b = 1$  келиб чиқади, бунда  $a, b \geq 0$  бўлганлиги учун  $a = 1, b = 0$  ёки  $a = 0, b = 1$  бутун ечимларга эга  $x = 1987, y = 0$ ;  $x = 0, y = 1987$  ечимларни топамиз.

2. 120 сонини учта ўзаро ҳар хил қўшилувчиларга шундай ажратингки, ихтиёрий иккитасининг йиғиндиси учинчисига бўлинсин.

Фараз қилайлик  $a + b + c = 126$  бўлсин. Масала шартига кўра  $a + b = k \cdot c$  ёки  $a + b + c = (k + 1) \cdot c$ , яъни  $c$  қўшилувчи 126 сонининг бўлувчиси бўлар экан. Худди шунингдек  $a$  ва  $b$  лар ҳам 126 нинг бўлувчилари бўладилар. 126 сонининг бўлувчилари қуйидагилар: 1, 2, 3, 6, 7, 9, 14, 18, 21, 42, 63, 126. Бундан кўринадикки  $21 + 42 + 63 = 126$  ёки  $42 + 42 + 42 = 126$ . Масала шартига биноан иккинчи варианти бўлиши мумкин эмас. У ҳолда масала ўрин алмаштириш аниқлигида битта ечимга эга: 21, 42, 63.

3  $a^2 + ab + ac = 0$  бўлса,  $y$  ҳолда  $b^2 + abc$  тенгсизлигини исботланг.


$a^2 + ab + ac = 0$  бўлса,  $y$  ҳолда  $-a(b + c) = 0$  бўлади.  $(2a + b)^2 \geq 0$  дан  $4a^2 + 4ab + b^2 \geq 0$  ни топамиз. Ҳосил қилинган тенгсизликларни қўшсак  $b^2 + abc \geq 0$  келиб чиқади. Бундан  $b^2 + abc$  . Шунини исботлаш талаб қилинган эди.

4. Учбурчак ABC да N нуқта BC томонининг ўртаси бўлса, қуйидаги тенгсизликни исботланг:

$$NA \leq \frac{1}{2} \sqrt{2(a^2 + b^2) + c^2}$$

ABC учбурчакни параллелограммга тўлдирарамиз. AD = 2 · AN бўлади. Параллелограмм томонлари ва диагоналлари ҳосиласига биноан:

$$AD^2 + BC^2 = 2(AB^2 + AC^2)$$



Бундан фойдаланиб  $NA = \frac{1}{2} \sqrt{2(a^2 + b^2) + c^2}$  келтириб чиқарамиз. Шунини исботлаш талаб қилинган эди.

5. Айлана бўйлаб 1, 2, 4 сонлари ёзилган. Сўнгра ҳар иккита қўшни сонлар орасига уларнинг йиғиндиси ёзилган (натижада 6 та сон ҳосил бўлди: 1, 3, 2, 6, 4, 5). Бундан кейин шу операцияни яна 5 марта бажардик. Энди айлана бўйлаб 192 та сон ҳосил бўлди. Уларнинг йиғиндисини ҳисобланг.

Агар масала шартда кўрсатилган операцияни  $a, -a, n$  сонлар кетма-кетлигига қўлласак,  $y$  ҳолда ҳосил бўлган  $2n$  сонлар йиғиндиси  $b_1 + \dots + b_{2n}$  қуйидагича тенг бўлади:  $3(0, 1 + 1 + n)$  Шундай қилиб масала шартда ҳосил қилинган 192 та сонлар йиғиндиси қуйидагича бўлади:  $(1 + 2 + 4) \cdot 2^6 = 5103$ .

Б. РИХСИЕВ, Н. ҒАНИХУЖАЕВ,  
Т. ҚУРҒОНОВ.

# ТУҒИЛАДИ?

Очерк

дижон медицина институтининг «Биорганик ва биофизик химия» кафедрасида ишлаётганимда бўш вақтларимни асосан зиркни ўрганишга, унинг шифобахш хусусиятларидан кишилар саломатлигини мустақамлайдиган препаратлар ишлаб чиқариш йўллари қидиришга бердим. Аввало, бербери билан бисульфат ишлаб чиқаришнинг мавжуд технологияси билан қизиқдим. Унда жуда кўп хом-ашё сарф қилиниши, кейин унинг каттагина қисми чиқиндига чиқариб юборилиши эътиборни тортди. Хўш, хом-ашёни кам сарф қилиб кўпроқ маҳсулот олиб бўлмасмикин? Чиқиндини камайтиришнинг иложи йўқмикин? Тадқиқотлар хом-ашёни камайтиришнинг йўли уни ишлаб чиқариш жараёнини интенсификация қилди. Бунда менга Тошкентдаги ўсимликлар химияси институтининг етакчи олимлари, шунингдек, кафедрамиз мудири Қ. Л. Лутфуллин ўз ёрдам ва маслаҳатларини аямдилар. Янги усул қўлланилганда биргина қимматбаҳо этаноладан 30 процент иқтисод қилинар экан. Масалан, 1 тонна хом ашёга 10 тонна этанол сарф бўлса, бизнинг усулда шу ҳажмдаги хом ашёга атиги 4 тонна этанол сарф қилинади. Бунинг устига яна 8—10 процент қўшимча маҳсулот олинади.

— Бу — лаборатория йўли билан олинган натижа, тўғрими? Бироқ у ишлаб чиқаришга дарров татбиқ этилди деган сўз эмас-ку.

— Афсуски тўғри. Бунинг устига бундай препарат бизда эмас, Ботумидаги заводда тайёрланади. Бир неча бор у ёққа боришга, ўша ерда ойлаб яшашга ва ишлашга тўғри келди, баҳслашишлар, тортишувлар, қоғоз-бозликларнинг чеки йўқдек туюлувди, йўқ, хайрият...

— Одатда, бирон-бир ихтиро кашф қилинганда, энг аввало унинг соддалиги кишини ҳайратга солади. Буни қаранг-а, оппа-осон экан-у, сезмабман-а деймиз. Сизнинг усулингиз олимларда шундай фикр уйғотмадими?

— Бу препарат ва уни ишлаб чиқариш технологияси устида жуда мўътабар олимлар ишлаган. Лекин уларни янги усулни билмаганликда айблаш шаккоклик. Нега? Боя янги усулнинг авторлари табиат, дедим. Гап шундаки республикамизнинг иқлимида ўсган зиркнинг ўзига хос хусусияти борки, у масалан маълум ҳароратда эрийди, шифобахш моддалари ажралиб чиқади ва ҳоказо. Айни мана шу жараён янги технологияни «айтиб» берди, десам янглишмасам керак.

— Кейин бу борадаги ишларингизни давом эттирдизми?

— Албатта! Кейин ишлаб чиқариш чиқиндиларидан, бербери хлориддан препарат олиш йўллари топилди.

— Буларнинг асосини яна зирк ташкил қилади, шундайми? Қани, айтинг-чи, сиз зирк-

## ФАН-ТЕХНИКА ОЛАМИДА

ни ўрганишга ҳаммаси бўлиб неча йил вақт сарфладимиз?

— Ун йил!

— Яна қанча шуғулланмоқчисиз?

Абдунаби кўлди. Сўнг лаборатория деворидаги ўсимликларнинг намуналарини кўрсатди.

— Мана қаранг, — деди у, — мана булар ўш тоғларида ўсадиган зирклар, мана бу Шоҳимардон тоғларидан келтирилган... Уларнинг ҳаммасини синчиклаб ўрганиш керак. Иш етарли.

Бу ўринда шунини айтиш керакки, химия фанлари кандидати Абдунаби Каримов яратган ихтиролари учун олти авторлик гувоҳномасини олган бўлиб, улардан 2 таси ишлаб чиқаришга жорий этилган. 1986 йил эса унга «Аълочи ихтирочи ва рационализатор» унвони берилди.

Бизнинг Абдунаби билан суҳбатимиз узоқ давом этди, жумладан табиат, уни асраш ҳақидаги саволларга ҳам у жонкуярлик билан жавоб берди. Мен суҳбат давомида яна шунини сездимки, унинг табиатида ҳам ажиб жонкуярлик бор экан. Бу кишиларга бўлган жонкуярлик бўлиб, у меҳр-шафқатдан қувват олади. Уни фан оламига чуқурроқ кириб боришга интилишининг, тинимсиз изланишининг сабаби ҳам шунда.

Ш. АКБАРОВ

$$a^2 - b^2 = (a - b)(a + b)$$

$$m\alpha_T = -mg \sin\alpha$$



## Роботлар... улар нималарга қодир?

Этибор берганмисиз, фан-техника тараққиёти, унинг истиқболи ҳақида қачон гап очилса, албатта, роботлар тилга олинади. Бу — бежиз эмас. Фан-техника ютуқларини ўзида муҳассамлаштирган роботлар кун сайин ҳаёти-мизга кириб келмоқда. Бу «ақлли машиналар» кўп меҳнат сарфланадиган, оғир участкаларда кишиларнинг ўрнини олиб, самарали меҳнат қилмоқда.

Хўш, роботлар қандай ишлайди. Чиндан ҳам улар ишлаб чиқаришда одамлар ўрнини боса оладими! Бу ва бунга ўхшаш қатор саволлар фан-техникага меҳр қўйган кишиларни, айниқса, ёшларни қизиқтириши табиий.

Роботсозлик жиддий илмий-ташкिलий база асосида тараққий этиб бораётган соҳа. Урни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, бизнинг мамлакатимиз санаят роботларининг тараққиёти бўйича дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келаяпти. Агар 1980—1981 йилларда Совет Иттифоқида 5000 санаят роботлари ишга туширилган бўлса, 1983 йил охирига келиб уларнинг сонини 7000 га етди. СССРда санаят роботларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши йилига 20—25 фоизни ташкил этади.

## Моҳир, чаққон, толмас...

Санаят роботлари меҳнат унумдорлигини, 1,5-2 марта ошириши мумкин.

Санаят роботларини ишлаб чиқариш бўйича маҳсус қувватларнинг ишга туширилиши ўз навбатида 1990 йилда 106 минг робот тайёрлаш имконини беради.

СССРда 50 дан ортиқ санаят роботлари модели ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу роботларга бўлган сарф-ҳаражатлар 2—2,5 йил ичида ўзини оқламоқда. Битта роботнинг серияли ва ўрта серияли ишлаб чиқаришда қўлланиши бир йилда 6—12 минг сўм иқтисодий самара бермоқда.

Энди масаланинг яна бир томонига этиборингизни жалб этмоқчимиз. Бугунги кунда машинасозлик корхоналарида янги технология билан бир қа-

торда талабга жавоб бермайдиган эскирган технология ва ускуналар ҳам бор.

Масалан, бир пайтлар бузилмас циклга эга бўлган автоматик линиялар ишга туширилган бўлиб, улар фақат бир турли маҳсулотни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. Агар янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўттиладиган бўлса унинг ўрнига бутунлай бошқа, янги линия ташкил этишга тўғри келади. Ваҳоланки, автомат линияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун бир неча йил керак. Натижада, янги маҳсулот ишлаб чиқариш чўзилиб кетади. Ниҳоят бундай автоматик линиялар қимматга тушади. Ушбу муаммони санаят роботлари асосида тузилган эпчил автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни жорий этиш йўли билан ҳам муваффақиятли ҳал қилиш мумкин. Бунда уларнинг иш структурасини ўзгартирмай туриб, хоҳлаган вақтда янги буюм ишлаб чиқаришга ўтса бўлаверади.

Тажриба ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаштириш айрим жараён ва операцияларни автоматлаштиришга қараганда катта иқтисодий самара беришини кўрсатмоқда, бинобарин, қайси корхонада фан ва техника ютуқлари самарали қўлланаётган бўлса, шу корхонада меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга эришилмоқда.

Роботлар ҳақида гапира туриб, бирдан ишлаб чиқариш технологияси ва автоматлаштириш мавзусига ўтиб кетишимизнинг ўзига хос сабаблари бор. Бинобарин, улар аслида бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини унутмаслигимиз керак. Роботлар ишлаб чиқаришнинг у ёки бу жараёнини автоматлаштиради, юқорида айтиб ўтганимиздек, оғиримизни энгил қилади. Лекин бу фақат катта ишнинг бошланиши холос. Чунки биз биргина участкани автоматлаштириш билан роботлар меҳнатидан, кўзланган даражадаги унумдорликка эриша олмаймиз. Бунинг учун эса автоматлаштириш соҳасини, миқёсини кенгайтиришимиз, яъни яна қўшимча участкаларни, жараёнларни роботлаштиришимиз лозим бўлади. Энди қаранг: айрим технологик операцияларда роботини қўллаб ўз навбатида роботлашган технологик участкаларга ўтиш ва булар асосида комплекс автоматлаштирилган цех ва ниҳоят заводларга ўтиш мумкин. Кўрдингизми,

робототехниканинг ўзи комплекс автоматлаштириш заруриятидан келиб чиққан. Келинг, энди яна роботларнинг ўзига қайтайлик.

Яқин вақтларгача санаят роботлари, асосан, машинасозлик санаятида қўлланиб келинар эди. Кейинги вақтда ушбу роботларнинг қўлланиш соҳалари кенгайиб бормоқда.

## ИШ ОҒИР ЭКАН ДЕМАЙДИ...

Роботларни тоғ ишлари санаятида қўлланилишини олиб кўрайлик. Шу тармоқда битта робот-қазувчининг қўлланилиши меҳнат унумдорлигини 2—3 марта ошириш ва кўплаб ишчиларнинг меҳнатини энгиллаштириш имконини беради. Ҳозир СССРда кўмир шахталарда нисон иштирокисиз кўмир чиқарувчи роботлар ишлаб чиқилмоқда. Роботларни геологоразведка, ядроли реакторларда, радиоактив моделларни манипуляция қилишда, ер ости ва сув ости ишларида фойдаланиш ҳаёт талабига айланиб бормоқда.

Масалан, «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган робот беш кишини оғир қўл меҳнатидан холос қилди. Одатда, қўлда бажариладиган иш жараёни — гиштини хумдонга жойлаш учун уни вагонеткаларга тахлаш энди шу роботга топширилди. Бунда автоматлар мамлакатдаги бир қанча гишт заводларида муваффақиятли қўлланилмоқда. Бироқ, бирлашма мутахассислари машҳур Ленинград схемасини шунчаки такрорлаганлари йўқ, балки уни анча такомиллаштирдилар. Тошкентда яратилган робот ихчамроқ. Унинг пневмотуткич «қўллари» пухтароқ ишлайдиган бўлди. Бир соат ичида у беш мингта гиштини тахлаб беради. Мутахассисларнинг фикрича, янгиликни жорий этишдан иш ҳақи фондани тежаш ҳисобигагина йилига 12 минг сўмликдан зиёд самара олиш мумкин. Бундан ташқари маҳсулот таннархи камаяди.

Бизнинг республикамизда роботлардан қандай фойдаланилаёпти! Бу саволга қуйидаги рақамлардан жавоб топиш мумкин: бугунгача 300 тадан зиёд робототехника воситалари ишлаб чиқаришга жорий этилди. 100 дан ортиқ робот, шу жумладан 21 та программали бошқариладиган автоматик, 44 та бикир программали, 16 та ортиш-тушириш ишларини бошқарадиган манипуляторлар ишлаб турибди.

Робот ва робототехникадан унумли фойдаланишда Тошкент трактор заводи пешқадамлик қилаёпти. Бу ерда бешта автомат линия ишга туширилди. «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Чирчиксельмаш» заводларида роботлаштирилган линиялар лойиҳаси бунёд этилди.

Келажақда бундай корхоналар сафи кенгайди. Демак, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати янада ортади.

## «ҒАЛАБА» ЧАЙНВОРДИ

1. Ҳарбий қурол.
2. Артиллерия.
3. Уч иттифоқчи давлатлар ўртасида конференция ўтказилган шаҳар.
4. Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилган ўзбек аёли.
5. Одер дарёсини кечиб ўтишда жасорат кўрсатиб Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонига эга бўлган ўзбек жангчиси.
6. Армиямиз озод этган Европадаги йирик шаҳар.
7. Кўмондон ҳузуридаги ҳарбий хизматчи.
8. «Ёш гвардия» яширин ташкилотининг аъзоларидан бири.
9. Сарҳад сўзининг синоними.
10. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ рассоми.
11. «Қилич ва қалқон» фильми қаҳрамони.
12. Совет Иттифоқи қаҳрамони,



Шунинг учун ҳам биз роботларни «ақлли машиналар» деймиз. Чунки улар халқимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилади.

Н. МУМИНОВ,  
Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, техника фанлари доктори, Х. МУРОДХУЖАЕВ, техника фанлари кандидати.

Тошкент Педагогика институтида таҳсил кўрган студентка. 13. Ҳарбий самолёт. 14. Украина партизанлари ҳаракатининг бошлиғи. 15. Рейхстаг устига ғалаба байроғини тиккан совет жангчиси. 16. Совет ҳарбий саркардаси. 17. Сталинград, Курск остоналаридаги жангларда қатнашган андижонлик Совет Иттифоқи қаҳрамони. 18. Дон дарёсининг ўрта оқимида жойлашган шаҳар. 19. Афсонавий ва тарихий жанглари баён этувчи қадимий эпик жанр. 20. Жангчиларимизнинг дам олишда фойдаланган музыка асбоби. 21. Ўзбек жангчи шоири. 22. Жанг майдонларида ўз концерт программалари билан қатнашган СССР халқ артисти.

Тузувчи: Фаёз ҒОФУРОВ





# ХАЛҚАРО ЁШЛАР ТУРИЗМ БЮРОСИ 30 ЁШДА



Ҳар йили беш мингдан зиёд ўзбекистонлик ёш йигит-қизлар шу бюро орқали чет эл сафарига чиқадилар. Бу саёҳатларнинг шакли ва мазмуни турлича. Улар дўстлик, тинчлик, касб-ҳунарга оид махсус тузилган гуруҳлардан иборат бўлади. Айниқса, дўстлик фестивали, халқаро спорт мусобақалари, нуй ва қўшиқ конкурслари ёшлар ўртасида жуда оммалашиб кетган.

„Спутник“ туризм бюроси чет эллик меҳмонларга Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарлари бўйлаб турли йўналишдаги саёҳат маршрутларини ташкил қилади. Республиканинг социал ҳаёти, экономика ва сиёсати билан батафсилроқ танишиб чиқишлари учун кенг ва қулай имкониятлар яратиб беради.





В. Жирнов Фотоси